



ҚИЙМАТ ИНЖИНИРИНГИ

Тошкент архитектура-қурилиш
институти ҳузуридаги тармоқ
маркази

**ҚУРИЛИШДА БАХОНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ**

ТОШКЕНТ-2020

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчилар: ТАҚИ и.ф.б.ф.д. Мэтякубов А.Д.

Тақризчи: И.Шарипов – “TURON PROJECT-GROUP”
МЧЖ директори

Ўқув -услубий мажмуа ТАҚИ Кенгашининг 2020 йил 11 декабрдаги 2-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	10
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	17
IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАР	51
V. КЕЙСЛАР БАНКИ	103
VI. ГЛОССАРИЙ	108
VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	118

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Ишчи дастур олий ва ўрта маҳсус таълим муассасалари педагог кадрларнинг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва қўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Ишчи дастур мазмунида хориж таълим тажрибаси, ривожланган давлатларда таълим тизими ва унинг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган.

Ишчи дастур мазмуни олий таълимнинг маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, компьютер дастурлари асосида ҳисоблаш технологияси усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, қўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Ишчи дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, қурилиш конструкцияларини замонавий педагогик технологиялар асосида ҳисоблаш ва лойиҳалаш технологияларини амалиётга жорий этиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминлади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, қўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Ишчи дастурнинг мазмуни тингловчиларни “Қурилишда баҳони шакллантириш” модулидаги назарий методологик муаммолар, чет эл тажрибаси ва унинг мазмуни, тузилиши, ўзига хос хусусиятлари, илғор ғоялар ва маҳсус фанлар доирасидаги билимлар ҳамда долзарб масалаларни ечишнинг замонавий усуллари билан таништиришдан иборат.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Курилишда баҳони шакллантириш: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат қурилиш мажмуаси иқтисодиётининг ва баҳони шакллантиришнинг назарий ва амалий масалалари тўғрисида талаб қилинадиган билимларни шакллантириш имкониятлари билан таништириш ва билимларини такомиллаштириш.

Модулнинг вазифалари:

- тингловчиларни капитал қурилишда нархларни шакллантиришнинг смета-норматив базаси такомиллаштириш ва янгилаш билан боғлиқ зарур замонавий билимлар билан қуроллантириш;
- тармоқ вазирликлари ва идоралари бўйича қурилиш материаллари, конструкциялар ва буюмлар нархи банкини ташкил қилиш ва мавжуд муаммолар билан таништириш;
- иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида қурилиш машиналари ва механизмларидан фойдаланиш қиймати, транспорт харажатлари аниқлашни ўргатиш;
- иқтисодиётни либераллаштириш шароитида қурувчи ишчиларнинг иш ҳақи тўғрисидаги маълумотларни шакллантиришни ўргатиш;

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

Тингловчи:

- “қиймат” тушунчаси, “бошлангич нарх” ва “шартномавий нарх” тушунчаларининг иқтисодий, юридик мазмун-моҳияти ва фарқли жиҳатлари;
- турли қурилишда баҳони шакллантириш усуллари ва уларнинг таснифланиши;
- қурилишда баҳони шакллантиришнинг назарий асослари;
- қиймат турлари ва қурилишда баҳони шакллантиришнинг мақсад ва тамойилларини **билиши** керак;

Тингловчи:

- қурилишда баҳони шакллантиришнинг қонуний-меърий ва хуқуқий асосларини ҳамда амалиётда қўлланилаётган смета меърларини;
- қурилиш қийматини баҳолаш, қурилиш монтаж ишларини ресурс усуллар ёрдамида аниқлаш;
- қурилишда баҳони шакллантиришнинг ресурсли, иириклиштирилган усулларини мукаммал билиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим;

Тингловчи:

- турли шаклдаги қурилишда баҳони шакллантириш ва баҳолаш ҳисоботларини тайёрлаш;
- турли шаклдаги қурилиш материаллари бозорларини таҳлил қилиш;
 - қурилишда баҳони шакллантириш фаолиятида математик модель ва компьютер дастурларини қўллаш;
 - смета хужжатларини таҳлил қилиш ҳамда улардаги камчилик ва хатоларни бартараф этиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- мамлакат қурилиш материаллари бозорининг таркибини ўрганиш ва маълумотлар тўплаш;
- инвестицион лойиҳаларни таҳлилий баҳолаш;
- қурилиш объектларини баҳолаш қарорларини қабул қилиш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Курилишда баҳони шакллантириш” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан фойдаланган ҳолда ўтказилади;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Смета ҳисобида дастурий воситаларнинг қўлланилиши”, “Кўчмас мулк бозори ва унда баҳолаш фаолиятининг ривожланиши тенденциялари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласи.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модул олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва қўникмаларини такомиллаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар компьютер дастурларидан фойдаланиб ҳисоблаш ва лойиҳалаш жараёнларини автоматлаштиришга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул бирлиги номи	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат			
		Ҳаммаси	Аудиториядаги ўқув юкламаси		
			Жами	Жумладан:	
				Назарий	Амалий
1.	Капитал қурилишда баҳони шакллантиришнинг ўзига хос ҳусусиятлари	2	2	2	
2.	Қурилиш баҳосини йириклиштирилган кўрсаткичлар билан аниқлаш қоидалари	2	2	2	
3.	Капитал қурилишда баҳони шакллантиришнинг смета-меъёрий базаси асослари	2	2	2	
4.	Қурилиш баҳосини шартномавий жорий нархда аниқлаш қоидалари	4	4		4
5.	Смета ҳаражатларини аниқлаш қоидалари	4	4		4
6.	Қурилиш монтаж ва таъмирлаш ишларига смета тузиш	6	6		6
Жами:		20	20	6	14

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Капитал қурилишда баҳони шакллантиришнинг ўзига хос ҳусусиятлари

Нархнинг моҳияти. Нархнинг турлари. Бозор иқтисодиёти шароитида нарх ва унинг асосий вазифалари. Баҳонинг шаклланиши, уларнинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар. Баҳо шаклланиш жараёни. Курилишда нархларни шакллантириш усуллари. Курилишда баҳо белгилаш механизми ва унинг хусусиятлари. Курилишнинг смета бўйича қийматини белгилаш зарурияти. Индекс методи. Ресурс методи.

2-мавзу: Курилиш баҳосини йириклиштирилган кўрсаткичлар билан аниқлаш қоидалари

Курилиш баҳосини йириклиштирилган кўрсаткичлари ҳакида умумий маълумот. QBVK ишлаб чиқиш учун истеъмол хусусиятларини инобатга олган ҳолда курилиш маҳсулотининг аналог объектини танлаш.

3-мавзу: Капитал қурилишда баҳони шакллантиришнинг смета-мөъёрий базаси асослари

Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (ШНК). Қурилиш мөъёрлари ва қоидалари (КМК). Строительные нормы и правила (СНиП). Курилиш ишларига смета ресурс нормалари. Таъмирлаш - қурилиш ишларига смета ресурс нормалари. Жамоат бинолари ва маъмурий бинолар асбоб ускуналари ва инвентари харажатларининг смета ресурс нормалари. Асбоб-ускуналарни монтаж қилиш смета ресурс нормалари. Ишга тушириш-созлаш ишлари учун смета ресурс нормалари

АМАЛИЙ МАШғУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1- амалий машғулот: Смета ҳаражатларини аниқлаш қоидалари

Капитал қурилишда иш вақти фонди (киши-соат), ишчиларнинг ўртача соатлик иш ҳақи, объект қурилиши қийматини ҳисоблаб чиқишида статистик ойлик иш ҳақи даражаси, ижтимоий суғуртага ажратмалар, ўртача соатлик иш ҳақи, бир ой учун ҳисоблаб чиқилган минтақа бўйича қурувчиларнинг ўртача йиллик иш ҳақи, иш вақтининг ўртача ойлик фонди, объектнинг норматив меҳнат сарфи, машинистлар меҳнат ҳаражатлари, монтажчилар меҳнат ҳаражатлари

Умумлашган ресурс ҳисоби, ускуналар, мебель, ва инвентарлар сарфи, ресурс – смета мөъёрлари асосида тузилган спецификациялар, ишлаб чиқарувчи (таъминотчи) корхона нархи, транспорт, тайёрлаш –сақлаш ҳаражатлари, нархлар мониторинги, бир микдордаги курилиш материалларини (буомлар, конструкциялар), транспорт ва тайёрлаш –сақлаш ҳаражатининг ўртача нархи.

Машина ва механизмлари, транспорт қурилиши машина ва механизмлари, пардозлаш ишлари машина ва механизмлари, бошқа ёрдамчи машина ва механизмлар. Машина ва механизмлардан фойдаланишнинг соатлардаги хажми, машина ва механизмлардан фойдаланишнинг жорий қиймати.

Пудратчининг «бошқа харажатлари»нинг салмоғи, қурилиш-монтаж ишларига нисбатан фоиз ҳисоби, ишлаб чиқаришга оид бошқа харажатлар, вақтингчалик бино ва иншоотлар, қишки қимматлашув, ишчиларни ташиш, қурилишнинг вахта методи, лойиха-қидирав ишлари, лойиха хужжатлари ва муаллифлик назоратини ўз ичига олган ҳолда танлов хужжатларини экспертизадан ўтказиш, танлов савдосини ўтказиш, техник назоратни амалга ошириш, ДАҚН харажати ҳисоби, банк кредитининг фоизлари.

2- амалий машғулот: Қурилиш монтаж ва таъмирлаш ишларига смета тузиш

Қурилиш обьектлари турлари ва ресур смета хужжатлари тузиш. Локал смета тўғрисида умумий маълумот. Локал сметаларни ресур усули билан тузиш. Объект смета ҳисоби (объект сметаси) мақсади ва тузиш тартиби. Қурилиш қиймати йиғма смета ҳисоби мақсади ва тузилиши.

3-амалий машғулот: Қурилиш баҳосини шартномавий жорий нархда аниқлаш қоидалари

Лойихалаш институтлари, қурилиш баҳосини белгиловчи омиллар лойиха (ишчи лойиха) ва ишчи хужжатлар, шу билан бирга чизмалар, қурилиш ва монтаж ишлари ҳажми рўйхати, ресурс сметалари, ускуналар спецификацияси ва рўйхати, қурилишни ташкил этиш лойихасида қабул этилган қурилиш навбати ва қурилишни ташкил этишдаги асосий хulosалар, ҳамда лойиха хужжатларини тушунтириш хатлари, қурилиш ишлари, ускуналарни монтаж қилиш ишлари (монтаж ишлари), ускуналар, жихоз ва инвентарь харажатлари, буюртмачи ва пудратчиларнинг бошқа харажатлари.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (қўрилаётган лойиха ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (loyihalalar echimi bўyicha daliillar va asosli argumentlarni takdim qiliish, eshitish va muammolarni echimini topish қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ҮҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

«Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришига ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурухлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи тингловчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мuloҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гурухлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаширилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзу якунланади.

Дастурий таъминотлар					
ABC 4UZ		TNqurilish		Qurqiymat	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хулоса:					

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмок) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида кўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейс. Оғир саноат лойиҳа институти муҳандислари Термез шаҳридаги стадион лойиҳасини бажариш бүртмасини бажариш жараёнида ёритиш тизимининг минорасини оддий муҳандислик ҳисобини бажариш қўп вақт сарфига олиб келди ва фазовий ҳисобини бажариш мумкин эмаслиги маълум бўлди. Ҳисоблаш лойиҳалашни компютер дастури асосида амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб топишди, яъни илова ҳисоблаш талабга жавоб бермади.

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гурӯхларда).
- Компютер дастури асосида ҳисоблаш ва лойиҳалаш кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

“SWOT-таҳлил” методи

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.



ABC4UZ дастури мажмуаси тизимининг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга тусиринг.

S	ABC4UZ дастури мажмуаси тизимидан фойдаланишнинг кучли томонлари	Объект қийматини умумий нархини ҳисоблаш. Смета ресурс нормасини орқали келтирилган ишлар рўйхати билан жами ҳисобини аниқлаш
W	ABC4UZ дастури мажмуаси тизимидан фойдаланишнинг кучсиз томонлари	Смета қийматини ҳисоблашда бошқа прогламмалар билан импортировка қилиш
O	ABC4UZ дастури мажмуаси тизимидан фойдаланишнинг имкониятлари (ички)	Қурилиш қиймати ҳисоблашда электрон базасини яратиш
T	Тўсиқлар (ташқи)	Қурилиш материаллар баҳосини дастурда янгиланган нархлари мавжуд эмаслиги

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология тингловчилардаги умумий фикрлардан хусусий хulosалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хulosалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўнимкаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- тингловчиларга мавзуга оид бўлган якуний хulosса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир тингловчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- тингловчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.

ABC4UZ таҳлили тингловчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Фикр: “ABC4UZ дастур мажмуаси қурилиш соҳасида кенг қўлланиладиган ва мукаммал қурилиш нархини шакллантиришда элементлар усулига асосланган тизимлардан биридир”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ABC4UZ орқали таҳлил қилинг.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- тингловчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурӯхли тартибда);
 - тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши хақида ёзма маълумот берадилар;
 - белгиланган вақт якунига етгач тренер-ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
 - ҳар бир тингловчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

“Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Смета нормалари	Қурилиш ишлари ресурсли смета нормаларини ишлаб чиқиш ва қўллаш бўйича умумий низомлар	
Муаллифлик назорати	Тузилган Шартнома асосида муаллифлик назорати ўтказиш ва лойиҳа ташкилотининг хизматлари нархларини ҳисоблаш.	
Баҳоловчи	кўчмас мулкни баҳолаш тажрибасига, тайёргарлигига ва малакасига эга бўлган шахс	
Гаров қиймати	ипотека қарзини таъминлаш мақсадидаги активнинг қиймати; шунингдек, ипотека қарзининг бозор қиймати.	
Даромад	молиявий ва бошқа фойдалар	
Бошқа харажатлари	Пудратчининг “бошқа харажатлари” даражасини аниқлаш, қабул қилинган базис кўрсаткичлари даврига мос равишда амалга оширилади	
Ер рентаси	ижарачи ер ижараси ҳақидаги шартномага кўра киритадиган тўлов.	
Инвуд омили	одатдаги аннуитетни баҳолашда фойдаланиладиган мултиплікатор. Уилям Инвуд шарафига номланган. Бирликнинг давр ичидаги жорий қиймати	
Смета хужжатлари	Белгиланган хужжатлар тўплами бино ва иншоатлар қурилишининг лойиҳа хужжатлари асосида тузилади	

Изоҳ: Иккинчи устунчага тингловчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

Венн Диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:


– тингловчилар икки кишидан иборат жуфтликларга

бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

– навбатдаги босқичда тингловчилар тўрт кишидан иборат кичик гурӯхларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гурӯх аъзоларини таништирадилар;

– жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалалиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёҳуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

Курилиш қийматини ҳисоблаш ва автоматлаштирилган тизимлари



III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-назарий: Капитал қурилишда баҳони шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари

- 1.1. Қурилишда баҳони шакллантириш хусусиятлари ва миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги роли**
- 1.2. Қурилишнинг ташкилий шакллари**
- 1.3. Қурилишнинг моддий-техник базаси ва унинг тараққиёт истиқболлари**

1.1. Қурилишда баҳони шакллантириш хусусиятлари ва миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги роли

Бугунги кунда республикамизда ҳалқимизнинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий соҳанинг жадал ривожланиши таминаш борасида мисли кўринмаган ишлар амалга оширилмоқда.

Шу сабабли иқтисодиёт тармоқларига киритилаётган инвестициялар кўлами йилдан-йилга ошиб, ҳар соҳада бунёдкорлик ишлари жадал ривожланмоқда. Ўзлаштирилаётган инвестицияларнинг асосий қисми капитал қурилиш ишларини амалга ошириш орқали ўзлаштирилишини инобатга олган ҳолда капитал қурилиш соҳаси муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳаларни комплекс ривожлантиришга қаратилган ҳар қандай инвестиция дастурларини ўзлаштиришнинг бевосита қурилиш ишларига боғлиқлиги сабабли бу тармоқ фаолияти доимо мамлакат раҳбарияти диққат марказида бўлиб келмоқда.

Сўнгти йилларда қурилиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган Президентимиз фармонлари ва Ҳакумат қарорларини келтириш мумкин. Қурилиш, миллий иқтисодиётнинг узвий бир қисми сифатида бозор иқтисодиёти тамойилларидан алоҳида фаолият кўрсата олмайди. Бундан ташқари, қурилиш бу тамойилларга мосланиши, улар асосида ҳамда тармоқнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларига ўтиш жараёнининг тезлашишга имкон яратиши лозим. Уларнинг ичida энг муҳимларидан бири нарх белгилашнинг бозор шакллари тамойиллари.

Қурилиш ташкилотлари (корхоналари, фирмалари) фаолияти иқтисодий барқарорлиги маҳсус ташкилотларнинг қурилиш маҳсулотлари қийматининг тўғри шакллантирилишига ҳамда услубий асосланган норматив ҳужжатлар мавжудлигига боғлиқ бўлади. Нархларни шакллантириш ва мувофиқлаштириш меъёрлари ва қоидалари бўлмаса, ҳаққоний нархларни белгилаш қийин бўлади. Бозор иқтисодиётида эркин нархларга ўтилганлиги сабабли қурилишда, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларга нисбатан нархларни шакллантиришда бир қанча муммолар юзага келади.

Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, тармоқда бозор иқтисодиёти тамойиллари ва талабларига мос келадиган хўжалик муносабатларини кенг жорий этиш, пурдат, лойиха ишлари ва қурилиш материалларининг ривожланган бозорларини шакллантириш,

қурилишда нарх белгилаш механизмни такомиллаштириш, лойиҳаларни амалга оширишнинг пировард натижалари ва самарадорлиги учун инвестиция жараёни барча қатнашчиларининг масъулиятини ошириш мақсадида 2003 йил 6 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги ПФ-3240-сонли фармони қабул қилинди.

Ушбу фармон қабул қилингандан кейин капитал қурилиш соҳасидаги иқтисодий ислоҳотлари, жумладан хўжалик муносабтлари, молиялаштириш ва шартнома тизими, лойиҳалаштириш ва нархни шакллантириш янги босқичга кўтарилди. Дастреб капитал қурилиш мажмуасининг янги меъёрий–хуқуқий асослари ишлаб чиқилди.

Жумладан, нархни шакллантиришга тегишли 10 дан ортиқ Ўзбекитон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва Давлат архитектура қурилиш қўмитасининг буйруқлари ва қарорлари қабул қилинди.

Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари:

↓	↓	↓	↓
loyixa va pudrat қурилиш ташкилотларини давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда хусусийлаштириш жараёнларини тўлиқ тугаллаш, уларнинг негизида асосан хусусий ва қўшма корхоналар ташкил этиш, loyixa va қурилиш ишлари бозорида рақобат мухитини яратиш	капитал қурилишда бошқарув ва хўжалик муносабатлари тизимига бозор тамойиллари ҳамда механизмларини кенг жорий этиш, loyixa va қурилиш ишларини бажаришга буортмалар жойлаштиришда танлов савдолари (тендерлар)ни ташкил этиш даражасини ошириш	қурилишни ташкил қилишнинг асосий шакли сифатида иншоотларни тўлиқ қуриб битказишга ўтиш, ишларни юқори сифатли бажариш ҳамда иншоотларнинг тўлиқ қуриб битказилиб топширилишини таъминлайдиган инженеринг компаниялари ва loyixa-қурилиш ташкилотларини тузиш	қурилиш материаллари бозорини кенгайтириш, уларнинг илфор турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, қурилиш индустряси корхоналарида замонавий технологияларни тадбиқ этиш.

1.1-расм. Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари

Маълумки, эскирган ва замонавий талабларга мувофиқ бўлмаган амалдаги смета нормалари ва қоидалари тизими ва унинг асосида қурилиш смета қийматининг ошиб кетишига олиб келувчи расценкаларни ишлаб

чиқиши қурилиш-технология жараёнини ва умуман қурилиш комплексининг самарали ишланини мақбуллаштириш йўлидаги, пировард натижада қурилишда лойиҳалаштириш, смета ва технология интизомини мустаҳкамлашдаги бош тўсиқлардан бири ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ капитал қурилишда нархларни шакллантиришнинг смета-норматив базасини тартибга солиш ва янгилаш, объектлар қурилиши қийматини жорий шартномавий нархларда белгилаш механизмини такомиллаштириш мақсадида 2003 йил 24 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг N 463 сонли “Капитал қурилишда нархларни шакллантиришнинг смета-норматив базасини такомиллаштириш ва янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Ушбу қарор асосида 2004-2013 йилларга мўлжалланган Капитал қурилишда нархларни шакллантиришнинг смета-норматив базасини такомиллаштириш ва янгилаш дастури қабул қилинди.

Янгидан ишлаб чиқилган смета-норматив ҳужжатларида энг муҳими - ортиқча муфассаллаштириш ва зарур бўлмаган регламентлаштиришдан воз кечилди. Шунингдек, идоравий смета нормалари ҳам қайтадан кўриб чиқилиб, тартибга солинди. Жумладан, жорий шартномавий нархларни белгилаш учун идоравий смета нормалари фақат улар Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан белгиланган тартибда мажбурий равишда келишиб олинган тақдирда кучга эга эканлиги белгилаб қўйилди.

Қарорда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси капитал қурилишда нархларни шакллантиришнинг смета-норматив базасини такомиллаштириш ва янгилаш учун ҳудудлар, тармоқ вазирликлари ва идоралари бўйича қурилиш материаллари, конструкциялар ва буюмлар нархи, қурилиш машиналари ва механизмларидан фойдаланиш қиймати, транспорт харажатлари, қурувчи ишчиларнинг иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар ахборот банкини ташкил этиш таъкидлаб ўзтилган.

Маълумки ҳозирги кунда ҳар чоракда “Давархитектқурилиш” қўмитаси Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотлар ва нархларни шакллантириш маркази томонидан “Ўзбекистон Республикаси қурилиш ишлаб чиқаришида қўлланиладиган моддий-техник ресурслар” каталоги чоп этилмоқда. Шунингдек, ушбу каталогда қурилиш тармоғи бўйича қурувчи ишчиларнинг ойлик ўртча иш ҳақи маълумотлари ҳам берилмоқда. Лекин қурилиш машиналари ва механизмларидан фойдаланиш қиймати, ҳамда транспорт харажатлари тўғрисидаги маълумотлар чоп этилмаяпти. Капитал қурилишда нархларни шакллантиришнинг смета-норматив базасини такомиллаштириш ва янгилаш дастури бўйича қўйидаги тадбирлар амалга оширилмоқда:

1. Нарх белгилашнинг смета-норматив базаси умумий қисмини ишлаб чиқиши.
2. Нарх белгилашнинг смета-норматив базаси методологик қисмини ишлаб чиқиши.
3. Амалдаги элементли смета нормаларини смета ресурс нормаларига қайта ишлаш.

Бозор муносабатларини ривожлантириш, қурилишда нархларни шакллантириш механизмини такомиллаштириш, инвестиция жараёни барча қатнашчиларининг пировард натижалар, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш самарадорлиги учун жавобгарлигини ошириш мақсадида 2003 йил 11 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг N 261 сонли “Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига рўёбга чиқарилаётган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда шартномавий жорий нархларга ўтиш тўғрисида”ти Қарори қабул қилинди. Шунингдек, объектларни қуриш қийматини шартномавий жорий нархларда белгилаш тартиби тўғрисидаги Вақтинчалик низом, ҳамда Объектлар қурилишининг иккинчи ва кейинги йилларида шартномавий жорий нархларда қурилиш шартномавий қийматини аниқлаштириш тартиби тўғрисидаги Вақтинчалик низом қабул қилинди.

Демак, танлов савдолари (тендер)да иштирок этаётган пудратчи ташкилотлар танлов таклифи нархини объектларни қуриш қийматини шартномавий жорий нархларда белгилаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомда назарда тутилган тартибда ва пудрат ишлари бозори конъюнктурасидан, шу жумладан иш ҳақига харажатларни аниқлаш имкониятидан, корхонада шаклланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари ва шаклидан келиб чиқсан ҳолда мустақил равишда аниқлайди. Шунингдек, ушбу Низомга мувофиқ буюртмачи томонидан аниқланган бошлангич қиймати танлов савдолари (тендерлар) ўтказишида йўналиш ҳисобланади ва пудрат шартномаси (контракт) тузиш учун асос бўлиб хизмат қилмайди.

Бундан келиб чиадики, қурилиш баҳоснинг шаронмавий жорий нархини аниқлаш кўп жиҳатдан пудратчи-талабгорга боғлиқ. Албатта, қурилиш нархини шаклланитиришда пудратчидан катта масъулият талаб қиласди, чунки жорий пудрат ишлари бозори конъюнктурасини, қурувчи-ищилар меҳнатига ҳақ тўлаш тизими, қурилиш материаллари бозоридаги нархлар индексини ва машина механизмларидан фойдаланиш имкониятларига амалий кўникмага эга бўлган иқтисодичи-муҳандис мутахассислар зарур.

Демак, 2004 йил 1 январдан бошлаб қурилиш объектларнинг жорий нархда аниқлаш тартибига тўлиқ ўтилди, шартномавий нархлар эса танлов савдолари, яъни тендерлар натижаларига кўра аниқланадиган бўлди.

Умуман олганда мамлакатимиздаги смета норматив баъзасига асосан, қурилиш обьекти смета қиймати йириклиштирилган ва ресурс усуллари орқали аниқланади.

Қурилиш - асосий моддий ишлаб чиқариш тармоқларидан биридир. У миллий иқтисодиётда учинчи (саноат ва қишлоқ хўжалигидан кейин) ўринда туради. Қурилиш маҳсулоти - барча турдаги 4 ишлар бўйича тугалланган ва ишга туширишга тайёр бўлган ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш асосий фондлари, шунингдек, амалдаги корхоналарнинг кенгайтирилиши ва қайта

таъмирланиши, уларда ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта жиҳозланишидир. Уй-жой муаммоларининг ечими батамом қурилиш зиммасига юклатилади. Қурилиш ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва миллий иқтисодиётни комплекс юксалтиришда катта роль ўйнайди. Бу тармоқда жамғариш фондининг тахминан учдан икки қисми амалга оширилади, Мамлакат ялпи ижтимоий маҳсулотининг 10 фоизидан қўпроқ қисми яратилади. Қурилишнинг миллий хўжалик миқёсидаги аҳамияти ва етакчи роль ўйнашига яна бир сабаб шуки, у аҳолининг катта қисмини иш билан таъминлайди, фан-техника ва ижтимоий тараққиётнинг жадаллашишига, ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ўсишига имкон яратади. Қурилиш, моддий ишлаб чиқариш тармоғи сифатида, аввало ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг характеристери, яъни унинг кўчмаслиги, ўлчамлари катталиги, серқирра ва мураккаблиги билан боғлиқ ўзига хос хусусиятларга эгадир. Қурилиш маҳсулоти кўп меҳнат ва капитал сарф-ҳаражатларни талаб қиласди, уни ишлаб чиқариш цикли узоқ муддатлидир, яъни уни ишлаб чиқаришга соат ёки дақиқа эмас, балки ҳатто 10, 20 кундан ҳам кўп вақт талаб қилинади. Шунингдек, қурилишда қўлланиладиган асбобускуналар ва меҳнат предметлари ўзига хос турда ва таркибда бўлишидан ташқари, улар ҳаракатланувчи ҳам бўлади. Ишлаб чиқариш циклига қараб қурилиш маҳсулотининг шакли ва тайёрлиги турлича бўлади. Тайёр қурилиш маҳсулоти - бу қурилган ва буюртмачига белгиланган тартибда топширилган асосий фонdlар ва ишлаб чиқариш қувватларири (корхоналар, электростанциялар, шахталар, уйлар, мактаблар, шифохоналар ва бошقا ишлаб чиқариш ҳамда ноишлаб чиқариш обьектлари). Қурилиш маҳсулоти ўзининг эксплуатация мақсадидан ташқари такрор ишлаб чиқариш функциясини ҳам бажаради ва халқ хўжалигининг асосий фонdlарини янгилаш учун асос бўлиб хизмат қиласди. Тугалланмаган қурилиш ва тугалланмаган қурилиш ишлаб чиқаришини тайёр қурилиш маҳсулоти билан адаштириб юбормаслик керак. Уларнинг ҳажми қурилиш-монтаж ташкилотларининг ва бутун тармоқ иқтисодиётининг фаолиятига катта таъсир кўрсатади. Тугалланмаган қурилиш - бу тугалланмаган ва фойдаланишга топширилмаган қурилиш обьектлари бўйича ўзлаштирилган капитал қўйилмаларнинг муайян бир санадаги ҳолати бўйича олинган ҳажмидир. Тугалланмаган қурилиш таркибida амалга оширилаётган, шунингдек, вақтинча ва батамом тўхтатиб қўйилган қурилишлар ва обьектлар бўйича капитал қўйилмалар ҳисобга олинади.

Тугалланмаган қурилиш ишлаб чиқариши - тугалланмаган ва буюртмачига топширилмаган обьектларда (қурилишларда) пудратчи ташкилот ёки ташкилотлар томонидан бажарилган қурилиш маҳсулотининг қурилиш-монтаж ишларининг ҳажмини тавсифловчи қисми. Тугалланмаган қурилиш ҳажми натура ва пул ифодасида ҳисобга олинади. Тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тугалланмаган қурилишнинг ортиқча миқдорлари - бу аслида “узоқ пайтдан буён қурилаётган” қурилишлардир. Улар капитал қўйилмаларнинг тартибсиз тақсимланганлиги ва тармоқ иқтисодиётига ҳамда миллий иқтисодиётга жиддий зарар етказади. Қурилиш тармоғи қурилаётган

объектларнинг характери ва мақсадига қараб бир неча қуий тармоқларга: саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги, уй-жой, маданий-маиший қурилиш ва бошқаларга бўлинади. Бундай бўлинниш эса ўз навбатида қурилишда ихтисослашувни чуқурлаштириш ва қурилиш қувватларини шакллантиришга хизмат қиласди ҳамда у ёки бу тармоқ иқтисодиётини ривожлантириш учун керак бўлади.

Тугалланмаган қурилишни консервация қилиш тўғрисидаги қарор:

а) қурилиши: Марказлаштирилган манбалар ҳисобига Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига мувофиқ, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолати остидаги кредитлар ҳисобига; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган техникикитисодий асослашлар асосида амалга оширилаётган объектлар бўйича; Қайта ташкил этилаётган иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли корхоналар, шунингдек уларга нисбатан банкротлик тартиб-қоидаси қўлланилган корхоналарга нисбатан қайта ташкил этиш ёки банкротлик тартиб-қоидасини амалга ошириш даврида Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан Вазирлар Маҳкамасига киритилган объектлар бўйича - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

б) қурилиши: тармоқ ёки минтақавий дастурлар асосида идоравий мансуб давлат корхоналари ва бюджетдан ташқари манбалар маблағлари ҳисобига; уларга қарашли корхоналар томонидан олиб борилаётган объектлар бўйича - вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан;

в) юкорида кўрсатилмаган объектлар бўйича - мол-мулк эгаси томонидан қабул қилинади. Консервация муддати консервация тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдан ҳисобланади. Буюртмачи қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 2 ой муддатда пудрат ташкилоти билан консервация қилиш тўғрисида қарор қабул қилингунгача бажарилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажмлари учун ҳисоб-китоб қиласди, аванс бўйича ҳисоб-китоблар ҳам шулар жумласига киради, асбоб-ускуналар, материаллар ва конструкциялар етказиб бериш учун тузилган шартномалар бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши муносабати билан пудрат ташкилоти кўрган зарарни ҳамда моддий-техника бойликларини бошқа объектларга ташиш билан боғлиқ харажатларни қоплади.

Буюртмачи томонидан қурилиш учун банкларнинг кредитлари, шунингдек хорижий кредитлар жалб этилган ҳолларда, улар кредит шартномаларида назарда тутилган тартибда қайтарилиши керак. Қурилиши тугалланмаган объектларни ва асосий воситаларни консервация қилиш

муддати тамом бўлгач фойдаланишни ва қуришни қайтадан бошлаш мумкин деб ҳисобланади ҳамда бу тўғрида қўшимча қарор қабул қилиш талаб этилмайди. Консервация қилиш ҳамда фойдаланиш ва қуришни қайтадан бошлаш учун лойиҳада назарда тутилган ишларни бажариш пудрат ташкилоти томонидан қўшимча бўйича амалга оширилади.

Саноат қурилиши - мавжуд саноат корхоналарини кенгайтириш, қайта таъмирлаш ва техник қайта жиҳоҳлаш ҳамда янгиларини қуриш, шунингдек, ёрдамчи саноат ишлаб чиқаришларини қуришдир. Масалан, машинасозлик ва металургия заводларини қуриш, нефть, газ, кимё ва бошқа саноат тармоқлари корхоналарини қуриш. Саноат қурилиши кўп жиҳатдан индустрялаштиришнинг кўлами ва суръатларини, техник тараққиёт даражасини белгилаб беради. Қишлоқ қурилиши - қишлоқ жойларидаги янги ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш асосий фондларини яратиш, уларни қайта таъмирлаш ёки кенгайтириш билан боғлик қурилишлардир. Қишлоқ қурилишига сув хўжалиги, ирригация, мелиоратив ва бошқа қурилиш турлари ҳам киради.

Уй-жой қурилиши - янги уй-жойлар, ётоқхоналар, ётоқ корпуслари, болалар уйлари ва қария ҳамда ногиронлар уйларини қуришдир. Аҳолининг жамғармалари ва давлатнинг қўллаб-қувватлаши ҳисобига қуриладиган шахсий уй-жойларни қуриш ҳам уй-жой қурилиши таркибига киради. Маданий-маиший қурилиш - коммунал хўжалик, соғлиқни сақлаш, фан ва маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий таъминот, бошқариш органлари тизимларига қарашли янги объектларни қуриш ва амал қилаётганларини таъмирлашдир. Қурилиш оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, жамиятнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш учун зарурдир. Аммо қурилиш, халқ хўжалигининг бир тармоғи сифатида ижтимоий ишлаб чиқариш тараққиётининг фақат энг юксак поғоналаридагина, ижтимоий меҳнат тақсимоти жараёнда вужудга келади.

Сўнгги йилларда фан-техника тараққиёти таъсири остида қурилиш ишлаб чиқаришида сифат ўзгаришлари юз бормоқда, улар замирида эса қурилишнинг бино ва иншоотларни саноатда тайёрланган ва тайёрлик даражаси юқори бўлган деталлар ва бўлаклардан йиғищдан иборат узлуксиз механизациялашган жараёнга айланиши ётади. Қурилиш ишлаб чиқаришининг характеристи ҳам тубдан ўзгариб бормоқда. Оғир қўл меҳнати иирик ва майда механизация воситалари томонидан тобора сиқиб чиқарилмоқда.

Қурувчимонтажчиларнинг қурилиш майдонларидағи меҳнати индустрialiал меҳнатнинг бир турига айланиб бормоқда. Қурилиш ишлаб чиқаришининг техник жиҳозланганлик даражаси ортиб борган сари, жонли меҳнат сарфлари камайиб, енгиллашиб боради, бундан ташқари, унинг унумдорлиги ортади, қурилишнинг муддатлари қисқариб, унинг сифати яхшиланиб боради. Қурилиш комплекси - пудратчи қурилиш ва монтаж ташкилотлари, уларга хизмат кўрсатувчи корхоналар, қурилиш материаллари, деталлари ва конструкциялари ишлаб чиқарувчи корхоналар 7 мажмуасидир.

Қурилиш комплекси таркибига қурилиш фани (меморчиллик, техник, иқтисодий ва бошқалар), қурилишни лойиҳалаштириш, бевосита қурилиш ва унинг моддий-техник базаси киради. Қурилишнинг асосий ишлаб чиқариш бўғинлари - бу қурилиш бошқармалари, монтаж бошқармалари, қурилиш-монтаж бошқармалари (СМУ - КМБ), кўчма механизациялашган колонналар (ПМК - КМК) ёки ихтисослашган механизациялашган колонналар (СПМК - ИМК), уй-жой ва завод қуриш комбинатлари (ДСК, ЗСК – УЖҚҚ – ЗҚҚ), пардозлаш ишлари бошқармалари, кўприк қурилиши отрядлари, ишга тушириш-созлаш бошқармалари ва ҳоказолардир. Уларнинг кўпчилигига бошқарувнинг юқори поғонаси сифатида тегишли трестлар бошчилик қиласди.

Ҳозирги пайтда, хукуматимизнинг иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш тўғрисидаги қарорларига мувофиқ, хусусий қурилиш фирмалари тармоғини ташкил қилиш ва ривожлантириш, қурилишни бир-икки поғонали бошқарув тизимиға ўтказиш масалалари илгари сурilmоқда Таъкидлаш жоизки, қурилишнинг қуий ишлаб чиқариш бўғинлари баъзан саноатдаги завод ёки фабрикалар бажарадиган ишлаб чиқариш функцияларини бажармоқдалар. Айнан шу ташкилотлар асосий қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқарадилар ва шу тариқа капитал қурилиш олдига қўйилган асосий фондлар ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш вазифаларини биринчи бўлиб бажарадилар.

Шунинг учун қурилишнинг халқ хўжалигининг бир тармоғи сифатидаги фаолиятининг кўрсаткичлари ва самарадорлиги кўп жиҳатдан ушбу бирламчи қурилиш ташкилотларининг фаолиятидаги муваффақиятларга боғлиқдир. Нафакат қурилиш ташкилотларининг, балки буюртмачилар, лойиҳалаш муассасалари, материаллар, конструкциялар ва асбоб-ускуналарни етказиб берувчи корхоналарнинг фаолияти ҳам қурилиш маҳсулотининг ишлаб чиқарилиши билан боғлиқдир. Қурилиш ишлаб чиқариши иштирокчиларининг мана шундай кўплиги қурилишнинг фарқ қилувчи жиҳати бўлибгина қолмай, балки баъзан қурилиш ишининг тўлиқ муваффақиятли бўлмаслигига сабаб ҳам бўлиб қолади.

Ушбу иштирокчиларнинг ҳеч бўлмагандан биттаси ўз мажбуриятларини бажармаса, қурилиш ишлаб чиқариши мароминининг бўзилишига, обьектларни фойдаланишга топшириш муддатларининг кечикишига, натижада қурилиш суръатларининг пасайишига, миқдорий ва сифат кўрсаткичларнинг ёмонлашишига олиб келади. Шунинг учун ҳозирги кунда капитал қурилиш соҳасида учрайдиган баъзи муаммолар, камчилик ва нуқсонлар фақат қурилиш ташкилотлари самарадорлигининг етарли даражада эмаслиги оқибати эмас, балки инвестиция жараёнини ташкил

қилиш ва бошқаришнинг турли босқич ва поғоналарида вужудга келаётган салбий ҳолатларнинг таъсиридир.

1.2. Қурилишнинг ташкилий шакллари

Капитал қурилишда инвестиция жараёнининг асосий иштирокчилари сифатида одатда бажарадиган вазифаларига кўра инвестор, буюртмачи, қурувчи, пудратчи ва лойиҳаловчилар иштирок этадилар.

Инвестор - объект қурилишини молиялаштиришни хусусий ёки қарз маблағлар ҳисобига амалга оширувчи инвестиция фаолияти субъекти. Инвестор инвестиция натижаларини тасарруф қилиш учун тўлиқ юридик ҳукуқларга эга. Шунингдек, у инвестицияларни (капитал қўйилмаларни) жалб қилиш шаклини белгилайди, қурилиш контрактларининг шартларини ишлаб чиқади, инвестиция жараёни иштирокчилари билан бўладиган молияв-кредит муносабатларини амалга оширади. Инвестор қурилиш маҳсулотининг буюртмачиси, кредитори, ҳаридори бўлиши, шунингдек, бевосита қурувчи функциясини бажариши хам мумкин.

Буюртмачи - техник-иқтисодий асосларни ишлаб чиқишдан бошлаб объектни фойдаланишга топшириш ёки объектнинг ишлаб чиқариш кувватига чиқишигача бўлган муддатда объект қурилишининг ташкилотчиси ва бошқарувчиси функцияларини қабул қилган ҳукуқий ёки жисмоний шахс.

Қурилиш эгаси - қурилиш бўлаётган ер майдонига эгалик қилиш ҳукуқига эга бўлган ҳукуқий ёки жисмоний шахс. У ер эгаси ҳисобланади. Буюртмачи қурилиш эгасидан фарқли равишда ер майдонидан қурилиш учун фақат ижара шартлари асосида фойдаланади.

Пудратчи (бош пудратчи) - пудрат шартномаси ёки контракти асосида объект қурилишини амалга ошираётган қурилиш фирмаси. Бош пудратчи қурилиш натижалари учун шартнома шартларига мувофиқ равишда буюртмачи олдида тўлиқ жавобгар бўлади. У зарур ҳолларда айрим турдаги ишларни бажариш учун қўйи пудрат ташкилотларини жалб қилиши мумкин.

Лойиҳаловчи - буюртмачи билан тузилган шартнома асосида у ёки бу объектнинг келгусидаги қурилишини лойиҳаловчи лойиҳалаш ташкилоти ёки шунга ўхшаш бошқа муассаса. Лойиҳаловчи лойиҳанинг ва унинг асосидаги техник-иқтисодий кўрсаткичларнинг сифати учун тўлиқ жавобгар бўлади. Буюртмачи лойиҳада кўзда тутилган ечимларга риоя қилинишини назорат қилиш учун муаллифлик назорати ўрнатади. Қурилиш ишлаб чиқариши жараёни турли шакл ва усулларда ташкил қилиниши мумкин бўлиб, пудрат усули, хўжалик усули, объектларни “қулф-калит” қилиб топшириш ва сотиш шулар жумласидандир.

Пудрат усулида қурилиш мунтазам ишлаб турувчи қурилиш ташкилотлари (фирмалари) томонидан буюртмачилар билан тузилган шартномалар асосида амалга оширилади. Бу қурилишнинг асосий ва энг кенг тарқалган усулидир. Бугунги кунда капитал қурилиш соҳасидаги барча пудрат ишларининг тахминан 80 фоизи шу усулда амалга оширилади. Уни амалга ошириш учун “Капитал қурилиш пудрат шартномаси” асос бўлиб хизмат қиласиди.

Хўжалик усулида - обьектлар қурилиши ёки қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш ишлари хўжалк субъектларининг - корхоналар, ташкилотлар, институтлар ва шу кабиларнинг қуч ва маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Корхоналарни қайта таъмирлаш ва кенгайтириш, кичикроқ қурилиш обьектлари, худудлар ва хоналарни ободонлаштириш, таъмирлаш ишлари кўпинча шу усулда олиб борилади. Объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда (“кулф-калит”гача) топширишда буюртмачининг функциялари бош пудратчига берилиб, у қурилишни бошидан бошлайди ва обьектни буюртмачига ўзил-кесил тугалланган ҳолатда топширади. Қурилишнинг бундай усули уй-жой қурилишида жуда кенг тарқалган.

Танловлар - иқтисодиётда нисбатан янги ҳодиса бўлиб, бунда буюртмачи бирор обьектни қуриш ёки лойиҳалаш, асбоб-ускуналар етказиб бериш бўйича танлов эълон қилаётганлигини очиқ ёки ёпиқ шаклда хабардор қиласди ва ҳоҳловчиларни шу танловда иштироқ этишга таклиф қиласди. Бунда маҳсус ҳужжат тайёрланади ва унда танловнинг асосий ғояси ва шартлари кўрсатилади. Бундай ҳужжатлар мажмуаси “тендер” деб аталади. Юқорида кўрсатиб ўтилган шакллардан ташқари, қурилишнинг ижтимоий меҳнат тақсимоти нуктаи назаридан ихтисослашув, концентрация, кооперация каби ташкилий шакллари мавжуд.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бу шакллар фақат қурилишда эмас, балки ҳалқ хўжалигининг бошқа тармоқларида, аввало саноатда ҳам қўлланилади. Амалиётдан маълум бўлишича, бу шаклларни моҳирлик билан қўллаш орқали ишлаб чиқариш ва капитал қўйилмалардан юқори самарадорликка эришиш мумкин. Масалан, агар ихтисослашув ва кооперация ҳаражатларнинг камайишига, маҳсулот сифатининг яхшиланишига имкон берса, концентрация ва комбинирлаш - ҳом ашё ва материаллардан комплекс фойдаланишга ҳамда қурилиш соҳасида фантехника тараққиёти қўламишнинг янада кенгайишига олиб келади.

1.3. Қурилишнинг моддий-техник базаси ва унинг тараққиёт истиқболлари

Қурилиш моддий ишлаб чиқариш тармоғи сифатида фақат маҳсулот ишлаб чиқарибгина қолмай, балки бунинг учун у ёки бу турдаги ресурсларни истеъмол қиласди ёки фойдаланади ҳам. Мавжуд маълумотларга кўра, қурилиш материаллари саноати маҳсулотларининг 80 фоизи, ёғоч материалларининг тахминан ярми, металл прокатининг 20 фоиздан кўпроғи, машинасозлик саноати маҳсулотларининг 10 фоиздан кўпроқ қисми қурилишда фойдаланилади. Қурилиш ҳаражатлари таркибида транспорт сарф-ҳаражатларининг қиймати 20-25 фоизни ташкил қиласди. Бошқача қилиб айтганда, қурилишга ҳалқ хўжалиги тармоқларининг деярли барчаси хизмат

кўрсатади. Қурилишнинг моддий-техник базасини ривожлантиришда қурилиш материаллари саноати алоҳида ўрин тутади.

Қурилишнинг материаллар, конструкциялар, техникалар ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари билан тўла таъминаш кўп жиҳатдан тармоқлараро алоқаларнинг мукаммаллиги ва янада ривожлантирилишига боғлиқдир. Бу эса, одатда, ишлаб чиқаришнинг тармоқлараро балансида ва маҳсулотнинг халқ хўжалигидаги тақсимотида акс этади. Иқтисодиётда буйруқбозлик, марказлашган бошқарув ва режалаштириш тизимидан бозор тизимиға ўтилиши, хўжалик субъектларига қурилишни ривожлантириш ва унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун кенг имкониятлар очиб берди, бунда худудий бошқарув органларининг роли кучайиб бормоқда.

Аммо бу қурилишнинг ишлаб чиқариш базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ўз-ўзидан, стихияли равишда юз беради, дегани эмас. У қурилишнинг моддий-техник базасини ривожлантириш ва жойлаштириш ҳамда унинг ресурслар билан тўла таъминлаш илмий тамойилларига мос бўлиши лозим. Қурилишнинг моддий-техник базасини ривожлантириш ва жойлаштириш учун қурилиш ҳудуди ва жойини танлашга таъсири қиласидан барча омиллар ва шартларни миқдорий ифодалашга имкон берадиган усусларга эга бўлиш лозим.

Бундай усуслар - масаланинг оптималь ечимини топишга имкон берадиган математик моделлардир. Улардан бири - чизиқли дастурлаш бўлиб, у ўзгарувчан катталикларнинг берилган чизиқли чеклашларни ва ушбу катталикларнинг мақсадли функциясини максималлаштирувчи ёки минималлаштирувчи қийматлари мажмуасини топиш талаб қилинадиган экстремал масалаларни ечишнинг назарияси ва амалиётини ўзида бирлаштиради.

Қурилишнинг моддий-техник базасини оптималь ривожлантириш ва жойлаштиришнинг иқтисодий-математик моделини шакллантиришда бошқа омиллар билан бир қаторда хом ашё ва материалларни ишлаб чиқариш пунктлари, корхоналарни жойлаштириш мумкин бўлган пунктлар, шу пунктлардаги ишлаб чиқариш ҳажмлари, транспорт ҳаражатлари ва бошқалар ҳисобга олиниши лозим. Бу ҳолатда масалани оптималь ечиш мезони одатда келгусида ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг юқори даражада рақобатбардош бўлиши, айни пайтда корхонани яратиш ва жойлаштиришда (бир марталик ва жорий) ҳаражатларнинг имкон қадар кам бўлишидир.

Қурилишнинг моддий-техник базасини янада ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири қурилиш индустрияси корхоналари ҳамда қурилиш конструкциялари, деталлари ва материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни лойиҳалаштириш билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот ташкилотлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни яхшилашдир. Бунда ушбу ўзаро муносабатларнинг асосида қўйидагилар ётиши лозим: - қурилиш индустрияси корхоналарининг ишлаб чиқариш жараёнлари юксак даражада механизациялашган ва автоматлаштирилган, янги, энг тежамли лойиҳаларини ишлаб чиқиш; - бу корхоналарни хом ашё ва материалларни,

конструкцияларни ташишнинг ҳамда ишлаб чиқаришни кооперациялашни ривожлантиришнинг рационал схемаларини ҳисобга олган ҳолда мамлакат ҳудудида жойлаштиришнинг оптимал вариантларини танлаш; - ишлаб турган, биринчи навбатда 20-30 йил ва ундан узоқ муддат ишлаб келаётган корхоналарни техник қайта жиҳозлаш.

Шуни ҳам назарда тўтиш керакки, бозор муносабатлари шароитида, қурилиш индустряси корхоналари ва ташкилотларининг хўжалик юритишдаги мустақиллиги кучайиб бораётган бир пайтда, моддий-техник базани ривожлантириш масалалари ҳам, хўжалик субъектлари ўртасидаги, шунингдек, субъектлар билан капитал қурилиш соҳасида ишловчи ёки унга боғлиқ бўлган илмий-тадқиқот ва бошқа ташкилотлар ўртасидаги хўжалик алоқларини кучайтириш масалалари ҳам, аввалги пайтлардагидек вазирлик ва маҳкамалар томонидан эмас, балки, зарур ҳолларда давлат томонидан қўллаб-қувватланган ҳолда қўпроқ қурилиш ташкилотлари ва корхоналари томонидан ҳал қилинмоқда.

Қурилиш индустряси корхоналари ва ташкилотлари ўзларининг моддий-техник базаларини ривожлантириш орқали ўз ишлаб чиқариш салоҳиятини мустаҳкамлабгина қолмай, балки рақобатли муҳитда ўз иқтисодий барқарорлигини таъминлайдилар, фаолиятларининг ҳаёт циклини ўзайтирадилар. Бунда моддий-техник базасини ривожлантириш, ишлаб чиқаришнинг фақатгина техник ёки моддий таъминотдаги абсолют ўсишидан, ёки иқтисодчилар ибораси билан айтганда, ишлаб чиқаришнинг фонд билан жиҳозланганлигининг ортишидан иборат бўлиб қолмай, балки унинг устиворлик тамойиллари асосида, максимал самарадорликни таъминлаш тамойили асосида амалга оширилади. Гап шундаки, 10 бозор муносабатлари шароитида корхона ресурсларининг ҳар бир тури аввалги режалаштириладиган иқтисодиёт шароитидаги каби Давлат режалаштириш қўмитасининг ёки таъминот қўмитасининг буйруғи асосида эмас, балки хусусий маблағлар ҳисобига эришилади.

Назорат учун саволлар:

1. “Қурилиш тармоғи” тушунчасига тўлиқ таъриф беринг. Унинг миллий иқтисодиётдаги ўрнини белгиловчи миқдорий кўрсаткичларини кўрсатиб беринг.
2. Қурилиш обьектларнинг смета қимати қандай усууллар билан амалга оширилиши мумкин?
3. Қандай субъектлар капитал қурилиш иштирокчилари бўлиши мумкин?

4. Қурилишнинг моддий-техник базасини ривожлантиришнинг қонуниятлари, тенденциялари ва ривожлантириш тамойилларини баён қилиб беринг.

5. Тугалланмаган қурилиш объекларини қайси ҳолларда консервация қилинади?

6. Қурилишнинг моддий-техник базасини ривожлантиришга қандай омиллар таъсир қиласди.

7. Замонавий қурилиш технологиялар ва материаллари ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ҳолатига баҳо беринг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. M. Nadim Hassoun, Akthem Al-Manaseer Structural Concrete: Theory and Design (6th Revised edition) USA 2015.

2. Jack C. McCormac, Russell H. Brown. Design of Reinforced Concrete. 2013 Wiley 720 pages.

3. Xiaolin Chen. Finite Element Modeling and Simulation With Ansys Workbench. Publisher: Crc Pr I Llc. Released: March 26, 2014. ISBN-13: 978-1439873847.

4. Степанов П. С. “Экономика строительства” М., “Юрайт”, 2005.

5. Ёдгоров В.У., Бутунов Д.Я., Хайтов Э.Б. Ценообразование в строительстве. ТАСИ. ДП «AQПМ», Т.: 2012г.-188с.

6. Ёдгоров В.У., Бутунов Д.Я., Хайтов Э.Б. Қурилишда танлов савдолари ва уни ташкил этиш. Т.: ТАҚИ, 2012.

7. “Қурилиш баҳосини шартномавий жорий нархда аниқлаш қоидалари. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари. (ШНҚ 4.01.16–09 Иқтисодий нормативлар). Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси. Тошкент 2009.

8. “Қурилишда нарх шакллантириш учун смета норматив хужжатлар тизими” Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари. (ШНҚ 4.01.01–04 Иқтисодий нормативлар). Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси. Тошкент 2004

9. Исаков М.Ю. Экономика капитального строительство. Учебное пособие. –Т.: Издательство Литературного фонда Союза писателей Узбекистана, 2004, - 128 с.

2-назарий: Қурилиш баҳосини йириклиштирилган кўрсаткичлар билан аниқлаш қоидалари

Режа:

2.1. Қурилиш қиматини йириклиштирилган кўрсаткич (КҚЙК) да аниқлашнинг умумий қоидалари, мақсади ва вазифалари

2.2. Қурилиш қиматини йириклиштирилган кўрсаткичларни хисоблаш

2.3. Қурилиш қиматини аниқлаш

2.1. Қурилиш қийматини йириклаштирилган күрсаткич (ҚҚЙК) да аниқлашнинг умумий қоидалари, мақсади ва вазифалари

Лойиҳанинг дастлабки босқичларини (ДТИА, ДТИХ, ТИА, ТИХ) амалга ошириш жараёнида қурилиш обьектининг жорий нархлардаги баҳосини аниқлаш учун амалга оширилган ўхшаш лойиҳаларнинг нархлари тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиш тавсия этилади.

«Қурилиш қийматини йириклаштирилган күрсаткичлари (ҚҚЙК)» жорий (прогноз қилинаётган) нархларда :

- инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқишнинг дастлабки босқичларида, ҳаражатлар сарфини дастлабки ҳажмини ҳисоблаш (ДТИА, ДТИХ) ва технинг иқтисодий асосномалар (ТИА, ТИХ)ларни ишлаб чиқиша;

- инвестор ҳамда пудрат ташкилотлар учун танлов савдоларини ўтказишига (иштирок этишига) тайёрланиш ва танлов савдоларини ўтказиш жараёнларида;

- нархлар ўсиши динамикаси ва ҳудудий имкониятларни ҳисобга олган ҳолда қурилиш ишлари қийматини прогноз қилинаётган нархларда ҳисоблашда, лойиҳаларнинг иқтисодий күрсаткичларни таққослаш ва нисбатан самаралисини танлаб олиш мақсадларда қўлланилади.



2.1-расм Қурилиш инвестицион лайиҳалар жараёни

Ҳажмий-режалаштириш ва конструктив ечимларга боғлиқ равища үхшаш объектларни танлашда қувват бирлиги учун сарфланган капитал маблағларнинг солиштирма миқдорини ҳисобга олиш зарур.

Үхшаш объект бўйича маълумотлар бўлмаган ҳолларда, лойиҳа ва қурилиш ташкилотларининг архивлари ёки буюртмачиларнинг маълумотлар базасидан олинган ва аввалроқ лойиҳалаштирилган ва қурилган объектлар бўйича кўрсаткичларга асосланган ҳолда үхшаш лойиҳа танланиши мумкин.

Қурилиш объектининг жорий нархлардаги баҳосини дастлабки босқичларда буюртмачи (инвестор)нинг ўзи мустақил ёки танлов асосида танлаб олган лойиҳа (инжиринг, консалтинг) ташкилоти аниқлаши мумкин.

Лойиҳа (инжиринг, консалтинг) ташкилоти томонидан объект қурилишининг ҳисоблаб берилган нархи тавсия тариқасида берилади.

Лойиҳани дастлабки босқичда амалга оширишда тавсия қилинган нархдан фойдаланиш тўғрисидаги қарорни буюртмачи қабул қиласи.

Таққослаш ва таҳлил натижалари асосида ишларнинг тури бўйича қурилиш нархининг тузилмасига тузатишлар киритилади ва объектнинг жорий нархлардаги баҳоси аниқланади.

Қурилишнинг жорий нархлардаги баҳоси дастлабки босқичда бинонинг алоҳида элементларининг нархи асосида ҳам аниқланishi мумкин.

“Бино элементи” тушунчasi турли лойиҳаларда бир хил вазифани бажарувчи бинонинг қисмини англатади. Пойдеворлар, деворлар, том, пардозлаш ва ҳоказолар учун “элемент”лар ажратиб кўрсатилади.

Бунда бинонинг тури ва вазифасига боғлиқ равища қўлланиладиган элементларнинг сони ўзгариши мумкин.

Ушбу методнинг татбиқ қилиниши бинонинг айрим элементлари нархи тўғрисидаги маълумотларни мунтазам кузатиб боришни ва уларнинг банкини яратишни талаб қиласи.

Қурилиш ҳажмини аниқлаш қоидалари

1. Бинонинг чордоғ томли ер усти қисмининг қурилиш ҳажмини, бинонинг цокольдан юқори биринчи қават даражасида ташқи чизиги бўйича горизонтал кесими майдонини бинонинг айнан биринчи қават полидан то чордоғ томининг иситгичигача бўлган бутун баландлигига қўпайтириш орқали аниқлаш лозим.

Бинонинг чордоғ томсиз ер усти қисмининг қурилиш ҳажмини, вертикал кўндаланг кесими майдонини кесим майдонига перпендикуляр йўналишда, цокольдан юқори биринчи қават даражасида олдинги деворлар сиртлари орасидаги ўлчангандан бино узунлигига қўпайтириш билан аниқлаш лозим.

Вертикал кўндаланг кесим майдонини, деворларнинг ташқи сиртини айланма ўлчами бўйича, томнинг юқори чизиги бўйича ва қават тоза полининг даражаси бўйича аниқлаш лозим. Кўндаланг кесим майдонини ўлчашда деворлар сиртидан чиқиб турган архитектуравий қисмларни, ҳамда ботиқликларни ҳисобга олмаслиз керак.

Бинода майдони турли ўлчамдаги қаватлар мавжуд бўлганда, бино ҳажмини унинг қисмларининг ҳажмлари йиғиндиси сифатида аниқлаш

лозим. Шунингдек агар бино қисмлари тузилиши ёки конструкцияси бўйича бир-биридан қаттиқ фарқ қилган ҳолларда, бинонинг ҳажмини қисмларга бўлиб ҳисоблаш зарур. Бино ҳажми қисмларга бўлиб ҳисобланганида чегара девор ўзининг баландлиги ёки конструкцияси бўйича тўғри келадиган бино қисмига тегишли ҳисобланади.

2. Томнинг ташқи чизигидан чиқиб турган чироқларнинг қурилиш ҳажми бино қурилиш ҳажмига киритилади.

3. Эрекр, пешайвон, тамбур ва бинонинг фойдали ҳажмини кўпайтирувчи бошқа қисмларини алоҳида ҳисоблаш ва бинонинг умумий ҳажмига қўшиш лозим. Лоджия (бир томони очик айвон)лар ҳажми бино ҳажмидан чиқариб ташланмайди. Ўтиш йўллари, портчалар, ҳамда очик ва ёпиқ балконлар ҳажми бино ҳажмига киритилмайди.

4. Жамоат ва тураг жой биноларининг техник қаватларини бинонинг ҳажмига киритиш лозим.

5. Мансард қават (оғма болохона) ҳажмини унинг пол даражасидаги деворлар ташқи айланмаси бўйича мансарднинг горизонтал кесими майдонини мансард полидан чордоғ ёпинчифининг тепа қисмигача бўлган баландликка кўпайтириш орқали аниқлаш лозим.

6. Ертўла ва ярим ертўлалар ҳажмини ертўланинг цокольдан юқори, биринчи қават даражасидаги горизонтал кесимини тоза полдан биринчи қаватнинг тоза полигача бўлган ўлчам узунлигига кўпайтириш орқали аниқлаш лозим. Бино ичидаги деворсиз ертўла қилинганида, майдонни унинг тепасидаги ёпинчиғи даражасида ертўла ташқи айланмаси бўйича аниқлаш лозим.

7. Ертўлали ёки ярим ертўлали биноларнинг умумий қурилиш ҳажмини мазкур илованинг 1-5 бўлимларига мувофиқ ҳисобланган бинонинг ер усти ҳажми ва 6 бўлимига мувофиқ ҳисобланган ертўла (ярим ертўла) ҳажми йиғиндиси сифатида аниқлаш лозим.

8. Деворларни ташқи айланмаси бўйича ўлчаш амалга оширилганда унинг сувоги ва безаги қалинлиги ҳисобга олиниши лозим.

2.2. Қурилиш қиматини йириклиштирилган кўрсаткичларни хисоблаш

ҚҚЙК қайта қўлланиладиган намунавий лойиҳалар асосида, шунингдек, индивидуал, прогрессив ва нисбатан иқтисодий самарали лойиҳа ва лойиҳа ечимлари учун ишлаб чиқилади.

ҚҚЙКнинг устунлик жиҳати қурилиш объектлари лойиҳалаштирилаётган жараёнда уларнинг ишчи лойиҳалари ва ишчи

хужжатлари ишланаётган (ҳали тайёрлаб тугалланмаган) жараёнда мавжуд лойиха хужжатлари асосида объект қийматини ҳисоблаш имконини беради.

ҚҚЙКни тайёрлаш режалаштирилаётган объектларнинг лойиха-смета хужжатлари ва бошқа керакли бошланғич маълумотлар уни лойиҳаласини ишлаб чиқсан ташкилот томонидан амалга оширилади.

ҚҚЙК қуидагиларга ишлаб чиқилади:

- корхона ва объектлар мажмуаси (комплекс)га;
- объект, бино ва иншоотларга;
- иш турларига ва конструктив элементларга.

ҚҚЙК тайёрланадиган ўлчов бирлиги бино ва иншоотнинг характеридан ва уларнинг ҳажмий режавий ечимларидан ҳамда конструктив тузилишидан келиб чиқиб танланади.

Шунингдек, ўлчов бирлигини объектдан фойдаланиш хусусияти ва мақсадидан келиб чиқиб танланиши мумкин.

Ўлчов бирлигига мисол:

Туаржой биноларида – 1м² туратжой, 1м² умумий майдон, бинонинг истеъмол хусусиятларини инобатга олган ҳолда (нуфузлилиги, уй тури, конструкцияси ва бошқа).

Жамоатчилик биноларида – бир ўрин, ўқувчи ўрни, бемор койкаси ва бошқа.

Ўлчов бирлиги: Ишлаб чиқариш биноларида:

- бир турдаги махсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарда бир бирлик қувват микдори ёки ишлаб чиқариш ҳажми (йиллик махсулот ишлаб чиқариш ҳажми, сифим ҳажим, ўтказиш қуввати ва бошқалар);
- тўлиқ бино ёки иншоот (бир хил вазифага мўлжалланган – насосхона, қозонхона обьекти, резервуар-цестерналар ва бошқалар);
- бино ва иншоотнинг умумий (фойдали) ишлаб чиқариш майдони бирлигига (м², 1000м²);
- у ёки бу обьектнинг функционал хусусиятини тўлароқ акс эттирувчи бошқа ўлчов бирликлари (км узатиш линияси иншоотлари, кВт ўрнатилган қуввати ва бошқа).

Йириклиштирилган асосан қуидаги хусусиятларга эга бўлган аналог обьектлар асосида ишлаб чиқилади:

- туаржой-фуқаролик мақсадида фойдаланилайдиган, нисбатан кўп қуриладиган бино ва иншоотларнинг асосий тўлдирувчи материаллари (фишт, панел, блокли ва б.), қаватлари сони, тури (секцияли, подездли, коттедж.) ва функционал вазифасидан келиб чиқиб;
- жамоат биноларининг сифими ва қувватидан келиб чиқиб;

- ишлаб чиқариш объектлари йиллик ишлаб чиқариш ҳажми, сигими, ўтказиш қуввати ва бошқаларга боғлиқ ҳолда функционал вазифаси ва бажариладиган ишларнинг технологик характеристидан келиб чиқиб.

ҚҚЙК техник-иктисодий кўрсаткичлари ҳозирги кун талабларига жавоб берадиган ва кўплаб (массавий) қурилаётган ҳамда амалдаги қурилиш-лойиҳалаш ишлари ҳукуқий-меъёрий асослар талабларига жавоб берадиган лойиҳалар асосида ишлаб чиқлади.

ҚҚЙКни ишлаб чиқиши учун қабул қилинадиган объектнинг ресурс смета хужжатлари таркибида қуидагилар ҳисобга олинган бўлиши лозим:

а) қурилиш учун ажратилган ер майдонини тайёрлаш ва муҳандислик ишларини амалга ошириш, мавжуд объектларни бузиш ва тугатиш, муҳандислик коммуникацияларини ўтқизиш ва бошқа ишлар;

б) обьект бўйича барча қурилиш-монтаж ишлари, жумладан, лойиҳада кўзда тутилган ички муҳандислик-санитар-техник ва электромонтаж ишлари, кам қувватли қурилмалар ва тармоқлар, лифт ва қаттиқ чиқинди ташлаш иншоотлари ва бошқалар;

в) ташқи сув таъминоти, канализация, иссиқлик, энергия таъминоти, радио ва телефон тармоқлари қуриши ҳамда уларни ташқи тегишли шаҳар муҳандислик тармоқларга улаш ишлари;

г) ҳудудни ободонлаштириш ишлари бўлиши лозим.

Корхона ва обьектлар комплекси ҚҚЙК тармоқлар ва соҳалар бўйича корхона фаолиятини таъминловчи бино ва иншоотларни қуриш ва монтаж қилиш ишлари қийматини хисоблаш учун хизмат қиласи.

Корхона ва обьектлар комплекси ҚҚЙК бир турдаги фаолитяни амалга оширувчи, турли ишлаб чиқариш қуватига эга бўлган корхоналар лойиҳасини тайёрлаш учун ишлаб чиқлади.

ҚҚЙК тўлиқ корхона ёки космплекс учун ягона қилиб, шунингдек, бир хил технологик жараённи бажарувчи ёки бир хил ускуналар билан жиҳозланган бино ва иншоотлари комплексига бўлинган ҳолда ишлаб чиқилиши мумкин.

Биринчи ҳолатда ҚҚЙК қурилиш комплексининг тўлиқ қиймати: қурилиш-монтаж ишлари ва ускуналар харажатларига бўлган ҳолда ҳисобланади.

Иккинчи ҳолатда ҚҚЙК бинлар ва иншотларга бўлинган ҳолда шакллантирилади.

Корхона, бино ва иншоотлар ҚҚЙК тўлиқ обьект бўйича умумий ёки бир ўлчов бирлиги ҳажмида: 1м² фойдали майдонга, 1м³ бино ҳажмига; узатувчи иншоотлар – 1км, м, пм; ободонлаштириш, қўкаламзорлаштириш ишлари – 1 га майдонга ва бошқа.

Йириклиштирилган кўрсаткичлар корхона ва обьектлар комплексига қурилишнинг техник иқтисодий асоснома, техник иқтисодий ҳисоби (ДТИА ва ДТИХ) лойиҳаларни тайёрлашнинг дастлабки босқичларида, якуний техник-иктисодий асосни (ТИА ва ТИХ) шакллантириш жараёнида қурилишни жорий нархлардаги қийматини ҳисоблаш учун қўлланилади.

Алоҳида обьект, бино ва иншоотнинг ҚҚЙК тўлиқ бино ва иншоот бўйича умумий қилиб ёки унинг иш турлари ва конструктив элементларидан келиб чиқиб қисмларга бўлиб тайёрланади.

Алоҳида обьектлар, бино ва иншоотларга ҚҚЙКни тайёрлашда қуийдаги шартларга амал қилиш лозим:

- ҳисоблаш учун бошланғич маълумотлар бино ва иншоот лойиҳа ечимларининг асосий вариантининг асосий ишчи лойиҳалар ва ишчи ҳужжатлари асосида тузилган ресурслар ведомостлар (материаллар сарфи, меҳнат сарфи, машина-механизмлар иш вақти сарфи ва бошқалар)дан олиб қўлланилади;

- асосий вариантдан фарқланувчи лойиҳа ечимлари учун, конструктив ва бошқа ўзгаришларни ҳисобга олувчи тузатишлар киритиш лозим.

Алоҳида обьект, бино ва иншоотнинг ҚҚЙК кўрсаткичи қурилиш-монтаж ишларини бажаришнинг тўлиқ қийматини акс эттиради. Жумладан:

- қурилиш ишларига ажратилган худудни ўзлаштириш ва муҳандислик тайёргарлиги ишларини бажариш, мавжуд қурилишларни бузиш ва тугатиш, муҳандислик коммуникацияларини қуриш;

- обьект бўйича барча турдаги қурилиш-монтаж ишларини, шу жумладан лойиҳага киритилган ички санитар-техник ва электрмонтаж ишлари, иқки (слаботок)ли тизимлар қурилиши, лифт ва қаттиқ чиқинди ташлаш иншоотларини;

- обьектнинг сув, канализация, иссиқлик, электр, газ таъминоти тармоқларини шаҳар ёки магистрал тармоққа уланишини таъминлаш учун зарур бўладидан коммуникациялар қурилиши ишларининг тўлиқ ҳажмини;

- қурилишга ажратилган худудни ободонлаштириш ишларини.

Талаб этиладиган ускуналар, мебеллар ва инвентарларнинг лойиҳада келтирилган номенклатура бўйича тўлиқ қийматини алоҳида ҳисблаш тавсия этилади.

ҚҚЙК ишлаб чиқиш учун танланган объектлар учун иловаларда күйидаги маълумотларни келтириш талаб этилади:

ҚҚЙКни тайёрлаш учун аналог сифатида танланган объектлар рўйхати ва уларнинг техник иқтисодий кўрсаткичлари.

Ҳар бир аналог объект бўйича харажатлар структураси.

Ҳар бир аналог объект бўйича тўғри харажатлар ва пудратчининг эгри харажатлари структураси келтирилади;

Алоҳида объектлар, бино ва иншоотлар қурилишининг жорий нархлардаги қийматидан фойдаланиб ҳисоблаш учун ягона шаклга келтирилган (унификация қилинган) ресурслар-технологик моделини (РТМ) ишлаб чиқиш тавсия этилади.

Моделда харажатларни диференциация қилиш ҳисобига харажатлар статяларга ҚҚЙКда келтирилган миқдордан келиб чиқиб тузатишлар киритилади.

Қурилиш-монтаж ишларининг унификация қилинган ресурслар-технологик модели (РТМ) таркиби аналог объектлар маълумотлари асосида шакллантирилган материал ва меҳнат ресурсларидан ташкил топади.

РТМ икки блокдан ташкил топади:

а) ресурслар блоки: у лойиҳада берилган ресурсларнинг натурал кўринишида: матаераллар, буюмлар, конструкцияларни ва қурилиш маонтаж ишларига сарфланадиган, норматив катталикларда келтирилган меҳнат харажатларини акс эттиради.

Ресурслар блоки моделини ишлаб чиқиша қурилиш матаераллар, буюмлар, конструкцияларнинг улар позицияси ва наменклатурасидан келиб чиқсан ҳолда камида 85%ни қамраб олиш талаб этилади. (Таблица 4.). Асосий рўйхатга кирмаган материаллар "прочие материаллар" деб қайт этилиб, миқдори % да келтирилади.

Ресурслар блокини шакллантириш аналог объектлар сифатида қабул қилинган қурилиш объектларида қўлланилган ресурслар ҳажмидан келиб-чиқиб амалга оширилади;

б) қиймат блоки, ресурслар қиймати миқдорини кўрсатиб, у ҳар бир бирлик ресурс кесимида (ресурс нархи) ва ресурснинг умумий қиймати акс эттиради.

Қиймат блоки модели ресурсларнинг базис даври сифатида келтирилган вақт кесимидағи қиймат кўрсаткичларини акс эттиради. (масалан, 1- квартал 2017 й.).

Ресурс қиймати шу гурух ресурслари қийматига нисбатан ўртача катталик шаклида аниқланади.

РТМда қўлланилган материал ва меҳнат ресурслари ҳажмлари ишчи лойиҳалардан ҳисоблаб топиладиган натурал катталиклардир. Уларни материал, буюм ва конструкцияларнинг жорий нархларига қўпайтириш ва меҳнат харажатларини ўртача иш соати қиймати миқдорига қўпайтириш орқали ҳар бир ресурс қиймати аниқланади.

Барча ресурслар қиймати йиғиндиси эса белгиланган даврда қурилиш-монтаж ишлари умумий қийматини акс эттиради.

РТМнинг қиймат блокида базис сифатида келтирилган кўрсаткич ресурснинг базис даврдаги қийматини кўрсатади. Навбатдаги даврдаги нархларнинг ўсиш кэффицентини аниқлаш ва ресурслар миқдорини қўпайтириш орқали белгиланган даврдаги ресурс қиймати аниқланади.

РТМга ҳар доим янги нархларни қўллаш орқали объектнинг шу даврдаги жорий нархини аниқлаш имконини беради.

Иш турлари ва конструктив элементлар бўйича ҚҚЙКларни асосан икки турда ишлаб чиқиш тавсия этилади:

иктисодиётнинг турли тармоқларида қўплаб (массовой) қурилаётган объектлар бўйича;

Тармоқ хусусиятига эга бўлган, ишлаб чиқаришнинг у ёки бу хусусиятини ўзида мужассамлаштирган объектлар бўйича.

Иш турининг йириклиштирилган кўрсаткичи ундаги ишлар наменклатурасини унификация қилиш асосида ишлаб чиқилади (илва 6).

Иш турлари ва конструктив элементлар бўйича ҚҚЙКлар аналог объектнинг ишчи лойиҳалари асосида ҳисобланган локал ресурс ведомостлар асосида ишлаб чиқилади.

ҚҚЙК бундай турдаги бино ва иншоотларнинг амалдаги смета ҳужжатлари бўлимлари ва иш турлари ва конструктив элементлар харажатлари туркимларига мос келади.

2.3. Қурилиш қийматини аниқлаш

Замонавий баҳолаш амалиётида янги қурилиш қийматини аниқлашнинг қуйидаги усувлари қўлланилади:

- бир марталик нархлар усули (харажатларни элемент бўйича баҳолаш усули);
- солиштирма бирлик усули;
- қийматнинг катталашган элементли кўрсаткичлари усули.

Курилишнинг смета қийматини аниқлаш учун дастлабки позитсия бўлиб лойиҳавий қарорлар асосида ишлар ҳажини ҳисоблаб чиқиш хизмат қилади. Бунинг учун меъёрий ҳужжат қўлланилади ва у бўйича иш турлари ва ушбу обект бўйича конструктив элементларга боғлиқ равиша смета қиймати аниқланади. Иш ҳажмларини аниқлаш усуслари қурилиш обектларининг архитектура-конструктив ечимларига боғлиқ бўлади.

Сметаларни (ҳисоб-китобларни) тузиш усулини танлаш ҳар битта муайян ҳолатда шартнома шартлари ва умумий итисодий вазиятга боғлиқ равиша амалга оширилади.

Смета қийматини аниқлаш учун тўртта усул: ресурсли, ресурс-индексли, базис-индексли ва базис-конпенсатсияли усуслар қўлланилади.

A. Ресурсли усул – бу ажратилган ресурсларни (мехнат сарфи, қурилиш машиналарига бўлган эҳтиёж, материаллар, маҳсулотлар ва конструксиялар сарфи) баҳолаш асосида қийматни аниқлаш усулидир. Бу усулни қўллашга қурилиш учун техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш босқичида йўл қўйилади: инвеститсияларни техник-иктисодий асослаш (ТИА, тураг жой-ижтимоий мўлжалланишдаги обектларни детал режалаштириш лойиҳалари (ДРЛ), лойиҳалар (ескизли лойиҳалар) ва ишчи ҳужжатлар.

Ишларнинг смета қийматини ресурсли усул ёрдамида аниқлаш учун локал ресурсли ведомост ва локал смета ҳисоб-китоби, локал смета шаклларини қўллаш тавсия этилади.

Локал сметалардаги бевосита харажатларни аниқлаш учун дастлабки маълумотлар сифатида қўйидаги ресурсли кўрсаткичлар олинади:

мехнат ресурслари

ишчи-қурувчиларнинг мехнат харажатлари – одам.-с.

машинистлар мехнати харажатлари – одам.-с.

қурилиш машиналари

Қурилиш машиналарни қўллаш вақти тўғрисидаги маълумотлар – маш.-с.

материал ресурслар

материаллар, маҳсулотлар (деталлар) ва конструксияларнинг харажати тўғрисидаги маълумотлар (қабул қилинган физик катталикларда: дона, м², м³ ва ҳоказо).

Кўрсатилган ресурслар лойиҳавий ҳужжатлар, турли меъёрий ва бошқа манбалар таркибидан ажратиб олинади.

Ресурсли усулни қўллаганда қурилиш қиймати 9.10. формула асосида ҳисобланади. Бунда бевосита харажатлар қўйидагича аниқланади:

$$ПЗ = C_{sn} \cdot T_p + \sum_{i=1}^n C_{эмми} \cdot T_{эмми} + \sum_{j=1}^m C_{мамj} \cdot T_{мамj} \quad (9.10)$$

бу ерда C_{3n} - битта одам-соат меҳнат харажатининг нархи (базисли поғонада – ўртача меъёрий разряддан келиб чиқсан ва 1,25 индексни қўллаган ҳолда; жорий поғонада – пудратчи ташкилотдаги барча ходимларнинг ҳақиқий ўртача ойлик иш ҳақи асосида, бироқ иш (маҳсулот, хизмат) таннархига нисбатан однадиган меҳнат сарфининг ўрнатилган меъёрий катталигидан ошиб кетмаган ҳолда; T_p - одам.соатларда ифодаланган меҳнат харажатлари; $C_{эмм}$ - қурилиш машинаси маш.-соатининг қиймати; $T_{эмми}$ - қурилиш машинасидан фойдаланиш вақти; n - қурилишда иштирок этажтан қурилиш машиналари сони; $C_{мамж}$ - материаллар, маҳсулот ва конструкцияларнинг смета нархлари; $T_{мамж}$ - сметали қурилиш материаллари, маҳсулотлар ва конструкцияларга нисбатан бўлган жисмоний эҳтиёж; m - қурилиш материалларининг турлари сони.

Ажратиб олинган ресурслар усули ёрдамида қийматни аниқлаш усули инвеститсион жараённинг барча иштирокчилари – буюртмачилар (инвесторлар), лойихавий ва пудратчи ташкилотлар, баҳоловчи фирмалар томонидан уларнинг мулк шакли ва ведомостли бўйсунишидан қатъий назар қўлланилиши мумкин.

B. Ресурс-индексли усул – бу ресурсли усул билан ресурсларга нисбатан индекслар (материал, техник, меҳнат ва ҳоказо) тизимини биргалиқда қўллаш усулидир. Бу усул бозор муносабатлари ва нархларнинг либераллашуви шароитида энг ратсионал ҳисобланади. Индекслар маҳсулотлар, ишлар ёки ресурсларнинг жорий (башорат қилиш даври) нарх даражасидаги қийматининг нархларнинг базис даражасидаги қиймат нисбатига teng. Улар ўлчамсиз катталиқда ифодаланади ва одатда вергулдан кейин иккита рақам билан олинади.

Қабул қилинаётган меъёрий базага қараб индексларга қуйидагиларга нисбатан олиниши мумкин:

- 1984 йил 1 январдан амалга кирган сметанаархларига нисбатан;
- 1991 йил 1 январдан амалга кирган сметанаархларига нисбатан;
- аввалги даврнинг жорий нархларига нисбатан.

Нархларнинг башоратли индексларини қуйидагилар асосида ишлаб чиқиш тавсия этилади:

- аввалги интерваллар ёки ойлардаги нархлар индекси динамикаси кўрсаткичларини математик қайта ишлаш;
- нархлар даражасига инфлятсия омиллари ва биринчи навбатда ўсиш омилларининг таъсир қилишининг сифатий баҳоси;
- нархлар даражасига инфлятсияга қарши чоралар ва давлат органлари, инвесторлар ва пудратчи ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган нархларни тартибга солиш чораларининг таъсир қилишининг сифатий баҳоси.

Нархларнинг базис даражасида аниқланган смета қийматларини жорий (башорат қилинадиган) нархлар даражасига келтириш унинг ҳар битта қаторидаги (бўлимдаги) қийматини тегишли жорий (башорат қилиндиган)

индексга кўпайтириш ва смета бўйича умумий натижани қўшиш орқали амалга оширилади.

Ресурсли ва ресурс-индексли усулларни қўллаш ҳам буюртмачи, ҳам пудратчи томонидан қурилаётган ёки реконструксия қилинаётган обект нархи бўйича ўз таклифларини асослаган ҳолда техник ҳужжатларни ишлаб чиқишининг барча босқичларида қўллаш мумкин. Бу усуллар баҳоловчи фирмалар томонидан обект қийматини аниқлашда энг аниқ усуллар хисобланади.

В. Базис-индекс усул жорий ва башорат қилинадиган индексларнинг тизимини нархларнинг базис даражасида ёки жорий даражада аниқланган қийматига нисбатан қўллашга асосланган.

Жорий (башорат қилинадиган) нархлар даражасига келтириш базис қийматни иш турлари, харажатлар элементлари бўйича тегишли индексларга кўпайтириш орқали амалга оширилади:

$$BV_n = C_m \cdot I_m + C_{zn} \cdot I_{zn} + C_{emm} \cdot I_{emm} + HP + SP, \quad (9.11)$$

бу ерда C_m , C_{zn} , C_{emm} – жорий даражадаги смета қиймати элементлари – материаллар, зиш ҳақи, машина ва механизмларни эксплуататсия қилиш; I_m , I_{zn} , I_{emm} - харажат элементлари бўйича нарх индекслари; HP – қўшимча харажатлар; SP - смета (режали) даромади.

Г. Базисли-компенсатсион усул ўз асосида БМТ эвропа иқтисодиёт комиссияси таклиф этган ўзгарувчи нархларни (слидинг-ссале) хисоблаш усулига асосланади.

Базисли-компенсатсион усулни қўллашда қурилиш қиймати ҳақиқий харажатлардан келиб чиқсан ҳолда шаклланади ва фақатгина қурилиш тугаганидан кейин тўлиқ ҳолда аниқланиши мумкин.

Бу усулда қиймат икки босқичда топилади:

- биринчи босқичда қурилишнинг базис қийматини аниқланади (1984 й., 1991 й. смета нормативлари бўйича). Бир вақтнинг ўзида кутилаётган инфлятсияга нисбатан нархлар ва тарифларнинг кутилаётган ошиб кетиши туфайли базис қийматнинг қимматлашишининг асл башорат қилиниши амалга оширилади;

- иккинчи босқичда ишлар, хизматлар, ускуналар ва ҳоказоларга ҳақ тўлаш босқичида биринчи босқичда базис шароитларига нисбатан нарх ва тарифларнинг ошиши муносабати билан юзага келган қўшимча харажатлар хисоб-китоби амалга оширилади.

Якуний қиймат унинг базис даражасидан, қўлланилаётган ресурсларга нисбатан нарх ва тарифларнинг ошиши туфайли юзага келган қўшимча харажатлар ҳамда консепсион афзалликлардан ташкил топади.

Обектли ва локал сметалар негизида харажатлар таркиби ва катталигини аниқлаш

Ўзининг моҳиятига кўра қайта тиклаш қиймати кўрсаткичи обектни қуришда ҳақиқий харажат қилинган маблағлар катталигига мос келади, яъни баҳолашнинг қийматли усулини қўллаш натижалари билан тўлалигича устма-уст тушади.

Агар эксперт (ёки баҳоловчи) ихтиёрида янги қурилиш обектига нисбатан локал ва обектли сметаларнинг тўлиқ мажмуаси бор бўлса, харажатларни қайта реконструксия қилиш масаласи, мисол учун базисли-индексли усул (9.11 формуласи) учун қўйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

- ҳар битта харажат элементининг қурилиш-монтаж ишлари умумий қийматидаги солиштирма вазни аниқланади:

$$d_M = C_M / B_n \cdot 100\%; d_{3n} / BV_n \cdot 100\%; d_{эмм} = C_{эмм} / BV_n \cdot 100\%, \quad (9.12)$$

- бутун ишлар комплексига нисбатан қурилиш қийматини қайта ҳисоблаш учун индекслар аниқланади :

$$I_{тек/баз} = [d_M \cdot I_M + d_{3n} \cdot I_{3n} + d_{эмм} \cdot I_{эмм} + (d_{3n} + d_{эмм}) \cdot 0,3] \cdot 1,15 \cdot I_{3n} \cdot HP] \cdot (1 + СП) / 100, \quad (9.13)$$

бу эрда I_M , I_{3n} , $I_{эмм}$ - материаллар, қурилиш машиналарини эксплуататсия қилиш ва иш ҳақи нархларининг индекслари; 1,15 – ишчиларга бериладиган қўшимча иш ҳақини ҳисобга оладиган коеффицент; H_p – Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура қурилиш томонидан тавсия этиладиган қўшимча харажатлар нормативи; $СП$ – смета даромади нормативи;

Янги қурилиш тўлиқ қийматини аниқлаш:

$$PS = S_{сп} \cdot I_{тек./баз.} + PP, \quad (9.14)$$

PP – тадбиркор (инвестор) даромади

Қурилиш қиймати ҳам элементар ресурсли смета меъёрларининг тўпламлари (ШНК 4.02-04) ҳам йириклишган смета меъёрлари асосида аниқланади.

Йирклашган нархлар бўйича қурилиш қийматини аниқлаш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

- ўхшашиб бўлган обектни танлаб олиш (бинонинг умумий мўлжалланиши, умумий шакли, бино конструксияси ва унинг муҳандислик ускуналарининг яқин характеристикаси, ҳисоб-китоб қилинадиган ҳажм);

- бевосита УПВС Тўпламидаги жадвал асосида ўхшашиб обектнинг қайта тиклаш қийматини базис даражадаги нархларнинг базис даражаси ўлчагичига нисбатан аниқлаш;

- ўхшашиб обект баҳолаш обектидан фарқ қилган ҳолда қайта тиклаш қийматини ўлчагичга нисбатан корректировка қилиш (жойлашиш ўрни, асосий юкни кўтарувчи конструксиялар турлари бўйича фарқ, техник характеристикалар орасидаги тафовутлар);

- нархларнинг базис даражасида бевосита ва билвосита харажатлар йифиндисини аниқлаш;
- ҳисобга олинмаган билвосита УПВС харажатларни аниқлаш;
- бевосита ва билвосита харажатларни нархларнинг жорий даражасига келтириб қайта ҳисоблаш;
- тадбиркор даромадини аниқлаш;
- янги қурилишнинг тўлиқ қийматини аниқлаш.

Назорат учун саволлар:

1. Курилиш қийматини йириклаштирилган кўрсаткич (ҚҚЙК) да аниқлашнинг умумий қоидалари, мақсади ва вазифалари изог беринг.
2. Курилиш ишлари қийматини ҚҚЙК усулида ҳисоблашда намуна-объект танлаш тушунтириб беринг
3. Корхона ва объектлар комплекси қийматини ҚҚЙК усулида аниқлаш нима?
4. Алоҳида объектлар, бино ва иншоотлар қийматини ҚҚЙК усулида аниқлаш тартиби
5. Иш турлари ва коструктив элементлар қийматини ҚҚЙК усулида аниқлаш қандай амлга оширилади.
6. Курилиш қийматини аниқлашусулларига изог беринг.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Jack C. McCormac, Russell H. Brown. Design of Reinforced Concrete. 2013 Wiley 720 pages.
2. Xiaolin Chen. Finite Element Modeling and Simulation With Ansys Workbench. Publisher: Crc Pr I Llc. Released: March 26, 2014. ISBN-13: 978-1439873847.
3. Степанов П. С. “Экономика строительства” М., “Юрайт”, 2005.
4. Ёдгоров В.У., Бутунов Д.Я., Хайтов Э.Б. Ценообразование в строительстве. ТАСИ. ДП «AQПМ», Т.: 2012г.-188с.
5. Ёдгоров В.У., Бутунов Д.Я., Ҳайтов Э.Б. Курилишда танлов савдолари ва уни ташкил этиш. Т.: ТАҚИ, 2012.
6. “Курилиш баҳосини шартномавий жорий нархда аниқлаш қоидалари. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари. (ШНҚ 4.01.16–09 Иқтисодий нормативлар). Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси. Тошкент 2009.
7. “Курилишда нарх шакллантириш учун смета норматив хужжатлар тизими” Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари. (ШНҚ

4.01.01–04 Иқтисодий нормативлар). Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси. Тошкент 2004

8. Исаков М.Ю. Экономика капитального строительство. Учебное пособие. –Т.: Издательство Литературного фонда Союза писателей Узбекистана, 2004, - 128 с.

3-назарий: Капитал қурилишда баҳони шакллантиришнинг смета-меъёрий базаси асослари

- 1. Капитал қурилишда баҳони шакллантиришнинг смета-меъёрий хужжатлар тизими.**
- 2. Шаҳарсозлик нормалар ва қоидалари (ШНК).**
- 3. Қурилиш ва қурилиш-таъмирлаш ишлари элементли смета ресурс нормалар.**

3.1. Капитал қурилишда баҳони шакллантиришнинг смета-меъёрий хужжатлар тизими.

Нархларни шакллантириш учун ресурслри смета нормативлар тизими «Иқтисодий нормативлар» қўйи тизимининг шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини, ҳамда қурилиш учун зарур бўлган ресурслар ҳажмини аниқлаш учун керак бўлган ва Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиши томонидан тасдиқланадиган бошқа ресурслри смета нормативларни ўз ичига олади.

Ресурслри смета нормативлар бу – алоҳида тўпламларга жамланувчи ресурслри смета нормалар комплексининг умумлаштирилган номи. Зарур талабларни ўз ичига оладиган қоида ва низомлар билан бир қаторда улар турли хилдаги бино ва иншоотлар қурилишига, реконструкциясига, кенгайтирилишига, техник қайта жиҳозланишига ва таъмирланишига сарфланадиган ресурсларни холис баҳолаш учун хизмат қиласи.

Шаҳарсозлик ва нормалари қоидаларининг тўртинчи ост тизимидағи асосий қоида ва низомларига ойдинлик киритувчи хужжатлар смета ресурс хужжатларини тайёрлашда фойдаланилиши керак бўлган йўриқнома, методик қўрсатмалар, қўлланма ва бошқа материаллар кўринишида қўшимча сифатида чиқарилиши мумкин.

Қурилишда нарх шакллантириш учун ресурсларни сметали меъёrlашнинг асосий йўналиши бу - қурилишда нарх шакллантириш учун ресурслри смета нормативлар тизими орқали турли хилдан бино ва иншоотлар қурилиши (реконструкцияси, кенгайтирилиши, техник қайта жиҳозланиши ва таъмирланиши) учун зарур бўлган ресурсларга бўлган эҳтиёжни холис баҳолашдир.

Зарур ҳолларда ресурслри смета нормативлардан алоҳида лойиҳавий ечимларни таққослаш ва иқтисодий баҳо бериш учун, ҳамда капитал қўйилмалардаги тузилмавий ўзгаришлар таҳлилида фойдаланиш мумкин.

Қурилишда норматив ҳужжатлар тизими қуидагиларга бўлинади:

- республика миқёсидаги
- давлатлараро
- бошқармавий

Қурилиш баҳосини аниқлаш учун ресурс нормативларини ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланиш қоидаларини ўз ичига оладиган «Иқтисодий нормативлар» ШНҚ 4нинг қуий тизими билан биргаликда нормативлар ресурсларни сметали меъёрлаш методологиясини хосил қиласди.

Буларнинг барчаси республика миқёсидаги, давлатлараро ва бошқармавий ресурс нормативлари 1-иловада келтирилган, қурилишда нарх шакллантириш ва меъёрлаш тизимининг ресурсли смета-норматив базасини ташкил қиласди.

Республика миқёсидаги нормативлар «Иқтисодий нормативлар» ШНҚ 4нинг қуий тизимиға киравчи, Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиши томонгидан кучга киритилувчи нормативларни ўз ичига олади.

Улардан Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалининг турли соҳаларида амалга ошириладиган қурилишларнинг баҳосини аниқлашда фойдаланиладиган ресурсларнинг талаб қилинадиган миқдорини аниқлашда фойдаланилади. Ушбу нормативларга шунингдек ресурсли элементли смета нормалари (РЭСН) ҳам киради.

Давлатлараро ресурс нормативларига МДҲ давлатларининг стандартлаштириш ва техник меъёрлаш бўйича Давлатлараро илмий-техника хайати ёрдамида ишлаб чиқилган ресурс нормативлари киради ва улар Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси худудида кучга киради.

Ресурс нормативлари қурилиш баҳосини ресурс усули билан аниқлашнинг талаблари таснифи

-тизимнинг асосий вазифаларига ва қурилишда ресурсни меъёрлашга мувофиқ бўлган ҳолда лойиҳалашнинг турли босқичларида нархни аниқлашга имкон бериши;

-турли ресурсларни оптималь сарфини, атроф табиат мухитидан самарали фойдаланишни, қурилиш баҳосини тўғри ва аниқ аниқланишини таъминлаган ҳолда техник ва иқтисодий жихатдан асосланган бўлиши;

-қурилиш техникаси ютуқларини ва қурилиш ишлаб чиқаришининг илфор технологияларини ҳисобга олган ҳолда қурилишнинг илмий-техник ривожини рағбатлантириши;

-фойдаланишда жуда кулай ва оддий бўлиши, компьютерлардан ва бошқа автоматлаштириш усулларидан кенг фойдаланиш имконини

берадиган, ҳамда норматив ҳужжатлар ҳажмини қисқартириш имконини бериши лозим.

Ресурсли смета нормативлар ишлаб чиқилиши жараёнида, алоҳида нормативларда мавжуд бўлган харажатларни қайта ҳисоблаш имкони бўлмаслиги керак.

3.2. Шаҳарсозлик нормалар ва қоидалари (ШНК).

Ресурсли смета нормативларни ишлаб чиқиш учун керакли маълумотларга қуидагилар киради:

- лойиҳавий материаллардаги энг мувофиқ техник ечимлар;
- замонавий фан ва техника ютуқларини ўзида мужассамлаштирган қурилиш ишлаб чиқариши технологияси ва қурилиш машиналари;
- материаллар, маҳсулотлар ва конструкциялар ҳамда ускуналарга таълуқли амалдаги нормативлар;
- қурилишда ишчиларга ҳақ тўлаш бўйича амалдаги нормалар ва низомлар.

Ресурсли смета нормативлар ўз кучини маълум вақтгача, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси қарорлари асосида амалга ошириладиган янги смета нормативларига кучга киргунига қадар сақлаб туради.

Қурилишда янги смета нормаларига ўтиш хақида қарор қабул қилинганида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси янги кучга киритилаётган смета нормативлари қандай маълумотлар асосида ишлаб чиқилиши кераклигини ва мувофиқ нормативларни кучга кириш санасини белгилайди.

Ресурс смета нормаси деганда қурилиш ёки монтаж ишлари ҳамда конструкциялар учун, одатда табиий (физик) бирликларда ёки нисбий шаклда (фоиз, коэффициент кўринишида) қабул қилинган кўрсаткич учун белгиланган ресурслар мажмуаси (ишчилар меҳнат сарфи, қурилиш машиналарининг ишлаш вақти, материаллар, маҳсулотлар ва конструкцияларга бўлган эҳтиёж) тушунилади.

Смета нормаларидаги ресурсларнинг таркиби ва миқдори қурилиш ишлаб чиқариши технологияси ва уни ташкил этиш соҳасидаги охирги ютуқларга, монтаж ва қурилиш ташкилотларини техник жихозланишининг замонавий талабларига жавоб бериши, қурилиш соҳасидаги илфор тажрибаларни, ҳамда самарали лойиҳавий ечимларни, материалларни, маҳсулотларни ва конструкцияларни ўзида акс эттириши лозим.

Смета нормаларининг асосий функцияси – нарх кўрсаткичларга ўтиш учун асос сифатида мувофиқ турдаги ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган ресурсларнинг норматив миқдорини аниқлашдир.

Ресурсли смета нормативларни ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва кучга киритиш «Қурилишда норматив ҳужжатлар тизими. Норматив

хужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби»да келтирилган тартибга мувофиқ равища амалга оширилади ва мавжуд қоидаларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Янги ресурсли смета нормативларни ишлаб чиқиш ва илгари амалда бўлганларини қайта ишлаш Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиши томонидан тасдиқланадиган методик хужжатлар асосида Давархитектқурилишнинг ва алоҳида инвесторларнинг топшириғи билан мувофиқ норматив ишлар режаси бўйича амалга оширилади.

Лойиҳада (ишли хужжатларда) кўзда тутилган конструкциялар ва ишлар учун амалдаги ресурсли элементли смета нормативлар тўпламларида нормативлар мавжуд бўлмаган ҳолларда, қурилиш учун ресурсли смета хужжатларини тузувчи лойиҳачи ташкилот лойиҳа (ишли хужжатлар) таркибида тасдиқланадиган мувофиқ ресурсли смета нормаларни ишлаб чиқиши лозим.

Амалга киритилиши зарур бўлган ресурсли смета нормативлар лойиҳалари, илмий-тадқиқот ва лойиҳачи ташкилотларни жалб қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилишининг капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотлар бошқармаси томонидан тайёрланади.

Ресурсли смета нормативларни нашр қилиш ва қайта нашр қилиш хуқуқи, нормативни тасдиқловчи идорага тегишилдири.

Тасдиқланган ресурсли смета нормативларни тўплам қўринишида нашр қилишга йўл қўйилади. Бунда:

-тўплам муқовали қилиниши, алоҳида хужжатларни эса тўпламга муқовасиз, яъни фақат титул варагини қўйиш билан нашр этиш керак;

-тўпламнинг муқовасига унга кирган барча алоҳида хужжатларнинг белгиларини киритиш лозим;

-тўпламнинг пастки қисмида бетларнинг рақамлари қўйиб борилиши лозим.

Смета нормативларини тасдиқлаган ва кучга киритган ресурсли смета нормативларни ишлаб чиқувчи ташкилотлар (бир нечта амалга оширувчилар мавжуд бўлган ҳолда – ишлаб чиқувчи ташкилотлар) ва идоралар амалдаги нормативларни илмий-техник даражасини аниқлаш учун уларни даврий равища текшириб туришлари ва уларни янгилаш бўйича таклифлар тайёрлашлари зарур.

Амалдаги ресурсли смета нормативларни янгилаш қайта кўриб чиқиш режаларига мувофиқ ҳолда бутунлай қайта кўриб чиқиш ёки алоҳида ўзгартиришлар киритиш (масалан: уларга нисбатан коэффициентлар келтириш) йўли билан амалга оширилади. Одатда бу, ресурсли смета нормативларга ўзгартиришлар ёки ресурсли смета нормативлар тўпламларига қўшимчалар ишлаб чиқиш йўли билан амалга оширилади ва

уларни кучга киритиш янги нормативларни кучга киритиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ресурсли смета нормативлар тўпламларига қўшимчалар, тўпламлар расмийлаштирилгани каби расмийлаштирилади.

Ресурсли смета нормативларни қайта кўриб чиқиш, уларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш учун асос сифатида, тугалланган илмий-техник ёки тажриба ишларининг натижалари, ресурсли смета нормативлар тузиш ва қўллашнинг, смета нормативлар талабларига риоя қилиш ва уларни қўлланилишини назорат қилишнинг миллий ва хориж тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш хизмат қилиши мумкин.

Мувофиқ ресурсли смета нормативлар тўпламига киритиладиган ҳар бир ўзгаришга рўйхатдан утиш тартиб рақами берилади. Смета нормативлари тўпламига қилинган ҳар бир қўшимчага қуидагича титул белгиси берилади: «Сони (сўнг тартиб рақами келтирилади)».

Ўзгартиришлар ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш ва рақамлаш, ресурсли смета нормативлар тўпламларини биринчи бор кучга киритишдаги каби тартибда амалга оширилади.

Ресурсли смета нормативларни ишлаб чиқиш ва тўғри қўллашдаги масъулият. Ресурсли смета нормативларни ишлаб чиқсан етакчи ташкилотлар, уларни амалга киритиш учун тақдим этган вазирликлар ва бошқармалар, ҳамда уларни амалга киритувчи идоралар қўйидагилар учун қонунчиликда белгиланган жавобгарликни ўз зиммаларига оладилар:

ресурсли смета нормативлар талабларини замонавий фан, техника, илғор ишлаб чиқариш тажрибасига, ҳамда қурилган обьектдан фойдаланиш шартшароитларига мувофиқлиги;

ресурсли смета нормативларда ресурс сарфини пасайтиришга, қурилиш муддатини камайтиришга ва қурилиш сифатини оширишга, энг оптималь ечимларни тадбиқ этишга, моддий, энергия, меҳнат ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланишга, қурилишни индустрлаш ва меҳнат самарадорлиги даражасини оширишга, меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилашга, атроф муҳитни муҳофаза қилишга, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган талаблар ўз аксини топиши;

ресурсли смета нормативлар асоси бўлган бирламчи маълумотларни тўғрилиги ва уларни техник, ҳамда иқтисодий жиҳатдан асосланганлиги;

ресурсли смета нормативларни амалдаги қонунчиликка, Ўзбекистон Республикаси давлат стандартларига мувофиқлиги;

смета нормативларнинг мазкур гурух ШНҚ низомларига мувофиқлиги, матнли ва рақамли маълумотларнинг, ҳамда ишлатилган терминларнинг тўғрилиги;

ресурс смета нормативларига ўзгартиришлар киритиш хақида ёки амалдаги смета нормативлар тўпламлари учун қўшимчалар ишлаб чиқиш зарурлиги хақида ўз вақтида асосланган таклифлар тақдим этиш;

ресурсли смета нормативларни режада белгиланган муддатда амалга киритиш учун, уларни лойиҳаларини тақдим этиш.

Ресурсли смета нормативлар талабларига риоя қилмаганликлари учун, жумладан ушбу нормативларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан мувофиқ равишда қўлламаганликлари учун ташкилотлар, муассасалар ва корхоналар, ҳамда улардаги масъул шахслар, жавобганликка тортиладилар.

Смета норматив хужжатлар талабларига риоя қилинишини назорат қилиш. Лойиҳани тузувчи, мухандислик тадқиқотларни ва қурилишни амалга оширувчи ташкилотлар, муассасалар ва корхоналар, ҳамда экспертиза идоралари смета норматив хужжатлар талабларига риоя қилинишини доимий равишда назорат қилинишини таъминлайдилар.

Смета-норматив хужжатлар талабларига риоя қилинишини танлов асосида назоратини, Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиши, ҳамда норматив хужжатни амалга киритиш учун тақдим этган вазирликлар ва маҳкамалар амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиши Республиканинг барча ташкилотларида смета норматив хужжатлар талабларига риоя қилинишини, ташкилотнинг қайси бошқармага бўйсуниши ва хўжалик туридан қатъий назар текширади.

Смета норматив хужжатлар талабларига риоя қилинишини текшируви натижалари далолатнома ёрдамида расмийлаштирилади. Чора кўлилиши учун текширувлар далолатномаси текширилаётган ташкилотнинг юқори идораларга йўналтирилиши лозим.

3.3. Қурилиш ва қурилиш-таъмирлаш ишлари элементли смета ресурс нормалар.

«Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари» ШНҚ 4нинг қуий тизими таркибига киравчи ресурсли смета нормативларнинг тўлиқ шифри «ШНҚ» харфларидан, бир-биридан нуқталар билан ажратилган қуий тизим рақами – «4»дан, гурӯҳ рақамидан (иккита рақам) ва гурӯҳ иловасидаги тўплам рақамидан (иккита рақам) ташкил топган бўлиши керак; чизиқчадан кейин қўйилган охирги икки рақам смета нормативи тасдиқланган йилини англатади. Масалан: ШНҚ 4.02.01-2004й. деганда, ушбу ШНҚ - «Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари»; 4-ост тизим - «Иқтисодий нормативлар»; 02-гурӯҳ – «Ресурсли элементли смета нормалари»; 01-Тўплам 1 «Ер ишлари»; 04 – охирги икки рақам тасдиқланган йилини англатади.

Ҳар бир ресурсли смета нормативлар тўпламидаги ресурсли смета нормативнинг ички рақамланиши (шифри), ушбу нормативларнинг техник қисмларида келтирилади. Ушбу рақамланиш шундай йўл билан амалга ошириладики, тўплам рақамидан сўнг (бир ёки икки рақам) чизиқчадан кейин, қоида бўйича РЭСН жадвалининг рақамига мувофиқ ушбу тўпламдаги

қиймат рақами келтирилган ва охирги икки рақам РЭСН жадвалларининг мувофиқ устунини англаатади.

Кўлланиладиган ресурсли смета нормативларга ҳаволаларни бирхиллаштириш мақсадида, тузиладиган ресурсли смета хужжатларида З-маълумот учун иловага мувофиқ холда қисқа шифрлардан фойдаланиш зарур.

Муассаса ресурсли смета нормативларининг шифрида, уларни рўйхатдан ўтказишда муассаса норма ва қоидаларининг қисқача белгиланиши келтирилади (Муассаса нормалари ва қоидалари) – «МНҚ», ост тизим рақами – «4», рўхатдан ўтказиш китобидаги тартиб рақами ва чизиқчадан сўнг тасдиқланган йилини кўрсатувчи икки рақам, ҳамда смета нормативини тасдиқлаган идоранинг қисқача норми. Масалан: МНҚ 4.(--)-04 Химпром.

Агарда ресурсли смета норматив амалдаги худди шундай номли норматив ўрнига тасдиқланаётган бўлса, унинг олдинги шифри сақланиб қолади, фақат тасдиқлаш йилини билдирувчи рақамларгина мувофиқ равишда ўзгаради.

3.1-жадвал.

«Иқтисодий нормативлар» ШНҚ 4нинг қуи тизимиға кирувчи ресурсли смета нормативлар

№	Қисқача белгиси	Номи	Шифри
1	НТ	Қурилишда нарх шакллантириш учун смета норматив ҳужжатлар тизими	ШНҚ 4.01.01
2	СН	Қурилиш ишлари ресурсли смета нормаларини ишлаб чиқиш ва қўллаш бўйича умумий низомлар	ШНҚ 4.02.00
3	ЭСН	Қурилиш ва қурилиш-таъмирлаш ишлари ресурсли элементли смета нормалари тўпламлари	ШНҚ 4.02.
4	КМРСН	Қурилиш машиналаридан фойдаланиш ресурсли смета нормалари тўпламлари	ШНҚ 4.03.
5	ЙРҚ	Алоҳида иш турлари бўйича йириклиштирилган ресурс кўрсаткичлари	ШНҚ 4.08.
6	МИСН	Маҳсус ишлар ресурсли смета нормалари тўпламлари	ШНҚ 4.10.
7	ЖАСН	Жамоат ва маъмурий биноларнинг жихоз ва анжомлари учун харажатлар смета нормалари тўпламлари	ШНҚ 4.13.
8	ЙРСН	Йириклиштирилган ресурс смета нормалар тўпламлари	ШНҚ 4.14.
9	УМРСН	Ускуналарни монтаж қилиш ресурсли смета нормалари тўпламлари	ШНҚ 4.17.

Назорат учун саволлар:

1. “Курилиши” ва “таъмирлаш” смета меъёрларига таъриф беринг.
2. Жихозларни монтаж қилишида қайси меъёрлардан фойдаланилади?
3. Ресурсли смета меъёрлар қандай босқичлардан иборат бўлади?
4. Курилишида баҳони шакллантириши усуллари қандай қўлланилади?
5. Материал ресурсларда қандай харажатлар ҳисобга олинади?
6. Ресур смета меъёрлари деганда нималар назарда тутилади?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Xiaolin Chen. Finite Element Modeling and Simulation With Ansys Workbench. Publisher: Crc Pr I Llc. Released: March 26, 2014. ISBN-13: 978-1439873847.
2. Степанов П. С. “Экономика строительства” М., “Юрайт”, 2005.
3. Ёдгоров В.У., Бутунов Д.Я., Хайтов Э.Б. Ценообразование в строительстве. ТАСИ. ДП «AQПМ», Т.: 2012г.-188с.
4. Ёдгоров В.У., Бутунов Д.Я., Хайтов Э.Б. Курилишда танлов савдолари ва уни ташкил этиш. Т.: ТАҚИ, 2012.
5. “Курилиш баҳосини шартномавий жорий нархда аниқлаш қоидалари. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари. (ШНҚ 4.01.16–09 Иқтисодий нормативлар). Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси. Тошкент 2009.
6. “Курилишда нарх шакллантириш учун смета норматив хужжатлар тизими” Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари. (ШНҚ 4.01.01–04 Иқтисодий нормативлар). Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси. Тошкент 2004
7. Исаков М.Ю. Экономика капитального строительство. Учебное пособие. –Т.: Издательство Литературного фонда Союза писателей Узбекистана, 2004, - 128 с.

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАР

I-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ

1-амалий: Смета ҳаражатларини аниқлаш қоидалари

Объектнинг жорий нархлардаги бошланғич баҳоси амалдаги “Объектларни куриш қийматини шартномавий жорий нархларда белгилаш тартиби түғрисида” Вақтингчалик Низомга, ҳамда ШНК 4.01.16-09га мувофиқ буюртмачилар ёки уларнинг топшириғига кўра лойиҳа ёки ихтисослашган ташкилот томонидан прогноз жорий нархлар ва ресурслар тарифлари учун ҳаражатлар калькуляциясига асосланган ресурс методи ёрдамида ҳисобланади.

Курилиш баҳосини шартномавий жорий нархда аниқлаш мақсадига кўра 3 усулда аниқланади:

1. Буюртмачи томонидан қурилишнинг бошланғич баҳосини жорий нархда аниқлаш.
2. Пудратчи ташкилотларининг (таклиф этилган нарх) танлов савдосида қатнашиш учун, қурилиш баҳосини жорий нархда аниқлаш.
3. Пудратчи ташкилотларни танлов савдоси ўтказмасдан қурилиш баҳосини жорий нархда аниқлаш.

“Ресурс усули”ни қўллашда физик кўрсаткичлардаги:

- асбоб-ускуналар номлари ва миқдори;
- норматив меҳнат сарфи;
- машина ва механизмлардан фойдаланиш ҳаражатлари;
- қурилиш материаллари, буюмлар ва конструкциялар номлари ва миқдори;
- бошқа ҳаражатлар ва сарфлар аниқланади.

“Ресурс усули” бўйича объектнинг жорий нархлардаги қиймати қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$C = (C_o + C_m + C_{zp} + C_{zm} + P_p + P_z + C_r) \times K_P,$$

Бунда:

Со - асбоб-ускуналарга, мебель ва инвентарга ҳаражатлар;

См - қурилиш материаллари, буюмлар ва конструкцияларга ҳаражатлар;

Сзп - ижтимоий суғуртага ажратмалар ҳисобга олинган ҳолда асосий иш ҳақига ҳаражатлар;

Сзм - машина ва механизмлардан фойдаланиш ҳаражатлари;

Пп - бошқа ҳаражатлар ва пудратчининг ҳаражатлари;

Пз - бошқа ҳаражатлар ва буюртмачининг ҳаражатлари;

Ср - объектлар қурилишини суғурта қилиш ҳаражатлари;

Кр - навбатдаги йилда қурилишда нарх ўсишининг прогнозлаштирилаётган индексидан келиб чиқиб аниқланадиган таваккалчилик коэффициенти.

Қурилиш материаллари, маҳсулотлари, конструкциялари, ускуналар, мебель ва инвентарь учун сарфланадиган харажатлар транспорт, тайёрлашомборда сақлаш харажатлари ва импорт материаллар, ускуна, мебель ва инвентарь учун қонунчиликда белгиланган божхона тўловларини қўшиб ҳисобланган ишлаб чиқарувчи (етказиб берувчи) корхоналарнинг нархлари қўлланилиб лойиҳа спецификацияларига мувофиқ тарзда тузилган ресурс рўйхатларга асосланиб ёки мазкур ҳудудда шаклланган нархлар мониторинги асосида тузиладиган маълумотлар банки бўйича аниқланади.

Турли қурилиш материаллари, маҳсулотлари, конструкциялари, ускуналари, мебель ва инвентарнинг ўртача нархи ишлаб чиқарувчи заводларнинг улгуржи нархи, қурилиш материаллари биржа ва ярмаркаларидаги нархлар, қурилиш материалларини етказиб берувчи ташкилотларнинг нархлари, Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш қўмитаси томонидан чоп этиладиган қурилиш материаллари учун жорий нархлар каталогида келтирилган нархлар асосида аниқланishi мумкин.

Иш ҳақи учун сарфланадиган харажатлар объект қурилишининг норматив меҳнат сарфини 1 киши-соат кўрсаткичининг жорий нархига (сўм) ва ижтимоий суғуртага ажратиладиган тўловларни ҳисобга олувчи коэффициентга кўпайтириш йўли билан қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$C_{зп} = T \times C_{ч} \times K_{сс}$$

бу ерда:

T – объект қурилишининг норматив меҳнат сарфи, ресурс сметаси бўйича аниқланади, киши-соат;

Cч – ишчиларнинг бир соат учун ўртача иш ҳақи, объектнинг дастлабки баҳосини аниқлашда, минтақа бўйича қурувчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақининг миқдори асосида ҳисобланади;

Kсс – ижтимоий суғуртага ажратиладиган тўловлар миқдорини ҳисобга олувчи коэффициент.

Бир соат учун ўртача иш ҳақи қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$C_{ч} = Z_{мс} : \Phi$$

бу ерда:

Zмс – аввалги 12 ой учун статистика маълумотлари асосида аниқланган қурувчиларнинг минтақа бўйича ўртача ойлик иш ҳақи, сўм/ой;

Ф – Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг маълумотлари бўйича ишчи вақтининг соатда берилган ўртача ойлик фонди.

Объект қурилишининг дастлабки нархини аниқлашда машина ва механизmlар эксплуатацияси учун жорий нархларда сарфланадиган харажатлар қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$C_{\text{эм}} = C_{\text{м}} \times C_{\text{пр}},$$

бу ерда:

С_м – машина ва механизмлар эксплуатациясининг соатларда берилган ҳажми;

Ц_{пр} – машина ва механизмлар эксплуатациясининг соат/сўм даги жорий нархлари.

Вақтингчалик бино ва иншоотларга сарфланган харажатлар, қиши мавсумдаги нархларнинг ўсиши ШНҚ 4.09-06 “Вақтингчалик бинолар ва иншоотларнинг смета харажатлари нормалари” ва ШНҚ 4.07-06 “Киш пайтида бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари сарфига қўшимча смета нормалари тўплами” асосида аниқланади.

Объектнинг дастлабки баҳосини белгилашда бошқа харажатларнинг нархини қуйидаги формула бўйича қурилиш-монтаж ишларининг нархига нисбатан фоизларда қабул қилиш тавсия қилинади:

$$П_п = (С_м + С_зп + С_{\text{эм}} + С_п) \times У,$$

бу ерда:

С_м – қурилиш материаллари, маҳсулотлари ва конструкциялари учун сарфланган харажатлар;

С_{зп} – ижтимоий сугурта учун тўловлар билан бирга ҳисобланган асосий иш ҳақи учун сарфланган харажатлар;

С_{эм} – машина ва механизмлар эксплуатацияси учун сарфланган харажатлар;

С_п – ишлаб чиқаришга оид бошқа харажатлар;

У – пудратчи “бошқа харажатлари”нинг қурилиш-монтаж ишларининг нархига нисбатан солиштирма кўрсаткичи.

Объектнинг дастлабки баҳосини аниқлашда минтақа ва фаолият турлари бўйича бошқа харажатларнинг солиштирма кўрсаткичи пудратчи ташкилотларининг “5-С Шакл” бўйича тузиладиган ҳисоботлари асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган ишлар, маҳсулотлар ва хизматлар учун сарфланган харажатларнинг асосий кўрсаткичлари” статистика бюллетени бўйича қабул қилиниши мумкин.

Объектнинг дастлабки нархи аниқланишида қурилишни сугурталаш учун сарфланадиган харажатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.12.1999й. 532-сонли “давлат маблағлари ва давлат томонидан кафолатланган кредитлар ҳисобига қурилаётган объектлар қурилишга оид таваккалларини мажбурий сугурталаш тўғрисида” қарорига мувофиқ аниқланади.

Мажбурий сугурталаш бўйича охириги тарифлар сугурта суммасининг 0,4% ни ташкил қиласди (объектнинг тўлиқ нархидан 80%)

$$С_р=(С_о+С_м+С_зп+С_{\text{эм}}+С_п)\times 0,8\times 0,4\%,$$

бу ерда:

С_о – транспорт ва тайёрлаш-омборда сақлаш харажатлари билан бирга ҳисобланган ускуна, мебель ва инвентарь учун сарфланадиган харажатлар;

См - транспорт ва тайёрлаш-омборда сақлаш харажатлари билан бирга ҳисобланган қурилиш материаллари, маҳсулотлари ва конструкциялари учун сарфланадиган харажатлар;

Сзп – ижтимоий суғурта тўловлари билан бирга ҳисобланадиган асосий иш ҳақи учун сарфланадиган харажатлар;

Сэм – машина ва механизмлар эксплуатациясига сарфланадиган харажатлар (машинистларнинг иш ҳақлари билан бирга ҳисобланади);

Сп – ишлаб чиқаришга оид бошқа харажатлар;

Пп – пудратчининг бошқа харажатлари.

Таваккалчилик коэффициенти навбатдаги йилда қурилишдаги нархлар ўсишини прогнозлаш индексидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

Таваккалчилик коэффициенти ҳар бир алоҳида объект қурилишининг баҳосини шакллантирувчи компонентлар нархларининг ўсишини прогнозлаштирилган индексидан келиб чиқсан ҳолда ҳисобланиб аниқланади.

1.2. Танлов савдоларида қатнашиши учун пудратчи ташкилотлари томонидан қурилиш баҳосини жорий нархларда аниқлаш

Танлов савдоларида қатнашиши учун пудратчи ташкилот томонидан объект қурилишининг жорий нархлардаги баҳосини (келгусида – таклиф этилган нарх) аниқлаш бўйича асосий принциплар ва хусусиятлар келтирилган.

Таклиф этилган нарх (оферта) – бу танлов савдоси шартларига мувофиқ тарзда талабгор (пудратчи) томонидан бажариладиган ишлар (хизматлар)нинг нархи. Таклиф этилган нарх танлов ҳужжатлари (ресурс смета) асосида, жорий нархларда, танлов шартларига мувофиқ ҳисоблаб чиқилади.

Жорий нархлардаги таклиф этилган нархларни талабгорнинг ўзи мустақил ёки унинг буюртмасига кўра қўйидаги ташкилотлар ҳисоблаши мумкин:

- лойиҳа институти;

-ихтисослашган инжиринг ёки консалтинг компаниялар, Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш қўмитасининг капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотлар ва нархларни шакллантириш маркази.

Ихтисослашган инжиринг ёки консалтинг компаниялар, Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш қўмитасининг капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотлар ва нархларни шакллантириш маркази томонидан ҳисобланган объект қурилишининг нархи тавсия тариқасида бўлади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун таклиф этилган нарх сифатида тавсия қилинган нархларни қабул қилиш тұғрисидаги қарорни пудратчи (талабгор) қабул қиласы.

Талабгор томонидан жорий нархларда “ресурс усули”да таклиф этилган нарх 4-бобнинг 4.5. моддасида келтирилган формула ёрдамида аниқланади.

Таклиф этилган нархни ҳисоблаш жараёни қуидаги үзига хос хусусияттарга эга:

Курилиш материаллари (маҳсулотлар, конструкциялар, ускуналар, мебель ва инвентарь) жорий нархлари транспорт харажатлари, тайёрлашомборда сақлаш, божхона тұловлар ва сотиб олиш ва объектга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар билан бирга қўшиб ҳисобланган ишлаб чиқарувчилар (импорт қилувчилар)нинг нархларидан ташкил топган минтақавий бозорда шаклланган нархлар асосида талабгор томонидан белгиланади.

“Фойдаланишга тайёр ҳолдаги объект” қурилишида ускуна, мебель ва инвентарь учун таклиф этилаётган нархлар таркибиغا уларни сотиб олиш, етказиб бериш, сақлаш, монтаж қилиш, созланиши учун сарфланган харажатлар ҳамда нафақа, йўл ва мактаб таълими фондларига ўтказиладиган тұловлар ҳам киритилади.

Талабгорлар материал ресурсларнинг нархлари тұғрисидаги маълумотларни бевосита қурилиш материалларни етказиб берувчи ташкилотлардан, шунингдек қурилиш материалларининг биржа ва ярмаркаларининг бюллетенларидан, Давархитектқурилиш қўмитасининг капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотлар ва нархларни шакллантириш маркази томонидан чоп этилувчи каталоглардан олишлари мумкин.

Транспорт харажатларини Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш қўмитасининг 06.05.2004й. 31-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Қурилиш учун юкларни ташишнинг жорий нархларини аниқлаш бўйича услубий тавсиялар” асосида аниқлаш тавсия этилади.

Тайёрлаш-омборда сақлаш харажатларини пудрат ташкилотининг сарфлаган харажатлари асосида аниқлаш тавсия этилади.

Иш ҳақи бўйича харажатларни аниқлашда, талабгор (пудратчи) томонидан киши/соат бўйича нарх аввалги 12 ой давомида ўртача ойлик иш ҳақининг шаклланган миқдоридан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

Пудратчи таклиф этган нархни ҳисоблашда қурилиш машиналари ва механизмларидан фойдаланишда маш/соат жорий нархини Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш қўмитасининг 06.05.2004 й. 31-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Қурилиш машиналари ва механизмларидан фойдаланишда ҳисобланган жорий нархларни аниқлаш бўйича услубий тавсиялар” асосида аниқлаш тавсия этилади.

Пудратчининг “бошқа харажатлари”нинг миқдори (даражаси)ни аниқлаш мувофиқ муддат (аввалги 12 (ўн икки) ой) учун қабул қилинган кўрсаткичлар базиси асосида пудрат ташкилотининг амалдаги баланс кўрсаткичларига асосланган молиявий натижалари 2-шакл бўйича, корхона харажатлари 5-С шакл бўйича, меҳнат харажатлари 1-Т шакл бўйича,

ҳисобот 1-МБ (микрофирма ва кичик корхоналар учун) бўйича ва ҳисобот кўрсаткичларининг таҳлили асосида қўйидаги формулалар ёрдамида амалга оширилади пудратчининг “бошқа харажатлари” % даги даражаси:

$$Y = (\Pi / Сpr) \times 100$$

бу ерда:

У – пудратчининг бошқа харажатларининг мувофиқ базис давр давомида қурилиш, монтаж, таъмирлаш, ишга тушириш-созлаш ишларининг ишлаб чиқариш таннархига нисбатан фоизда берилган даражаси (катталиги), бунда “фойдаланишга тайёр ҳолдаги” объектлар нархини аниқлашда ҳисобга олинган пудратчи томонидан сотиб олинган ва монтаж қилинган ускуналарнинг нархи чиқариб ташланади.

Пп – мувофиқ базис давр учун қабул қилинган пудратчининг бошқа харажатлари (нарх қўрсаткичи), харажатлар рўйхати ва Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш қўмитасининг 28.12.2007й. 129-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Объектлар қурилишини шартномавий жорий нархлардаги баҳосини ҳисоблашда буюртмачи ва пудратчининг “бошқа харажатлари”ни аниқлаш бўйича услубий тавсиялар”нинг №1, №2 ва №3 иловаларида келтирилган тартибга асосланган ҳолда ҳисобланади.

Спр – мувофиқ базис давр давомида бажарилган қурилиш, монтаж, таъмирлаш, ишга тушириш ишларининг ишлаб чиқариш таннархи, бунда “фойдаланишга тайёр ҳолдаги” объектлар нархини аниқлашда ҳисобга олинган пудратчи томонидан сотиб олинган ва монтаж қилинган ускуналарнинг нархи чиқариб ташланади.

Тўғридан–тўғри харажатларда ҳисобга олинмаган ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар пудратчининг амалдаги харажатлари ва КТЛ қўрсаткичларига (муваққат бино ва иншоотлар, қишки мавсумда нархларнинг ўсиши, ишчиларни ташиш, қурилишнинг вахта усули ва ш.к.) мос равишда аниқланади.

Пудратчи (талабгор) таклиф этилган нархдаги “бошқа харажатлар” таркибида таклиф этилган ишларни бажариш эвазига олинадиган иқтисодий асосланган фойданни ҳам ҳисобга олади.

1.3. Иш ҳақи тушунчаси ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизими

Иш ҳақи ёлланма ходим даромадининг элементи, унга тегишли ишчи кучига бўлган мулкчилик ҳукуқини иқтисодий жиҳатдан рўёбга чиқариш шаклидир.

Иш ҳақининг асосий элементи – унинг ставкасидир. Иш ҳақининг ставкаси шартномада белгилаб қўйилади ва муайян вақт бирлиги ичida бажариладиган ва

муайян касб-малака хусусиятларига эга бўлган меҳнатга тўланадиган ҳақ даражасини белгилаб беради

Иш ҳақини тартибга солиш механизмида бошланғич база сифатида унинг энг кам миқдори (минимал иш ҳақи) намоён бўлади, у оддий, кам малакали меҳнат билан банд бўлган ходимларнинг такрор ҳосил қилиниши учун нормал шарт-шароитлар яратиши лозим.

Корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этишнинг асосий элементлари - меҳнатни нормалаш, тариф тизими, иш ҳақининг шакллари ва тизимларидир. Ҳар бир элемент қатъий белгиланган вазифасига эгадир.

Меҳнатни нормалаш - бу илмий асосланган меҳнат харажатларини ва унинг натижаларини: вақт нормалари, сони, хизмат кўрсатишнинг бошқарилиши, маҳсулот ишлаб чиқариш нормаланган топшириклари нормаларини аниқлашдир. Булар бўлмаса, меҳнат миқдорини, ҳар бир ходимнинг умумий натижаларга қўшган алоҳида ҳиссасини ҳисобга олиб бўлмайди.

Иш ҳақининг шакллари ва тизимлари - бу меҳнатнинг миқдор натижалари ва сифатига (унинг мураккаблиги, интенсивлиги, шарт-шароитларига) боғлиқ равишда иш ҳақини белгилаш механизмидир.

Тариф тизими турли норматив материаллар мажмуидан иборат бўлиб, улар ёрдамида корхонадаги ходимларнинг иш ҳақи даражаси уларнинг малакасига, меҳнат шароитларига, корхоналар ўрнашган жўғрофий жойи ва бошқа тармоқ хусусиятларига қараб белгиланади. Тариф тизимининг асосий элементларига тариф сеткалари, тариф ставкалари, тариф-малака маълумотномалари, лавозим маошлари, хизматчилар лавозимларининг тариф маълумотномалари, тариф ставкаларига устама ва қўшимча ҳақлар, иш ҳақига доир миңтақавий малака коэффициентлари киради.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари тушунчаси ва уларнинг таснифи.

Иш ҳақининг барча тизимларини иш ҳақининг шакллари деб аталувчи иккита катта гурухга бўлиш қабул қилинган.

Агар меҳнат натижаларининг асосий ўлчови сифатида тайёрланган маҳсулот (кўрсатилган хизмат)дан фойдаланиладиган бўлса, у ҳолда меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай шакли ҳақида гап юритилади.

Агар бундай ўлчов сифатида ишланган вақт миқдоридан фойдаланилса, бундай ҳолда вақтбай иш ҳақи тўғрисида гап боради. Демак, иш ҳақининг шакли - ҳақ тўлаш тизимларининг муайян тоифасидан иборат бўлиб, иш ҳақ тўлаш мақсадида унга нарх белгилашда меҳнат натижаларини ҳисобга олиш асосий кўрсаткичи бўйича гурухларга ажратилган бўлади.

Иш ҳақининг ишбай ва вақтбай тизимларини қўллаш. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг оддий тизимлари. Бу тизимлар ишчиларнинг иш ҳақини меҳнат натижаларини ҳисобга олишининг фақат бир кўрсаткичига: иш вақтига ёки бажарилган қурилиш ишлари миқдорига қараб шакллантиради.

Оддий вақтбай тизим ходимнинг маошини унинг тариф ставкасига ва амалда ишлаган вақтига қараб шакллантиради. Шунга мувофиқ ҳолда соатбай, кунбай ва ойлик тариф ставкалари қўлланади. Оддий вақтбай ҳақ тўлашда ишланган вақт миқдори билан маош ўртасидаги алоқа пропорционал характерга эга бўлади.

Оддий ишбай ҳақ тўлашда ишчининг маоши тайёрланган маҳсулот (бажарилган иш) бирлигига тўланадиган ҳақ миқдоридан иборат бўлган ишбай белгиланган нархга ва ана шу маҳсулот миқдорига боғлиқ бўлади. Амалиётда меҳнатга ҳақ тўлашнинг бевосита индивидуал, жамоа (бригада), аккорд, билвосита, ишбай-прогрессив, ишбай-регрессив тизимлари қўлланиши мумкин.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг аккорд тизими шуниси билан ажралиб турадики, унда айrim операциялар ёки иш турларининг бажарилишига эмас, балки аккорд топшириққа кирадиган ишларнинг муайян комплекси бажарилишига ҳақ тўланади.

Ишбай-прогрессив ҳақ тўлашнинг ўзига хос унсурлари ишбай нормаларни бажаришнинг бошланғич даражасидан (расценканинг кўпайиши шундан бошланади (база)) ҳамда нормаларни бошланғич базадан муайян даражада ошириб бажарилганида ишбай расценканинг кўпайиш миқдорини кўрсатувчи прогрессив қўшимчалар шкаласидан иборат.

1.4. Иш вақти фонди

Ходим иш тартиби ёки графигига ёхуд меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ ўз меҳнат вазифаларини бажариши лозим бўлган вақт иш вақти ҳисобланади.

Иш вақтининг нормал муддати. Ходим учун иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига қирқ соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Олти кунлик иш ҳафтасида ҳар кунги ишнинг муддати етти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида эса саккиз соатдан ортиб кетмаслиги лозим.

Корхонада иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш жорий қилинган тақдирда Мехнат Кодексининг 123-моддасида назарда тутилган қоидалар қўлланилади.

Тўлиқсиз иш вақти. Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан ишга қабул қилиш чоғида ҳам, кейинчалик ҳам тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилаб қўйилиши мумкин.

Иш берувчи Мехнат Кодекси 229-модда, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган ҳолларда ходимнинг илтимосига кўра тўлиқсиз иш вақтини белгилаб қўйиши шарт.

Тўлиқсиз иш вақти шарти билан ишлаш ходимнинг йиллик асосий меҳнат таътилининг муддатини, меҳнат стажини ҳисоблашни ҳамда бошқа меҳнат ҳуқуқларини бирон бир тарзда чеклашга асос бўлмайди ва ишланган вақтга ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотга мутаносиб равишда ҳақ тўланади.

Иш ҳафтасининг турлари. Иш вақти режими. Иш ҳафтасининг тури (икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтаси ёки бир кун дам олинадиган олти кунлик иш ҳафтаси) ва иш вақти режими (кундалик иш вақтининг (сменанинг) муддати, ишнинг бошланиш ва тугаш вақти, ишдаги танаффуслар вақти, сутка давомидаги сменалар сони, иш кунлари ҳамда ишланмайдиган кунларнинг навбат билан алмасиниши, ходимларнинг сменадан сменага ўтиш тартиби) корхонада ички меҳнат тартиби қоидалари, бошқа локал норматив ҳужжатлар билан, бу ҳужжатлар бўлмагандан эса, - ходим билан иш берувчининг келишувига биноан белгиланади.

Ходимни сурункасига икки смена давомида ишга жалб этиш тақиқланади.

Байрам (ишланмайдиган) кунлари арафасида кундалик иш (смена) муддати барча ходимлар учун камида бир соатга қисқартирилади.

Тунги вақтдаги ишнинг муддати. Соат 22-00 дан то соат 6-00 гача бўлган вақт тунги вақт деб ҳисобланади. Агар ходим учун белгиланган кундалик иш (смена) муддатининг камида ярми тунги вақтга тўғри келса, тунги иш вақти муддати бир соатга, иш ҳафтаси муддати ҳам шунга мувофиқ равишда қисқартирилади.

Ишлаб чиқариш шароитларига кўра зарур бўлган ҳолларда, хусусан ишлаб чиқариш узлуксиз бўлган жойларда, шунингдек бир кун дам олинадиган олти кунлик иш ҳафтаси шароитида смена бўлиб ишланаётган жойларда тунги иш муддати кундузги иш муддатига tenglashтирилади.

Иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш. Ҳисобга олинадиган даврдаги иш вақтининг муддати иш соатларининг нормал микдоридан ошиб кетмайдиган шарт билан корхонада иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш жорий қилиниши мумкин. Бунда ҳисобга олинадиган давр бир йилдан, кундалик иш вақтининг (сменанинг) муддати эса ўн икки соатдан ортиб кетмаслиги лозим. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олишни қўлланиш тартиби, шунингдек ҳисобга олинадиган давр мобайнида ходимларга ҳар ойда тўланадиган иш ҳақи микдорини тенглаштиришга қаратилган чора-тадбирлар жамоа шартномасида белгиланади, агар у тузилмаган бўлса, - иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

1.5. Қурилишнинг бошланғич баҳосини жорий нархларда аниқлашда иш ҳақи учун сарфланадиган харажатлар

Иш ҳақи учун сарфланадиган харажатлар объект қурилишининг норматив меҳнат сарфини 1 киши-соат кўрсаткичининг жорий нархига (сўм) ва ижтимоий суғуртага ажратиладиган тўловларни ҳисобга олевчи коэффициентга кўпайтириш йўли билан қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$C_{зп} = T \times C_ч \times K_{сс}$$

бу ерда:

T – объект қурилишининг норматив меҳнат сарфи, ресурс сметаси бўйича аниқланади, киши-соат;

C_ч – ишчиларнинг бир соат учун ўртача иш ҳақи, объектнинг дастлабки баҳосини аниқлашда, минтаقا бўйича қурувчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақининг микдори асосида ҳисобланади;

K_{сс} – ижтимоий суғуртага ажратиладиган тўловлар микдорини ҳисобга олевчи коэффициент.

Бир соат учун ўртача иш ҳақи қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$C_ч = Z_{мс} : \Phi$$

бу ерда:

Z_{мс} – аввалги 12 ой учун статистика маълумотлари асосида аниқланган қурувчиларнинг минтаقا бўйича ўртача ойлик иш ҳақи, сўм/ой;

Φ – Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг маълумотлари бўйича ишчи вақтининг соатда берилган ўртача ойлик фонди.

Танлов савдоларида қатнашиши учун пудратчи ташкилотлари томонидан қурилиш баҳосини жорий нархларда аниқлашда, иш ҳақи бўйича

харажатларни аниқлаш, талабгор (пудратчи) томонидан киши/соат бўйича нарх аввалги 12 ой давомида ўртacha ойлик иш ҳақининг шаклланган миқдоридан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

Пудратчи ташкилотларни **танлов савдоларини ўтказмасдан** танлашда объект баҳосини шартномавий жорий нархларда аниқлашда, иш ҳақи бўйича харажатларни аниқлаш пудратчи ташкилот бўйича киши/соат нархидан фойдаланиб, аввалги 12 ой давомида ўртacha ойлик иш ҳақининг шаклланган миқдоридан келиб чиқсан ҳолда бажарилади.

Курилишнинг меъёрий муддатидан ва ишларнинг меҳнат талаб қиласиган ҳажмидан ва иш ҳақининг соатига ўртacha миқдоридан келиб чиқсан ҳолда қуийдаги формула бўйича:

$$\text{Оз} = \text{Tч/ч} \times \text{Сч/ч}$$

Бу ерда,

Tч/ч - объект қурилиши талаб қиласиган меҳнат сарфланиши

Сч/ч - пудрат ташкилотининг маълумотларига кўра иш ҳақининг соатига ўртacha миқдори

Иш ҳақининг соатига ўртacha кўрсаткичи Ўзбекистон Республикасининг ҳудудлари бўйича (статистик ҳисоботларга мувофиқ) "қурилиш" соҳаси бўйича ёки ташкилотда ўтган йилда ҳақиқатдан шаклланган иш ҳақининг ўртacha миқдоридан келиб чиқсан ҳолда ҳисобланади.

I вариант

Иш ҳақининг соатига ўртacha миқдори қуийдаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\text{Сч/ч} = \text{Зср} : 365 (366 - \text{В-П-П} \times 1 : 8) : 8 \times 12 \times \text{Крв},$$

Бу ерда,

365 (366) - йилдаги кунлар сони;

В - йилдаги дам олиш кунлар сони;

П - йилдаги байрам кунлар сони;

П x 1 : 8 - иш вақти бир соатга қисқартиришни ҳисобга олинган йилдаги байрам кунлар сони;

Крв - режалаштирилаётган йилда иш ҳажми ўсишидан келиб чиқсан ҳолда иш ҳақи ўсишини ҳисобга оладиган коэффициенти;

Коэффициент қуийдаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\text{Крв} = 1 + (\text{Вп} : \text{Вф}) \times 0,85, \text{ шу ерда}$$

Бу ерда,

Вп - режалаштирилаётган йилда иш ҳажми;

Вф - ўтган йилда асл иш ҳажми;

0,85 - иш ҳажми ўсишининг ҳар бир фоизига иш ҳақи ўсишининг директив коэффициенти;

II вариант

Иш ҳақининг соатига ўртacha миқдори қуийдаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\text{Сч/ч} = \text{Зср} : (\text{Фрв} : 12) \times \text{Крв}$$

Бу ерда,

Сч/ч - иш ҳақининг соатига ўртacha миқдори;

Зср - ташкилот бўйича ўтган йилдаги иш ҳақининг соатига ўртacha миқдори;

Фрв - йилдаги иш вақтининг ҳажми;

Крв - режалаштирилаётган йилда иш ҳажми ўсишидан келиб чиқсан ҳолда иш ҳақи ўсишини ҳисобга оладиган коэффициенти (коэффициент I вариантга ўхшаб ҳисобланади).

1.6. Ускуналар, мебель ва инвентарлари харажатлари.

Жамоат ва маъмурий бинолар смета-ресурс нормаларида ҳисобга олинган асбоб-ускуналарга, комплект типовой технологик ва лаборатория асбоб-ускуналари, аппаратуралар ва асбоблар киради, уларнинг таркиби ва тавсифномаси қоида бўйича нормаларни ҳаракати давригача ўзгармас ҳолда қолади.

Кўрсатилган бинолар инвентарларга қўйидагилар киради:

а) ишлаб чиқариш инвентари, яъни ишлаб чиқаришга оид предметлар, улар технологик жараёнларни (ишчи столлар, верстаклар, асбоб-ускуналар, меҳнатни муҳофаза этиш учун хизмат қилувчи шкафлар, стеллажлар ш.ўх) енгиллатиш ва уни бажариш учун шароит яратишади.

б) хўжалик предметлари, яъни идора ва бошқа мебел ва жиҳозлаш (столлар, стуллар, шкафлар, вешалкалар, гардероблар ва ш.ўх) ҳамда хўжалик ва хизматга мўлжалланган предметлар ва хоналарни йиғишириш ёнгинга қарши инвентарлар, оргтехника воситалари ва бошқалар.

Намунаий асбоб-ускуналар ва инвентарлар таркибида, шу билан бирга ресурс – смета нормаларида қўйидагилар кўрсатилмайди:

қурилиш – монтаж ишлари таркибида киритилган мебел қурилмалари; ички хоналарини қимматбаҳо предметлар (гиламлар, расмлар ва ҳ.к.) жиҳози;

маиший – хўжалик аҳамиятига эга майда предметлар ва юмшоқ инвентарлар (овқатланиш идишлари, канцелярия ашёлари ва ҳ.к.);

хизмат кўрсатиш ходимлари учун маҳсус кийимлар, янги тузилаётган кутубхоналарни, китоб фонди ва ҳ.к.

Айrim ҳолларда, ўрнатилган тартибда рухсатнома бўлса, ресурс смета нормаларига юмшоқ ва майда инвентарларни киритилишига йўл қўйилади.

Ресурс нормалари бутун бир объектга айrim маҳсус хоналарни нормаларини ажратиб кўрсатилган ҳолда кўрсатилиши лозим. Ресурс смета нормаларида, шунингдек қабул этилган ўлчов бирлиги кўрсаткичлари ҳам кўрсатилади (ўрин, ўқувчи ва ҳ.к.).

Ҳар бир ресурс нормалари тўпламлари таркибида, янги қурилиш ва ҳаракатдаги объектларни таъмирлаш, кенгайтириш ресурс смета

хужжатларидан фойдаланиш тартиби ва шартлари тўпламнинг техник қисмida белгилаб берилган.

Ресурс нормалари Ўзбекистон Республикаси “Давархитектқури-лиш” томонидан тасдиқланиб, республика смета нормалари деб аталади.

Ресурс смета нормалари тўпламларини рўйхати 1 иловада берилган

Янги қурилаётган ҳамда кенгайтирилаётган ва таъмирланаётган жамоат ва маъмурият мақсадига мўлжалланган обьектларни дастлабки асбоб-ускуналар ва инвентарлар билан жиҳозлаш ресурс сметалари, амалдаги ресурс смета нормалари тўпламлари асосида ушбу мақсад учун тузилиб, тегишли бутун бино учун, қабул этилган ўлчов бирлиги кўрсаткичлари (ўрин, ўқувчи ва х.к.) асосида тузилади.

Ҳаракатдаги обьектларни кенгайтириш ресурс смета хужжатлари тузишида ресурс смета нормалари кўрсаткичларини ўсишидан қабул этилган кенгайтириш лойиҳаларини, яъни қўшимча ўлчов бериш миқдоридан фойдаланилади.

Ресурс смета нормаларининг намунавий рўйхатида инвентарлар, асбоб-ускуналарни тури, маркаси кўрсатилмаган бўлса, буюртмачи уларни бошқаларига алмаштиришга ҳақлидир, агар улар лойиҳа хужжатларида кўрсатилган асбоб-ускуналар ва инвентарлар вазифасини бажара олса.

1.1-жадвал

Жамоат ва маъмурий бинолар асбоб-ускуналари ва инвентарларнинг ресурс смета нормалари тўпламлари

Рўйхати

Тўпламлар	Тўпламлар номи
Даволаш ва профилактика обьектлари:	
2	Санаторийлар, дам олиш ва туризм муассасалари
4	Туғруқхоналари
5	Кўп ихтисосли касалхоналар
6	Амбулатория – поликлиника муассасалари
7	Болалар касалхоналари
8	Ихтисослаштирилган касалхоналар
9	Шошилинч ва кечикириб бўлмайдиган тиббий ёрдам станциялари
Маданий – маърифий обьектлар:	
21	Клублар, маданият уйлари, театрлар, цирклар
22	Кинотеатрлар
23	Кинематография обьектларининг ёрдамчи хизматлари. Фильм базалари.
Маиший хизмат кўрсатиш обьектлари:	
31	Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари
32	Хаммоллар
Савдо ва умумий овқатланиш обьектлари:	
41	Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари

	Ўқув юртлари объектлари:
51	Умумтаълим мактаблари ва мактабларнинг хузуридаги интернатлар
52	Касб-хунар колледжлари ва академик лицейлар
53	Болалар мактабгача муассасалари
55	Болалар уйлари ва мактаблар – етим болалар, отаоналарининг васийлигисиз қолган болалар учун интернатлар
56	Олий таълим ўқув юртлари
	Коммунал объектлар:
61	Биринчи, иккинчи ва юқори А ва Б даражали меҳмонхоналар
	Транспорт объектлари:
71	Фуқаро авиацияси объектлари
72	Йўловчиларга хизмат кўрсатадиган автомобил шох бекатлари ва автовокзаллар
	Маъмурий объектлар:
81	Маъмурий бинолар

1.7. Машина ва механизмлар эксплуатациясининг жорий нархлардаги қиймати

Пудратчи ташкилотларининг (таклиф этилган нарх) танлов савдосида қатнашиш учун, қурилиш баҳосини жорий нархда аниқлашда ва пудратчи ташкилотларни танлов савдоси ўтказмасдан қурилиш баҳосини жорий нархда аниқлашда қурилиш машина ва механизмларини эксплуатация қилишнинг бир машина соат қиймати Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура қурилиш Кўмитаси Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотлар ва нархни шакллантириш маркази томонидан ишлаб чиқилган “Қурилиш машина ва механизмларини эксплуатация қилишнинг жарий нархлар ҳисобини аниқлаш” Услубий кўрсатма, ҳамда ШНҚ 4.03.01-04 Қурилиш машина ва механизмларидан фойдаланиш смета ресурс нормалари тўплами асосида аниқланади.

Машина ва механизмлар эксплуатациясининг жорий нархлардаги қиймати қуйидаги формула билан аниқланади: соат/сўм

$$Смаш. = Ao + Ззп + Збич + Зэ + Зсм + Згж + Зтр + Зн$$

Бу ерда,

Aо-Амортизация ажратмалари

Ззп- машинани бошқарувчининг (машинист, ҳайдовчи) нинг иш ҳақи харажатлари (ижтимоий суғуртага тўловлар билан)

Збич-тез ишдан чиқадига қисмларни алмаштириш харажатлари

Зэ-энергия харажатлари

Зсм-мойлаш материалларига кетадиган харажатлар

Згжс- гидравлик ва совутувчи суюқлик харажатлари

Зтр-таъмирлаш ва техник хизмат кўтсатиш харажатлари

Зп –машинани бир қурилиш майдонидан бошқасига кўчириш харажатлари

1) Амортизация ажартмалари қуйидаги формула билан аниқланади:

$$Ao = \frac{Bc \times Ha_o}{T \times 100}$$

Бу ерда

Bc-машинанинг баланс қиймати

Ha_o - амортизация ажартмалари нормаси

T-машинадан бир йиллик фойдаланиш режими, маш.-соат/йил.

$$T=(365-(52*2+Пд+Пм))*Кр*Kс$$

Бу ерда

365 - бир йилдаги кунлар;

52 - бир йилдаги хафталар сони;

2- ҳафтадаги дам олиш кунлари;

Пд-байрам кунлари;

Пм-техник химзат кўртсатиш кунлари;

Кр-бир смена давомийлиги, соат;

Kс –сменалик коэффициенти.

2-амалий: Қурилиш монтаж ва таъмирлаш ишларига смета тузиш

Объектлар қурилишининг иккинчи ва кейинги йилларида шартномавий жорий нархларда қурилиш шартномавий қийматини аниқлаштириш

Танлов савдолари (тендер) натижасида жорий нархларда тузилган пудрат шартномалари (контракт) бўйича марказлаштирилган манбалар (давлат капитал қўйилмалари) ҳисобига қурилаётган қурилиш объектларининг иккинчи ва кейинги йиллар учун шартномавий жорий нархларини аниқлаштирилади.

Танлов савдолари (тендер) натижалари бўйича тузилган объектнинг қурилишини амалга ошириш пудрат шартномасига (контрактга), иш

ҳажмлари босқичлар ва бажариш муддатлари бўйича бўлинган ҳолда, ишларни амалга ошириш жадвали илова қилинади.

Ҳар йили ҳисобот йили тугаши билан буюртмачи томонидан пудратчи ташкилот билан биргалиқда прогноз қилинаётган йил ва кейинги йиллар учун бажарилаётган ишларнинг (хизматларнинг) контракт бўйича қолдиқ қиймати аниқланади.

Курилишнинг титул рўйхатини шакллантириш ва капитал қўйилмаларнинг объектлар бўйича лимитларини аниқлаш мазкур Низомга мувофиқ шартномаларда белгиланган обьект қурилишининг давом этиш муддатлари ва қийматига қатъий мувофиқ бўлиши зарур.

Иккинчи ва кейинги йиллар учун қурилишнинг титул рўйхатларига ўзгартиришлар пудрат шартномаси (контракт) асосида киритилади.

Нарх омиллари бўйича индексация қилиниши лозим бўлган иккинчи йил учун пудрат ишлари (хизматлар) қиймати буюртмачилар ва пудратчи ташкилотлар томонидан қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$O2 = (C - O1 - Пп - H1) \times K1$$

Бунда:

O2 - иккинчи йил учун пудрат ишлари қиймати;

C - танлов савдолари (тендер) натижасида аниқланган обьектнинг жорий нархлардаги қиймати;

O1 - ишларни бажариш жадвалига мувофиқ қурилишнинг биринчи йилидаги пудрат ишлари ҳажмининг жорий нархлардаги қиймати;

Пп - ишларни бажариш жадвалига мувофиқ кейинги йиллар учун ишлар қиймати;

H1 - буюртмачининг олдиндан берилган аванси;

K1 - пудрат шартномаси (контракт) тузилган вақтда белгиланган объект қийматига нисбатан ҳисоблаб чиқиладиган объект қурилишининг иккинчи или учун шартномавий нарх ўзгаришини ҳисобга олувчи коэффициент.

Нарх омиллари бўйича индексация қилиниши лозим бўлган учинчи йил учун пудрат ишлари (хизматлар) қиймати буюртмачилар ва пудратчи ташкилотлар томонидан қуидаги формула бўйича аниқланади:

$$O3 = (C - O1 - O2 - Pp - H2) \times K2$$

Бунда:

O3 - учинчи йил учун пудрат ишлари қиймати;

C - объектнинг танлов савдолари (тендер) натижалари бўйича аниқланган жорий нархлардаги қиймати;

O1 ва O2 - ишларни бажариш жадвалига мувофиқ қурилишнинг биринчи ва иккинчи йиллари учун пудрат ишлари ҳажмининг жорий нархлардаги қиймати;

Pp - ишларни бажариш жадвалига мувофиқ кейинги йиллар учун ишлар қиймати;

H2 - қурилишнинг иккинчи йилида буюртмачининг олдиндан берилган аванси;

K2 - пудрат шартномаси (контракт) тузилган вақтда белгиланган объектнинг қийматига нисбатан ҳисоблаб чиқиладиган объект қурилишининг учинчи или учун шартномавий нарх ўзгаришини ҳисобга олувчи коэффициент.

Қурилишнинг кейинги йиллари учун объект қурилиш қиймати ҳам шу тартибда аниқланади.

К коэффициентни - қурилишнинг иккинчи или (ва кейинги йиллари) учун шартномавий нарх ўзгаришини аниқлаш буюртмачи ва пудратчи билан биргаликда қуидаги асосий нарх шакллантирувчи компонентлар асосида аниқланади:

- а) меҳнат харажатлари (энг кам ойлик иш ҳақининг ўзгариши);
- б) электр энергияси ("Ўзбекэнерго" компанияси);

- в) ёнилғи-мойлаш материаллари ("Ўзбекнефтгаз" компанияси);
- г) металл ("Ўзметкомбинат" бирлашмаси);
- д) цемент (цемент заводлари);
- е) қум (завод-карьерлар);
- ж) йиғма темир-бетон буюмлари (тайёрловчи заводлар);
- з) ёғоч-такса материаллар (биржа нархлари);
- и) ғишт (тайёрловчи заводлар) ва бошқа компонентлар.

Бунда компонентлар ва асосий қурилиш материалларининг турлари ҳар бир муайян объект бўйича, пудрат шартномаси (контракт) тузилган пайтдаги объектни қуриш қийматининг камида 70 фоизини ташкил этадиган асосий нарх шакллантирувчи компонентларни ҳисобга олган ҳолда танланади.

Аниқланган пудрат ишлари (хизматлар) қиймати ушбу қурилиш обьекти бўйича танлов савдолари (тендер) ўтказган танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, "Давархитектқурилиш" қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси обьектлар марказлаштирилган манбалар (давлат капитал қўйилмалари) ҳисобига қурилганда иккинчи йилга (ва кейинги йилларга) қурилишнинг шартномавий жорий нархи аниқлаштирилиши устидан доимий мониторингни амалга оширадилар. (ЎзР ВМ 12.08.2005 й. 196-сон Қарори тахриридаги банд)

Объект қурилишининг кейинги йиллари учун шартномавий нархлар тўғри аниқланиши учун жавобгарлик қонун хужжатларига мувофиқ пудрат шартномаси (контракт) тузган буюртмачи билан пудратчи ташкилотлар зиммасига юкланади.

Ўзаро ҳисоб-китоб қилишда нархни шакллантирувчи асосий омиллар ва бошқа ҳисоблаб чиқиладиган кўрсаткичлар асосиз қўлланилиши натижасида иккинчи йилга ва кейинги йилларга объектлар қурилиши қиймати ошириб юборилиши ҳоллари аниқланган тақдирда ошириб юборилган сумма қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда республика бюджетида тикланади.

2.2. Объектлар ва ресурс смета ҳужжатларининг турлари

Ресурс смета ҳужжатлари объект нархини, муайян кетма-кетликда, иш турлари (харажатлари) – ишларнинг босқичи – объект – топшириладиган комплекс – қурилиш навбати – умуман қурилишдан иборат бўлган қурилишнинг кичик элементларидан йирикроқ элементларига босқичмабосқич ўтган ҳолда аниқлаш имкониятини беради.

Ресурс смета ҳужжатларини тузишга мувофиқ алоҳида қурилаётган бино (ишлаб чиқариш корпуси ёки цех, омбор, вокзал, сабзавот сақланадидан омбор, тураг жой биноси, клуб ва шу кабилар) ёки иншоот (кўприк, тоннель, платформа, тўғон ва шу кабилар) ва унга тегишли барча қурилмалар (галарея, эстакада ва шу кабилар), ускуналар, мебель, инвентарь, ёрдамчи ва қўшимча қурилмалар, шунингдек, зарурат бўлган ҳолатларда ёндош муҳандислик тармоқлари ва умуммайдон ишлари (вертикал режалаштириш, ободонлаштириш, кўкаламлаштириш ва шу кабилар) қурилиши объекти деб қабул қилинади.

Умумий технологик ёки бошқа вазифаларни бажариш учун мўлжалланган бино ва иншоотлар мажмуаси (цехларнинг блоки, қозонхона ва ёқилғи омбори, бир нечта резервуар, сув олувчи, тозаловчи ва бошқа иншоотлар гурухи) ҳам қурилиш объекти бўлиши мумкин.

Корхоналар, ишлаб чиқариш ёки тураг жой-фуқаролик комплекслари қурилишида ташқи тармоқлар ва уларга хизмат кўрсатувчи ҳамда ёрдамчи иншоотлар (сув таъминоти, канализация, иссиқлаштириш, газлаштириш, электр энергия таъминоти ва бошқалар), шахобча йўллари, завод ёки мавзе

и чидаги йўллар, бошқа умуммайдон ишлари алоҳида қурилиш объектлари ҳисобланади.

ЛОКАЛЬНАЯ РЕСУРСНАЯ ВЕДОМОСТЬ №

Н.п.	Шифр кечира кораллами к номе ресурсов	Наименование работы затрат	Единица измерения	Количество	
				нр. из измерения	по проектным данным
1	2	3	4	5	6
1	E1504-005-03	ОКРАСКА ПОЛИВИНИЛАЦЕТАТНЫМИ ВОДОЭМУЛЬСИОННЫМИ СОСТАВАМИ УЛУЧШЕННАЯ ПО ШТУКАТУРКЕ СТЕН	100М2	1,50	
1.1	1	ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ	ЧЕЛ.-Ч	42,9	64,35
1.2	3	ЗАТРАТЫ ТРУДА МАШИНСТВОВ	ЧЕЛ.-Ч	0,17	0,255
1.3	1522	ПОДЪЕМНИКИ МАЧТОВЫЕ СТРОИТЕЛЬНЫЕ 0,5 т	МАШ.-Ч	0,02	0,03
1.4	2499	АВТОМОБИЛИ БОРТОВЫЕ ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬЮ ДО 5 т	МАШ.-Ч	0,15	0,225
1.5	31054	КРАСКИ ВОДОЭМУЛЬСИОННЫЕ		0,06	0,0945
1.6	31710	ШПАТЛЕВКА КЛЕЕВАЯ	Т	0,051	0,0765
1.7	35538	ШКУРКА ШЛИФОВАЛЬНАЯ ДВУХСЛОЙНАЯ С ЗЕРНИСТОСТЬЮ 40/25	М2	0,84	1,26
1.8	44059	ВЕТОШЬ	КГ	0,31	0,465
ИТОГО ПО ЛОКАЛЬНОЙ РЕСУРСНОЙ ВЕДОМОСТИ:					
ТРУДОВЫЕ РЕСУРСЫ					
1	1	ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ	ЧЕЛ.-Ч	42,9	64,35
2	3	ЗАТРАТЫ ТРУДА МАШИНСТВОВ	ЧЕЛ.-Ч		0,255
СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАШИНЫ И МЕХАНИЗМЫ					
3	1522	ПОДЪЕМНИКИ МАЧТОВЫЕ СТРОИТЕЛЬНЫЕ 0,5 т	МАШ.-Ч		0,03
4	2499	АВТОМОБИЛИ БОРТОВЫЕ ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬЮ ДО 5 т	МАШ.-Ч		0,225
МАТЕРИАЛЬНЫЕ РЕСУРСЫ					
5	31054	КРАСКИ ВОДОЭМУЛЬСИОННЫЕ	Т		0,0945
6	31710	ШПАТЛЕВКА КЛЕЕВАЯ	Т		0,0765
7	35538	ШКУРКА ШЛИФОВАЛЬНАЯ ДВУХСЛОЙНАЯ С ЗЕРНИСТОСТЬЮ 40/25	М2		1,26
8	44059	ВЕТОШЬ	КГ		0,465

Қурилишнинг ихтисослашган турларининг ўзига хос хусусиятлари ҳам у ёки бино ва иншоотларни алоҳида объектлар қаторига киритишда ҳисобга олинади. Бундай объектлар сирасига қуидагилар киради:

нефть ва газ саноатида – нефть ёки газ қувурлари (эксплуатация қилинаётган ва қидиув қувурлари) ва уларга тегишли барча ускуналар, ёрдамчи иншоотлар ва ишлар;

кўмир ва тоғ-кон руда саноатида – кавлаб бориш ва кавланаётган конлар ва шахталарнинг бошқа ер ости иншоотларини ускуналар билан жихозлаш ишлари;

мелиорация ва сув хўжалигида – барча иншоотлари билан бирга канал ёки канал қисми, барча иншоотлари ва иш турлари билан бирга мелиорация қилинидагиган ер майдонлари;

темир йўл қурилишида – перегон (иккита қўши станция орасидаги масофа) ёки алоҳида пункт чегарасида, алоқа тармоқлари, СМБ (сигнализация, марказлаштириш, блокировка – поездлар ҳаракатини автоматик равишда бошқариши тизими), электр энергия таъминоти ёки контакт тармоғининг муайян қисмидаги темир йўл кўтармаси ёки йўлнинг юқори қисмидаги кўтарма;

автомобиль йўли қурилишида – ер полотноси (кўтармаси), йўл тўшамаси, сув қувурлари ва автомобиль йўли маълум қисми чегарасидаги бошқа иншоотлар. Чизиқли қурилишда (темир ва автомобиль йўллари, электр токи ва алоқа узатиш линиялари, магистраль қувурлар ва ҳк.) участкаларнинг бири чегарасидаги бинолар гуруҳи (масалан: тиркалган деворлар, ер кўчиши ва силжишига қарши мўлжалланган иншоотлар, перегон чегарасида - сув ўтказувчи қувурлар, алоҳида пункт чегарасида - стрелка постлари, техник кўриқдан ўтказиш пунктлари; маълум участкада – кучайтириш пунктлари гуруҳи, алоқа қурилмалари ва СМБ).

ЛОКАЛЬНАЯ РЕСУРСНАЯ ВЕДОМОСТЬ № (ВЕДОМОСТЬ РАСХОДА МАТЕРИАЛОВ)

№/п	Наименование материалов и конструкций	Единица измерения	Количество	Стоимость в текущих ценах	
				единицы	На весь объем
1	2	3	4	5	6
Ресурсы по позициям ПННК					
ЗАТРАТЫ ТРУДА					
1	ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ	ЧЕЛ-Ч	64,350		
2	ЗАТРАТЫ ТРУДА МАШИНИСТОВ	ЧЕЛ-Ч	0,2550		
ИТОГО ПО ТРУДОВЫМ РЕСУРСАМ (БЕЗ МАШИНИСТОВ)		ЧЕЛ-Ч	64,605		
СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАШИНЫ И МЕХАНИЗМЫ					
1	ПОДЪЕМНИКИ МАШТОВЫЕ СТРОИТЕЛЬНЫЕ 0,5 т	МАШ-Ч	0,030	6412,00	192,36
2	АВТОМОБИЛИ БОРТОВЫЕ ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬЮ 5 т	МАШ-Ч	0,225	25880,00	5823,00
ИТОГО ПО СТРОИТЕЛЬНЫМ МАШИНАМ		SUM		6 015	
СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАТЕРИАЛЫ, ИЗДЕЛИЯ И ДЕТАЛИ					
1	КРАСКИ ВОДОЭМУЛЬСИОННЫЕ	т	0,0945	6 250 300,00	590 653
2	ШЛАПЛЕВКА КЛЕЕВАЯ	т	0,0765	856 200,00	65 499
3	ЩУРКА ШЛИФОВАЛЬНАЯ ДВУХСЛОЙНАЯ ЗЕРНИСТОСТЬЮ 40/25	м2	1,260	12 450,00	15 687
4	ВЕТОЦЬ	кг	0,4650	4 870,00	2 265
ИТОГО ПО МАТЕРИАЛЬНЫМ РЕСУРСАМ		SUM		674 104	

Агар лойиҳага асосан қурилиш майдончасида ёрдамчи ва қўшимча объектларсиз фақат битта асосий объект қурилаётган бўлса (масалан: саноатда – асосий цех биноси; транспортда – темир йўл вокзалининг

биноси; турар жой қурилишида – турар жой, театр, мактаб биноси ва шу кабилар), у ҳолда объект тушунчаси қурилиш тушунчаси билан мувофиқ бўлиши мумкин.

Қурилиш баҳоси, капитал маблағлар киритиш тузилмасига мувофиқ, қўйидаги ишлар ва харажатлар бўйича тоифаларга бўлинади:

- умумқурилиш ва маҳсус қурилиш ишлари;
- ускуналарни монтаж қилиш бўйича ишлар (монтаж ишлари);
- ускуна, мебель ва инвентарга қилинадиган харажатлар;
- ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган бошқа харажатлар (вақтинчалик бино ва иншоотлар, қишки мавсумдаги нархларнинг ошиши, вахта методи ва шу кабилар);
- буюртмачи ва пудратчининг бошқа харажатлари.

Қурилиш баҳосини белгилашда *умумқурилиш ва маҳсус ишлар* сирасига қўйидагилар киради:

бино ва иншоотларни қуриш бўйича: ер ишлари, йиғма ва монолит темирбетон ва бетон, ғишт, блок, металл, ёғоч ва бошқа қурилиш конструкциялари, пол, том, пардозлаш ишлари;

кон юзасини очиш, бурғулаш-портлатиш, устун қозик қоқиши, тупроқни мустаҳкамлаш, пастга туширилувчи қудуқларни жойлаштириш, қудуқларни бурғулаш, қурилиш конструкциялари ва ускуналарини коррозиядан сақлаш, иссиқлик изоляцияси (шу жумладан, қозонлар, саноат печлари ва бошқа агрегатларни ўта чидамли қоплама билан ўраш), тоғ-кон кавлаш, сув ости-қурилиш (ғаввослик) ишлари;

турар-жой ва жамоат биноларини ёритиш бўйича ишлар;

ички сув қувурлари, канализация, иситиш қувурлари, газ таъминоти, вентиляция ва ҳавони совитиш тизимини ўтказиш бўйича ишлар (иситиш қозонлари, радиаторлар, калорифер, бойлер, насос ва бошқа санитария-техник жиҳозлар ва мосламалар нархини қўшиб ҳисоблаганда);

ихтисослашган қурилишда бажариладиган ишлар, шу жумладан: автомобиль ва темир йўллари; кўприклар ва қувурлар; тоннеллар ва метрополитенлар; трамвай йўллари; аэродромлар; электр токи узатиш тармоқлари; алоқа, радио ва телевидение иншоотлари, гидротехник иншоотлари конструкциялари, стапель ва слипларнинг кема ўтказувчи йўллари; саноат печлари ва қувурлари; нефть ва газ қудуқларини бурғулаш (шу жумладан, денгиз шароитида); эрозия, сел, кўчки, силжиш ва бошқа табиий оғатларга қарши иншоотлар; қирғоқни мустаҳкамлаш ишлари; мелиорация ишлари (сугориш, қуритиш, сув келтириш);

сув таъминоти, канализация, иссиқлик ва электр энергия таъминотининг ташқи тармоқлари ва иншоотларини; газ-нефть маҳсулотлари учун магистраль қувурларни, оқова сувларни тозалаш ва атмосфера ифлосланишидан сақлашга мўлжалланган иншоотларни қуриш бўйича ишлар;

кўкаламлаштириш, ихота ва кўп йиллик мевали дарахтларни ўтказиш ишлари;

қурилиш ҳудудини тайёрлаш бўйича ишлар: дарахт ва буталарни кесиш, тўнкаларни қўпориш, майдонни режалаштириш, тупроқни ювиш ва рельефни тузиш бўйича бошқа ишлар, қурилмаларни бузиш ва кўчириш ва шу кабилар;

заминлар, пойдеворлар ва таянч конструкцияларни ускуналар билан жиҳозлашга тайёрлаш бўйича ишлар; бино ва иншоотлар қурилиши билан боғлиқ бўлган геологик ва гидрогеологик (шурфлаш, сувни тортиб олиш ва бошқа), тубни чукурлаштириш, тоғ-капитал ва юзасини очиш бўйича ишлар;

ресурс смета нормалари тўпламларида кўзда тутилган бошқа қурилиш конструкциялари ва ишлари, шу жумладан корхона, бино ва иншоотлар

реконструкцияси ва уларни қайта техник жиҳозлашда бажарилувчи қурилиш конструкцияларини қисмларга ажратиш бўйича ишлар.

Қурилиш нархини белгилашда монтаж ишлари сирасига қўйидагилар киради:

ускуналарнинг барча турларини, шу жумладан компрессор машиналари, насослар, вентиляторлар, электртехник қурилмалар, электр печлар, автоматлаштириш асбоблари ва воситалари ҳамда ҳисоблаш техникасини доимий эксплуатация қилинувчи жойда лойиҳавий ҳолатда йиғишиш ва ўрнатиш (шу жумладан текшириш ва якка тартибда синовдан ўтказиш);

электр таъминот линиялари ва тармоқларини электр қурилмаларига ўтказиш, электр тармоқларига улаш ва электр машиналарини созлашга топширишга тайёрлаш;

технологик қувурларни ётқизиш ҳамда сув, ҳаво, буғ, совитувчи ва бошқа суюқликларни ускуналар монтажи бўйича ресурс смета нормалари тўпламларида кўзда тутилган ҳажмларда ускуналарга ўтказилишини бажариш;

ускуналар монтажи бўйича ресурс смета нормалари тўпламларида кўзда тутилган бошқва ишлар, шу жумладан фаолият кўрсатаётган корхоналар, бино ва иншоотларнинг реконструкцияси ва қайта техник жиҳозланишида бажариладиган ускуналар, мосламалар, машиналар ва қурилмаларнинг демонтажи.

**4. Объект сметаси хисоби (объект сметаси тузилиши:
тартибий тузилиши ва қўлланиш соҳаси**

ОБЪЕКТНАЯ РЕСУРСНАЯ ВЕДОМОСТЬ

№№ ПП	ХАРАЖАТЛАР ТУРЛари	БАХОСИ
		(минг.сўм)
1	УСКУНАЛАР, МЕБЕЛЛАР ВА ИНВЕНТАРЛАР ХАРАЖАТЛАРИ	0,000
2	ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, БУЮМЛАРИ ВА КОНСТРУКЦИЯЛАРИ ХАРАЖАТЛАРИ	721,291
3	ЯГОНА ИЖТИМОИЙ СУГУРТА БИЛАН ХИСОБЛАНГАН АСОСИЙ ИШ ҲАҚИ ХАРАЖАТЛАРИ	649,870
4	ҚУРИЛИШ МАШИНА ВА МЕХАНИЗМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ХАРАЖАТЛАРИ	6,015
5	ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ОИД БОШҚА ХАРАЖАТЛАР	0
6	ЖАМИИ ТЎҒРИ ХАРАЖАТЛАР	1 377,176
7	ПУДРАТЧИННИГ БОШҚА ХАРАЖАТЛАРИ, 17,27%	237,838
8	БҮОРТМАЧИННИГ БОШҚА ХАРАЖАТЛАРИ	0,000
9	ҚУРИЛИШ ОБЪЕКТИНИ СУГУРТАЛАШ ХАРАЖАТЛАРИ	0,000
10	НАВБАТДАГИ ЙИЛДА ҚУРИЛИШ НАРХИННИГ ОШИШИНИНГ ИНДЕКСИ ПРОГНОЗИ ҚАРАБАНИКЛАНАДИГАН ТАВАККАЛЧИЛИК КОЭФФИЦИЕНТИ	1,00
11	ЖАМИИ ҚУРИЛИШ ҚИЙМАТИ ЖОРИЙ БАХОДА	1 615,014
12	ҚКС 20%	323,003
13	ЖАМИИ ҚУРИЛИШ ҚИЙМАТИ ЖОРИЙ БАХОДА ККС 20% БИЛАН	1 938,017

Курилиш нархини белгилашда ҳисобга олинувчи *асбоб-ускуна, мебель ва инвентарнинг нархи* қуйидагилар:

1) Харид қилиш (тайёрлаш) ва объект омборига келтириш нархи:

монтаж қилинувчи ва монтаж қилинмайдиган ускуналарнинг барча турлари (технологик, энергетик, кўтариш-транспорт, насос-компрессор ва бошқа), шу жумладан ностандарт (лойиҳалаштириш нархини қўшиб ҳисоблаганд), ташкилий техника, лабораториялар, турли устахоналар, тиббий хоналарнинг ускуналари;

ишлаб чиқариш билан технологик равишда боғлиқ бўлган транспорт воситалари, шу жумладан лойиҳада қўзда тутилган йўлларда юкларни ташишга мўлжалланган ва қурилишни амалга ошираётган ташкилот балансига киритилувчи ҳаракатланувчи темир йўл состави ҳамда оммавий бўлмаган юкларни ташишга ихтисослашган бошқа транспорт турларининг маҳсус ҳаракатланувчи состави;

территориялар, цехлар ва бошқа объектларни тозаловчи машиналар, ёнгин ўчириш воситаларининг ускуналари;

назорат-ўлчов асбоблари, автоматлаштириш ва алоқа воситалари;

ишга тушириладиган ишлаб чиқаришларнинг дастлабки фондларига киритилувчи асбоб, инвентарь, штамплар, мосламалар, жиҳозлар, эҳтиёт қисмлар, ярим тайёр ёки тайёр маҳсулотни ташиш учун мўлжалланган контейнерлар

ётоқхоналар, коммунал хўжалик, маърифий, маданий, соғлиқни сақлаш, савдо обьектларини дастлабки жиҳозланиши учун зарур бўлган ускуналар, асбоблар, инвентарь, мебель ва бошқа ички асбоб-анжомлар.

- 2) бир марталик буюртмалар учун тайёрланиш цикли узоқ бўлган машиналар ва мураккаб технологик ускуналар конструкциясини ишлаш чиқишининг нархи;
- 3) ресурс смета нормаларида ускуналар билан монтаж қилиниши ҳисобга олинган материал, маҳсулот ва конструкцияларнинг нархи;
- 4) шефмонтаж ускуналарнинг нархи.

Пудратчи ташкилотларининг бошқа харажатлари ва буюртмачиларнинг бошқа харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган “Қурилиш обьектларини шартномавий нархини ҳисоблашда буюртмачи ва пудратчининг “бошқа харажатларини” аниқлаш бўйича услубий тавсиялар”га мувофиқ аниқланади.

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатларни аниқлаш тартиби ШНҚ 4.01.16 -09нинг 4.12, 5.11, 6.7 бандларида берилган.

Лойиҳалаштирилаётган корхоналар, бинолар, иншоотлар ёки уларнинг навбатлари қурилишининг нархини аниқлаш учун локал ресурслар рўйхатларидан, обьект ресурс рўйхатларидан, ишлар ҳажми рўйхатидан ташкил топган йиғма рўйхат тузилади.

Локал ресурслар рўйхатлари бирламчи ҳужжатлар бўлиб, ишчи лойиҳа, ишчи ҳужжатлар (ишчи чизмалар) ишлаб чиқиш жараёнида аниқланган ҳажмларга асосланган бино ва иншоотлар бўйича алоҳида ишлар ва харажатлар ёки умуммайдон ишлари учун алоҳида тузиладилар.

Объект ресурсларининг рўйхатлари ўз таркибида обьект учун локал ресурслар рўйхатларидағи қўрсаткичларни бирлаштирадилар ва смета ҳужжатлари бўлиб ҳисобланадилар, уларга асосланган ҳолда обьектлар қурилишининг

шартномавий жорий нархлардаги баҳоси бўйича буюртмачи ва пудратчи ўртасида ҳисоб-китоблар амалга оширилади.

Корхона, бино, иншоотлар (ёки уларнинг навбатлари) қурилишининг йигма ресурс рўйхатлари янги қурилаётган, кенгайтирилган, реконструкция қилинаётган, қайта техник жиҳозланаётган корхоналар, бинолар ва иншоотлар учун объект ресурс рўйхатлари асосида тузиладилар.

Корхона, бино ёки иншоот қурилишида атроф мухит муҳофазаси бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши қўзда тутилган бўлса, у ҳолда ресурслар ва атроф мухит муҳофазаси бўйича рўйхат тузилади.

Қурилиш конструкциялари ва ишлари ёки ускуналар монтажи учун умумқурилиш ресурс сметалари бўлмаган ҳолатларда лойиҳа (ишчи лойиҳа) таркибида конструктив элементлар ва қурилиш ишларининг турлари ҳамда ускуна монтажи учун якка тартибда ресурс нормалари ишлаб чиқилади ва ШНҚ 4.01.01-04 “Қурилиш нархларини шакллантириш учун ресурс норматив хужжатлар тизими”да белгиланган тартибга мувофиқ лойиҳа таркибида тасдиқланади.

Қурилиш ва монтаж ишларининг айрим турлари учун локал ресурс рўйхатлари, шунингдек ускуналар сонининг ҳисоби қўйидаги маълумотлар асосида тузилади:

бино, иншоотлар ва уларнинг қисмлари ҳамда конструктив элементларининг ишчи чизмалар бўйича қабул қилинган параметрлари;

ишчи чизмалар бўйича белгиланадиган қурилиш ва монтаж ишлари ҳажмининг рўйхати бўйича қабул қилинган ишлар ҳажми;

буюртма спецификациялар, рўйхатлар ва ишчи чизмалар бўйича қабул қилинган ускуна, мебель ва инвентарь номенклатураси ва сони;

ишларнинг тури, конструктив элементлар, шунингдек ускуна, мебель ва инвентарлар учун амалдаги ресурс смета нормативлар.

Қабул қилинган техник ечимлар бўйича локал ресурс рўйхатлари тузилаётганида амалдаги смета нормативлари ёки ресурсларга бўлган эҳтиёжларни белгилаш усулларининг танлови қўйидаги шартлардан келиб чиқсан ҳолда бажарилади:

агар ишчи чизмалар бўйича рўйхатлар тузиш учун мўлжалланган йириклиширилган ресурс смета нормалари (ЙРСН) мавжуд бўлса, у ҳолда ана шу йириклиширилган ресурс смета нормалари қабул қилинади;

агар йириклиширилган ресурс смета нормалари бўлмаса, лекин намунавий ва қурилишнинг маҳаллий шароитларига мос ва иқтисод нуқтаи назарида самарали ҳисобланган қайта қўлланиувчи якка тартибдаги лойиҳаларнинг ресурс сметалари бўлса, у ҳолда айнан шу ресурс смета нормативлари қабул қилинади;

агар йириклиширилган ресурс смета нормалари, шунингдек намунавий ва қурилишнинг маҳаллий шароитларига мос ва иқтисод нуқтаи назарида самарали ҳисобланган қайта қўлланиувчи якка тартибдаги лойиҳаларнинг ресурс сметалари бўлмаса, у ҳолда қурилиш конструкциялари ёки қурилиш ва монаж ишларининг айрим турлари учун мувофиқ тўпламлардаги ресурс смета нормалари қабул қилинади.

(наименование стройки)
СВОДНАЯ РЕСУРСНАЯ ВЕДОМОСТЬ СТРОИТЕЛЬСТВА

№ п.п	Наименование затрат	ПО ОБЪЕКТУ		жилой дом 1	жилой дом 2	ВНУТРИПЛОЩАДОЧНЫЕ СЕТИ	БЛАГОУСТРОЙСТВА И ОЗЕЛЕНЕНИЕ
		тыс сум	тыс сум				
1	ЗАТРАТЫ НА ОБОРУДОВАНИЕ, МЕБЕЛЬ И ИНВЕНТАРЬ С УЧЕТОМ ТРАНСПОРТНЫХ И ЗАГОТОВИТЕЛЬНО-СКЛАДСКИХ РАСХОДОВ	183 103,368		92 551,684	92 551,684	-	-
2	ЗАТРАТЫ НА СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАТЕРИАЛЫ, ИЗДЕЛИЯ И КОНСТРУКЦИИ С УЧЕТОМ ТРАНСПОРТНЫХ И ЗАГОТОВИТЕЛЬНО-СКЛАДСКИХ РАСХОДОВ	12 064 072,287		5 876 357,234	5 876 357,234	65 887,709	245 470,030
3	ЗАТРАТЫ НА ОСНОВНУЮ ЗАРАБОТНУЮ ПЛАТУ С УЧЕТОМ НАЧИСЛЕНИЙ НА СОЦИАЛЬНОЕ СТРАХОВАНИЕ	2 306 969,123		1 125 916,988	1 125 916,988	29 186,444	25 948,702
4	ЗАТРАТЫ НА ЭКСПЛУАТАЦИЮ МАШИН И МЕХАНИЗМОВ (С УЧЕТОМ ЗАРПЛАТЫ МАШИНИСТОВ)	383 937,599		158 178,006	158 178,006	6 284,954	61 296,613
5	ПРОЧИЕ ЗАТРАТЫ ПРОИЗВОДСТВЕННОГО ХАРАКТЕРА	317 232,047		153 949,723	153 949,723	2 179,221	7 153,380
6	ПРОЧИЕ ЗАТРАТЫ И РАСХОДЫ ПОДРЯДЧИКА	2 402 970,835		1 263 197,219	1 263 197,219	17 881,069	58 493,529
7	ЗАТРАТЫ НА СТРАХОВАНИЕ СТРОИТЕЛЬСТВА ОБЪЕКТОВ	56 560,582		27 448,317	27 448,317	388,542	1 275,405
8	ИТОГО СТОИМОСТЬ СТРОИТЕЛЬСТВА В ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ	17 916 843,761		8 697 599,181	8 697 599,181	121 887,939	399 839,459
9	НДС 20%	3 583 369,152		1 739 519,836	1 739 519,836	24 361,588	79 967,892
10	ИТОГО СТОИМОСТЬ СТРОИТЕЛЬСТВА В ДОГОВОРНЫХ ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ С НДС	21 500 214,913		10 437 119,018	10 437 119,018	146 189,527	479 807,351

Курилиш ишларининг айрим турлари, ихтисослашган пудратчи қурилиш ва монтаж ташкилотларининг лойиҳа хужжатларининг тузилмасидаги ўзига хос

хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда локал ресурс рўйхатлар қўйидагилар учун тузилади:

1) бино ва ишоотлар бўйича:

курилиш ишлари, маҳсус қурилиш ишлари, ички санитария-техника ишлари, ички электр ёритиш, электр кучланиш ускуналари, технологик ва бошқа турдаги ускуналар, назорат-ўлчов асбоблари (НЎА), кам токли қурилмалар (алоқа, сигнализация ва х.к.), мосламлар, мебель, инвентарь сотиб олиш ва бошқа ишлар;

2) умуммайдон ишлари бўйича:

вертикал режалаштириш, муҳандислик тармоқларини ўрнатиш ва йўлларни ташкил этиш, территорияни ободонлаштириш, кичик меъморий шаклларни жойлаштириш ва бошқалар.

Локал ресурс рўйхатларда маълумотлар бино (иншоот)нинг алоҳида конструктив элементлари, ишларнинг турлари ва тузилмалар бўйича гурухларга ажратилади. Гурухларга ажратиши тартиби ишларнинг технологик кетма-кетлигига мувофиқ бўлиши ва қурилишнинг айrim турларининг специфик хусусиятларини ҳисобга олиши керак. Ушбу тартиб идоравий норматив хужжатлар билан белгиланиши лозим. Бунда бино ва иншоотлар бўйича бажариладиган ишлар ер ости (“ноль цикли” ишлари) ва ер усти қисмларга бўлиниши мумкин.

Гурухларга ажратишининг юқорида баён этилган принципига қўра:

курилиш ишлари учун локал ресурс рўйхати қўйидаги бўлимлардан иборат бўлиши мумкин: ер ишлари; пойдеворлар ва деворнинг ер ости қисмлари; деворлар; каркаслар; ораётмалар; пардеворлар; поллар ва заминлар; том қопламлари ва ёпмалари; очиқ ўринларни тўлдириш; зинапоялар ва майдончалар, пардозлаш ишлари; турли ишлар (пешайвон, ташқи девор атрофи тўшамаси ва бошқалар) ва х.к.;

маҳсус қурилиш ишлари учун локал ресурс рўйхатида қўйидаги бўлимлар бўлиши мумкин: ускуналар учун пойдеворлар; маҳсус заминлар; канал ва чукурчалар; обмурковка (ҳимоя қатлами), футеровка ва изоляция; кимёвий ҳимоя қатламлари ва х.к.;

ички санитария-техника ишларининг локал ресурс рўйхати қўйидаги бўлимлардан иборат бўлиши мумкин: сув қувурлари, канализация, иситиш тизими;

вентиляция ва ҳавони совитиш ва ҳқ.

ускуналарни ўрнатиш учун локал ресурс рўйхатида қуидаги бўлимлар бўлиши мумкин: технологик ускуналарни сотиб олиш ва монтаж қилиш; технологик қувурлар; металл конструкциялар (ускуналарни ўрнатиш билан боғлик) ва ҳқ.

Локал ресурс рўйхатлари Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш қўмитаси томонидан белгиланган, Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш қўмитасининг 12.12.2003 й. 74-сонли бўйруги билан тасдикланган “Қурилиш ва монтаж ишлари учун ресурс ҳисоблари (сметалари)ни тузиш бўйича услубий тавсияномалар”ида кўрсатилган шакллар бўйича тузилади.

Лойиҳада белгиланган маълумотларга кўра қайта фойдаланиш учун яроқли конструкция, материаллар ва маҳсулотлар ёки йўл-йўлакай қурилиш учун зарур бўлган айрим материаллар (тош, шагал ва бошқалар) олининиши учун конструкцияларни (металл, темирбетон ва бошқа) қисмларга ажратиш, бино ва иншоотларни бузиш бажарилаётган бўлса, бино ва иншоотларни қисмларга ажратиш, бузиш (кўчириш) ва бошқа ишлар бўйича локал смета якунларига асосланган ҳолда, капитал маблағлар киритилишини камайтирувчи қайтарма ресурслар маълумотнома асосида келтирилади.

Қайтарма ресурслар алоҳида сатрда “Шу жумладан қайтарма ресурслар” деб кўрсатилади ва келгусида фойдаланиш учун олинадиган конструкция, материал ва маҳсулотлар номенклатура ва сони бўйича якуний смета асосида белгиланади. Бу каби конструкция, материал ва маҳсулотларнинг нархи бозор нархлари ва эскириши, шунингдек уларни яроқли ҳолатга келтириш ва омборга олиб келишга сарфланган харажатлар ҳисобга олинган ҳолда, буюртмачи томонидан, комиссия асосида, белгиланади. Кўрсатилган қайтарма ресурслар нархига пудратчининг бошқа харажатлари қўшилади.

Йўл-йўлақай олинган материалларнинг нархи, агар уларни амалга оширилаётган қурилишда ишлатишнинг имкони бўлмай туриб, лекин келгусида

сотиш имконияти бўлса, тайёрлашнинг франко-жойи (маҳаллий материаллар ва қазилмалар учун франкокаръер; ўрмон кесилишида олинадиган ёғоч учун франко-дараҳт кесилаётган участка ва ҳқ.) нархлари бўйича белгиланади.

Агар (керакли ҳужжатлар билан тасдиқланган) бузищдан ҳосил бўлган ёки йўл-йўлакай қазиб олинган материаллардан фойдаланиш ёки сотиш имкони бўлмаса, уларни баҳоси қурилиш баҳосида ҳисобга олинмайди.

Асосий фондларда рўйхатга олинган ва демонтаж қилиниб, кенгайтирилаётган, реконструкция қилинаётган ёки қайта техник жиҳозланаётган корхона чегарасида қурилаётган бинога қўчирилиши мўлжалланаётган ускуналардан фойдаланишда локал ресурс рўйхатларида фақат ушбу ускунанинг демонтажи ва қайта монтажи бўйича ресурслари кўрсатилади, ресурс рўйхати якунлари учун эса, тасдиқловчи инстанция ҳамда лойиҳа (ишчи лойиҳа)нинг техник-иктисодий кўрсаткичларини белгилаш учун ушбу ускунанинг рўйхати ва балансда қайд этилган нархи, қайта техник жиҳозланиш учун белгиланган нарх бундан истисно, маълумотнома асосида кўрсатилади.

3-амалий: Қурилиш баҳосини шартномавий жорий нархда аниқлаш қоидалари

Режа

3.1 Қурилиш ишлари ҳажмини аниқлаш

3.2 Бино қурилиш ҳажмини аниқлаш.

Қурилиш ҳажмини аниқлашда бинолар чордоқли ва чордоқсиз том ёпма турларига ажратилади. Улар учун қурилиш ҳажмини ҳисоблаш қоидаси турлича ҳисобланади.

Чордоқ қопламали (V_1) бинолар учун қурилиш ҳажми қўйидаги формула орқали аниқланади:

$$V_1 = S_1 * H,$$

Бу ерда:

S_1 - цоколдан юқори биринчи қават баландлигига ташқи томон бўйича бинонинг горизонтал қирқими юзаси (фасаддаги олд томон сувок ёки пардозлаш облицовка қаватининг қалинлигини инобатга олган ҳолда)

Н - қирқим бўйича биринчи қаватнинг тоза поли **отметкаси**дан чордоқ қопламаси тўлдирилган юзасигача бўлган баландлик.

Чордоқ қопламасиз (V_2) бинолар учун қурилиш ҳажми қўйидаги формула орқали аниқланади:

$$V_2 = S_2 * l,$$

S_2 - бинонинг ташқи девор ўрами бўйича вертикал қирқим юзаси (томнинг тела кўриниши ва биринчи қават тоза поли юзаси, штукатурка ёки облицовка қопламасини инобатга олган ҳолда, лекин бўртиб чиқган архитектура деталларини ҳисобга олмаган ҳолда);

l - цоколдан юқори биринчи қават баландлигида ташқи девор чегаралари бўйича бинонинг узунлиги.

Юқоридаги формулалар орқали бино қурилиш хажмини аниқлашда иккала ҳолда ҳам қўйидаги муҳим жиҳатларига риоя қилиш керак:

- Бино хажмидан йўлаклар хажми айириб ташланади, лекин ложа ва нишнинг хажми эмас.
- Бино хажмига эркер, веранд, тамбур ва бошқа фойдали хажмини оширувчи қисмлар шунингдек, томнинг ташқи кўринишага тушиб турувчи чироқли фонарларқўшилади. Лекин пеш айвон ва балкон хажми қўшилмайди.

Агарда бинонинг қават майдонлари турлича бўлса (мисол учун турар жой биносида марказий қисми ўн қаватли, том қисми етти қаватли) бундай ҳолларда бинонинг ҳар бир қисми учун хажм алоҳида ҳисобланиб сўнгра қўшилади.

Техник мақсадалр учун мўлжалланган чордоқ хонаси бино хажмига қўшилмайди. Агарда лойиҳа бўйича чордоқ габаритида мансард кўзда тутилган бўлса у ҳолда хажмга қўшилади. Бундай хона учун қурилиш хажми худди чордоқ қопламали бинолар учун ҳисобланганидек аниқланади; бунда горизонтал қирқим юзаси мансард баландлигида ташқи девор бўйича (қоплама қалинлигини инобатга олган ҳолда), баландлиги эса мансард хонанинг тоза полидан чордоқ қопламаси юқорисигача олинади (потолокнинг нотекис оғма кўринишида ўртacha баландлик аниқланади).

Бино ер тўла ёки ярим ертўла билан лойиҳаланганда юқоридаги тартибда қурилиш хажми ҳисобланса фақатгина ер усти қисми хажми аниқланади. Бинонинг умумий хажми эса унинг ер усти ва ер ости қисмлари хажмлари еғиндисидан аниқланади.

Бинонинг еrostи қисми хажми қўйидаги формула орқали аниқланади:

$$V_3 = S_3 * H_1,$$

Бу ерда

S_3 - цоколдан юқорида биринчи қават баландлигида ўлганган ер тўла (ярим ертўла)нинг горизонтал кесими юзаси;

H_1 - ер тўла (ярим ертўла) тоза поли юзасидан биринчи қават тоза поли юзасигача бўлган баландлик.

3.2. Бинонинг умумий, фойдали ва меъёрий майдони, қурилиш ва қаватлар майдонини ҳисоблаш қоидалари.

1. Жамоат биноларининг умумий майдони барча қаватлар майдони егиндиси кўринишида аниқланади. (техник, мансард, цокол ва ер тўла қаватларини инобатга олган ҳолда).

Бинонинг қаватлари майдонини ташки деворларнинг ички юзаси чегарасида ўлчаш талаб этилади. Антерсол, бошқа биноларга ўтиш жойлари, ойнали верандалар, галерея, томоша ва бошқа заллар балконларини бинонинг умумий майдонига қўшиш талаб этилади. Кўп чироқли хоналар майдони умумий майдонга фақат биринчи қават доирасидагина қўшилади. Мансард қават майдони ташки деворларнинг ички чегараси ва чордоқ бўшлиғи билан чегарадош мансард деворлари орқали аниқланади. Оғма ташки деворларда қават майдони пол баландлигида аниқланади.

2. Жамоат биноларининг фойдали майдони унда жойлашган барча хоналар майдонлари егиндиси ҳамда балкон, залдаги антерсоллар, фойе ва бошқалар егиндиси сифатида аниқланади. Зина катаклари, лифт шахтаси, ички очиқ зиналар ва пандуслар ҳисобга олинмайди.

3. Жамоат биноларининг нормали (ҳисобланган) майдони ундаги барча хоналар майдонлари егиндиси сифатида аниқланади, йўлак, тамбур, зина катаклари, лифт шахтаси, ички очиқ зиналар ва муҳандислик жихозлари, тармоқларини жойлаштириш учун мўлжалланган хоналар майдонларидан ташқари.

Ўқув, шифохона, санаториялар, дам олиш уйлари, кинотеатрлар ва шу каби бошқа бинолардаги соғломлаштириш мақсадда фойдаланиладиган, дам олиш ва навбатда туриш учун мўлжалланган йўлаклар майдони нормали майдонга қўшилади.

Коммутация учун хизмат қиласидиган радиоузеллар, саҳна ва киноаппаратдаги кўмакчи хоналар фақатгина эни 1 мдан кам бўлмаган, баландлиги 1,8 ва ундан юқори бўлгандагина, ҳамда ўрнатилган шкафлар (муҳандислик шкафларидан ташқари) майдонлари нормали майдонга қўшилади.

4. Доимий муз бўладиган грунтларда қуришг учун лойиҳаланидиган бинони шамоллатиш ертўласи майдони, полдан оғма конструкциягача бўлган баландлик 1.8 мдан кам бўлган чордоқ ва техник чордоқлар, ҳамда лоджа, тамбур, ташки балконлар, пешайвонлар, бинонинг томонлари, ташки очиқ зиналар майдонлари бинонинг умумий, фойдали ва нормали майдонига қўшилмайди.

5. Бино хоналарининг майдони девор ва пардеворнинг алоҳида юзаси орасидаги масофа сифатида, пол баландлигида (плитусни ҳисобга олмаган ҳолда) аниқланадиган ўлчам орқали аниқланади. Мансард қаватда жойлашган хона майдони нишабли деворнинг баландлиги 30^0 - 1,5 мгача, 45^0 - 1,1 мгача, 60^0 ва ундан юқорида-0,5 мгача бўлган чегарада пасайтирувчи коэффициент 0,7 орқали аниқланади.

6. Бинонинг қурилиш майдони цокол баландлигида бино ташки девори бўйлаб горизонтал қирқим сифатида бўртиб чиқган

қисмларини инобатга олган ҳолда аниқланади. Устунларда жойлашган бино ости майдони ҳамда бино ости йўлаклари қурилиш майдонига қўшилади.

7. Бино устки қисми қаватлари сонини аниқлашда бинонинг барча устки қаватлари қўшилади: техник қават, мансард, ҳамда цокол агарда унинг ёпмаси 2мдан кам бўлмаган ўртacha ернинг режавий отметкасидан баланд бўлсагина. Доимий муз бўладиган грунтларда қурилиш учун лойиҳаланадиган бино остини шамоллатиш учун мўлжалланган ертўла баландлигидан қатъий назар бино устки қаватлари сонига қўшилмайди.

Бинонинг турли қисмларида қаватлар сони турлича бўлганда, ҳамда майдонда бинони нишаб билан жойлаштириш натижасида қаватлар сони кўпайган ҳолларда бино қаватлари сони ҳар бир қисм учун алоҳида аниқланади.

3.3. Кўп қаватли уйдаги квартира майдони, тураг жой бинолари қурилиш хажми, қурилиш ва қаватлар майдонини ҳисоблаш қоидалари.

1. Хонадон майдонини лоджа, балкон, веранд, терасс ва тамбур, омборхоналарсиз фақатгина яшаш хоналари ва ёрдамчи хоналарни еғиндиси сифатида аниқланади.

2. Хонадонинг умумий майдони хоналари, лоджи, балкон, веранд, террас ва омборхона майдонлари еғиндиси сифатида аниқланади ва қўйидаги пасайтирувчи коэффициент қўлланилади: ложди учун 0,5, балкон ва терасс учун 0,3, веранд ва омборхона учун 1.

Хонада жойлашган печка майдони хона майдонига қўшилмайди. Ички хонадонлараро зина марши ости майдони баландлик полдан бўртиб чиқган конструкциялар остигача 1,6 м ва ундан юқори бўлганда зина жойлашган хона майдонига қўшилади.

3. Тураг жой биноларидаги квартиralар умумий майдони 2 бандга мувофиқ аниқланган квартиralар майдонлари еғиндиси ва жамоат мақсадидаги хоналар умумий майдони еғиндиси сифатида аниқланади.

Бинонинг умумий майдонига доимий муз бўладиган грунтларда қурилиш учун лойиҳаланадиган бино остини шамоллатиш учун мўлжалланган ертўла, чордоқ, техник чордоқ, хонадан ташқари коммуникациялар, зина катаклари тамбурлари, лифт ва бошқа шахталар, пешайвон, ташқи очиқ зиналар майдонлари қўшилмайди.

4. Туар жой биноси майдони ташки деворларнинг ички чегарасида ўлчанган қаватлар майдони ҳамда балкон, лоджилар еғиндиси сифатида аниқланади.

Қават майдонига зина катаклари, лифт ва бошқа шахталар ушбу қават баландлигидаги майдонини ҳисобга олган ҳолда қўшилади.

5. Бинонинг қурилиш майдони бўртиб чиқган қисмларини ҳисобга олган ҳолдаги цокол баландлигига бино ташки девори бўйлаб горизонтал қирқими юзаси сифатида аниқланади. Устунларда жойлашган бино ости юзаси, бино ости йўлаклари қурилиш майдонига қўшилади.

6. Бино устки қисми қаватлари сонини аниқлашда бинонинг барча устки қаватлари қўшилади: техник қават, мансард, ҳамда цокол агарда унинг ёпмаси 2мдан кам бўлмаган ўртача ернинг режавий отметкасидан баланд бўлсагина. Доимий муз бўладиган грунтларда қурилиш учун лойиҳаланадиган бино остини шамоллатиш учун мўлжалланган ертўла баландлигидан қатъий назар бино устки қаватлари сонига қўшилмайди.

3.4. Қурилиш ишлари хажмини ҳисоблаш қоидаси ва методикаси.

3.4.1. қурилиш ишлари хажмини ҳисоблашга қўйиладиган умумий талаблар.

Смета - қурилиш жараёнида бажарилиши лозим бўлган ишларнинг нархланган рўйхати. Қурилиш (реконструкция, техник қайта жихозлаш, капитал таъмир) нархини аниқлашдаги энг кўп меҳнат талаб қилувчи ишлардан бири бу ишлар таркиби ва хажмини аниқлаш ҳисобланади. Бунинг учун смета тузишда асос ва биринчи босқич ҳисобланадиган ишлар хажми ҳисоблаб чиқлади.

Ишлар ҳажми рўйхати ишларнинг қисқача тавсифи ва уларнинг сонини ҳисобловчи формуладан иборат бўлади.

Ишлар хажми рўйхати тўлиқ тугалланган, текширилган ва жамланган таркибдаги чизма, спецификациялар ва бошқа лойиҳа материаллари асосида тузилади.

Ишлар номенклатураси, тавсифи ва ўлчов бирлиги қўлланилидиган смета нормаларига мос тушиши керак. Ишлар хажмини ҳисоблаш ШНКнинг 4 қисми билан тасдиқланган ишлар хажмини ҳисоблаш қоидалариға мос равища бажарилиши керак.

Бироқ ишлар хажмини тузишни амалда қўллаш учун фақатгина қоидаларни ўзини билиш кифоя қилмайди. Ишлар хажмини ҳисоблашни рационал методда олиб бориш кўпроқ натижаларни беради.

Амалдаги йўриқномалар ва амалиёт тажрибасидан келиб чиқган ҳолда ишлар хажми ҳисоби рўйхати кўпайтирилмайди. У лойиҳалаш ташкилотида сақланади ва талабига биноан сметани текширувчи ва келишиб берувчи ташкилотларга вақтинчалик фойдаланиш учун берилади.

Ишлар хажми рўйхати шундай тузилган бўлиши керакки, матн ва формулани ўқиши, ўлчам ва бошқа асоссловчи маълумотларни топиш осон бўлиши керак. Бунинг учун рўхат аниқ ва тузатишларсиз тўлдирилиши, формул ва матн маълум кетма кетлиқда керакли жойларга ёзилиши ва ҳисоблар чизма рақами, детал ва бошқа лойиҳа материалларига мисоллар билан кўрсатиб берилиши керак.

Сметалар тузишда қоидага кўра улар бўлимларга ажратилади. Лойиҳаланган бино шартли равищда қисмларга - конструктив элементларга ажратилади. Бир конструктив элементга тегишли бўлган барча ишлар сметанинг бир қисмига жамланади (ташқи ва ички пардоз ишлари алоҳида конструктив элемент сифатида қаралади). Бундан ташқари сметада бинонинг устки ва остки қисмлари ҳам ажратилади.

Смета таркибига ўхшаш ишлар хажми хисоби рўйхати ҳам бир хил бўлимларга тузилади.

Жамоат турар жой бинолари қурилишида конструктив элеменлар рўйхати қўйидагича:

А.Бинониг остки қисми.

1. Ер ишлари
2. Пойдевор
3. Ер тўла деворлари
4. Ёпмалар
5. Пардевор
6. Ойналар
7. Эшиклар
8. Поллар
9. Зиналар
10. Ички пардоз ишлари

Б. Бинонинг устки қисми

- 1.Деворлар
2. ёпмалар
3. Том
4. Тўсиқлар
5. Поллар
6. Зиналар
7. Ойналар
8. Эшиклар
9. Болохона айвони (балкон) ва бинонинг томони
10. ички пардоз ишлари
11. ташқи пардоз ишлари

12. бошқа турли ишлар

Ички маҳсус қурилиш ишлари

1. Иситиш тизими
2. Шамоллатиш
3. Сув тизими
4. Оқава сув тизими
5. Газ таъминоти
6. Электр ёритиш тизими
7. Телефон киритиш
8. Радио
9. Телевидения
10. Ёнғин сигналлари
11. Сигнализация ва видео кузатув
12. Мусор қувурлари

Саноат қурилишида конструктив элементлар рўйхати объект қўлланиш соҳасига боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқариш биноларида ишлар хажмининг бўлимлари намунавий рўхати қўйидагича:

А бинонинг остки қисми

1. Ер ишлари
2. Пойдевор ости асоси
3. Пойдевор
4. Ертўла деворлари
5. Ёпмалар
6. Тўсиқлар
7. Проемлар (ойна ва эшик)
8. Поллар
9. Зиналар
10. Ички пардоз ишлари
11. Ташқи пардоз ишлари

Б бинонинг устки қисми

1. Каркас
2. Деворлар
3. Ёпмалар
4. Том
5. Тўсиқлар
6. Проемлар (девор, эшик, дарвоза)
7. Поллар
8. Зиналар
9. Ички пардозлаш ишлари
10. Ташки пардозлаш ишлари
11. Бошқа ишлар

3.4.2. ишлар хажмини ҳисоблашни бажариш методикаси.

Ишлар хажмини ҳисоблаш - унга смета хужжатининг сифати боғлиқ бўлган смета ишида энг кўп меҳнат талаб қилувчи ва масъулиятли қисми ҳисобланади.

Ишлар хажмини ҳисоблаш учун тайёрланиш керак. Ишчи аввало ҳисоблаши лозим бўлган барча лойиҳа хажми билан танишиб олиши керак. Барча лойиҳа хужжатларини иш жойига топиш, фойдаланиш осон ва қулай бўладиган ҳолда жойлаштириш керак.

Ишлар хажми ҳисобини жадвалларда юритиш керак. Ҳар бир иш тури учун ўзининг рационал жадвал тури қўлланилиши керак. Қуйида унифицированная жадвал келтириб ўтилган:

Турли ишлар

Иш ва чизмалар номи	Ҳисоблаш формуласи	Ўлчов бирлиги	Миқдори

Ҳисоб ишларини маълум кетма кетликда, бинонинг ер усти (нулевой цикл) ва ер ости қисмлари конструкция, ишлари учун алоҳида олиб бориш керак.

Конструктив элементлар ва иш тури бўйича ҳисобланган иш ҳажмлари ҳисобини шундай олиб бориш ва жадвалга жойлаштириш керакки, кейинги жадвалларда аввалгиларидан олинган маълумотларни қўллаш имкони бўлсин. Бунга кейинги ҳисоблар учун изчиликда маълумотларни олиш имконини берувчи жадваллар тузиш орқали эришиш мумкин. Мисол учун, аввал проемларни тўлдириш ишлари хажмини ҳисоблаш кейинги ўринларда девор, тўсиқ ва ажратувчи юзалар майдонидан проемларни чиқариб ташлашда қўлланилиши мумкин.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, бўлимлар бўйича ишлар ҳажми ҳисобини қуидаги кетма кетликда амалга ошириш тавсия этилади:

1. Ташқи деворлар проемлари;
2. Ички девор ва тўсиқлар проемлари;
3. Деворлар;
4. Пойдевор;
5. Ер ишлари;
6. Тўсиқлар;
7. Поллар;
8. Ораёпмалар;
9. Томлар;
10. Зиналар;

11. Балкон, козрка ва қанотлар;
12. Ички пардозлар;
13. Ташки пардоз ишлари;
14. Бошқа (турли) ишлар.

Кейинчалик смета хужжатларини тузишда эса конструкция ва иш турлари хақиқатда бажарилиш кетма кетлиги бүйича жойлаштирилади.

Жадвалларни тұлдиришда ишлар хажмини ҳисоблашнинг баъзи элементар техника қоидаларига риоя қилиш керак:

- Керак бўлган барча жойларга чизма, деталлар, альбом ва бошқа хужжатларнинг номи, рақами ва шифрини ёзib қўйиш;
- Лойиха чизмаларда келтирилмаган ишлар хажмини ҳисобланганда (ер ишлари ва бошқалар) улар эскизлар (қўлда чизилган чизмалар) билан тасдиқланиши керак;
- Формулаларни иложи борича қисқа тузиш керак ва улар орқали бутун бино хажмини эмас балки алоҳида хона, қават, секция, участка, ўқ бўйича ишлар хажмини аниқлаш керак.

Ҳисоблашда тайёр лойиха маълумотларидан фойдаланиш керак. Биринчи ўринда бу темирбетон, металл, ёғоч, санитар техник, электротехник ва бошқа жихозлар таснифига тармоқларга тегишли.

Буюмлар сарфи тўғрисидаги дона, куб метр, квадрат метр ва тонна ўлчов бирликларида берилган маълумотлар бевосита сметага ишлар хажмини ҳисоблаш қайдномасининг бир бўлими сифатида келтирилган лойиха таснифидан олиб ёзилади. Бундай ҳолларда смета моддалари матнида буюмларнинг маркаси (тури), чизма рақами ва шунга ўхшаш асословчи изоҳловчи маълумотлар келтириб ўтилади.

Ишлар хажмини ҳисоблашда архитекторлар томонидан ҳисобланган бошқа тайёр лойиха кўрсаткичларидан ҳам фойдаланиш керак. Буларга яшаш, иш ва умумий майдонлар, қурилиш хажми, хона ва хонадонлар сони ва бошқалар киради. Ушбу маълумотлар орқали поллар ва пардозлаш ишлари олиб бориладиган ажратиладиган потолоклар, эшиклар сони ва типи каби бошқа смета хажмлари аниқланади.

Олдиндан тайёрлаб қўйилган ёрдамчи маълумотларнинг бўлиши ҳам фойдали ҳисобланади. Замонавий лойихалаш типларга ажратиш ва унификациялаш принципларига асосланади. Фақатгина намунавий эмас балки якка тартибдаги лойихаларда ҳам машҳур асосий кўрсаткич параметр ва модулларга асосланган режавий хажмий хажмий-loyihavий, конструктивлик ва бошқа ечимларнинг чегараланган номенклатурасидан фойдаланилади.

Бунинг натижасида эса ишлар хажми ҳисобининг намунавий ярим тайёр маълумотларини тайёрлаш имкони бўлади.

Ишлар хажмини ҳисоблаш учун жадваллар олдиндан тайёрланган матнга эга бўлиши керак. Ижрочи фақатгина олдиндан билиш имкони бўлмаган маълумотларнигина ёзиши керак.


Жадваллардаги матнлар қисқа лекин шу билан бирга ўзида кейинчалик смета тузиш учун етарли бўлган ишлар характеристикиси ва мазмунини ҳам акс эттириши керак.

Ижрочи матндан нимани қолдириш, ўзгартириш ёки ўчиришни аниқ билиши учун матн ўзида бор вариантларни кўзда тутиши керак.

Ҳисоблаш ишларида ишни енгиллаштириш мақсадида формулалардан ҳам фойдаланиш мумкин. Бундай формулалар доимий деб аталувчи, ҳисоблашда кўп такрорланадиган катталиклардан фойдаланиш асосида ҳосил қилинган.

Таклиф этиладиган формулалар учун доимий катталиклар сифатида деворлар узунлиги (периметр) ва бино ташқи ўқидан олинган горизонтал юза майдони олинади. Дастребки маълумот сифатида доимий катталиклар оддий тартибда ҳисобланади.

Лойиха ўлчовлари билан ҳисобланган ўқлар бўйича ташқи девор периметрини P ҳарфи билан белгилаймиз. Ҳар қандай талаб этиладиган пареллел периметрни қайта ҳисоблаш шарт эмас. Уни бирламчи параметр P ни лойихадан олинган, бирон катталикка кўпайтириш ёки қисқартириш орқали аниқлаш мумкин.



Мисол. 3.1. расмда бино ташқи деворлари плани келтирилган. Ўқларда периметр P га тенг. Фасад майдонини аниқлаш учун ташқи деворларнинг сиртки юзаси бўйича периметрини ҳисоблаш керак бўлади. Ушбу

периметрни P_1 деб белгилаймиз ва расмдан кўриниб турибдики у P дан 8 та a_2 бўлакка катта, бундан

$$P_1 = P + 8a_2$$


Сувоқ ишлари майдонини аниқлаш учун ташқи деворларнинг ички юзалари бўйича периметрини ҳисоблаш керак. Ушбу периметрни P_2 деб белгилаймиз. Юқоридаги расмдан кўриниб турибдики, P_2 периметр P дан 8 та a_1 бўлакка кичик, бундан

$$P_2 = P - 8a_1$$

Том навеси ва деворий тарновлар узунлиги аниқлаш талаб этилади. Ушбу узунликни P_4 билан белгилаймиз.

3.2.расмдан кўриниб турибдики P_4 P дан 8 та a_4 бўлакка катта, бундан

$$P_4 = P + 8a_4$$



3.2. Том навеси бўйича қирқим.

Ҳар қандай ташқи деворлар ўқи чегарасидан чиқувчи ёки унинг чегарасидаги юза периметрини қўшимча ҳисоблашларсиз битта формула орқали аниқлаш мумкин. Формула учун доимий катталик P ва P чизигидан аниқланадиган периметргача бўлган, чизмадан олинган масофадан фойдаланилади. Ушбу масофа формулада 8 га фақатгина бинонинг тўрт бурчагида эмас, балки бошқа хар қайдан микдорда ҳам кўпайтирилади, чунки хар бир иккита қўшимча бурчаклар орасидаги масофа ҳамма пареллел формулалардан фойдаланиш самараси шунча юқори бўлади.

Худди шу метод бўйича содда формулалар орқали котлован юзаси, турпоқ чиқариш ва қайта тўлдириш хажми, том ва томёпма майдони, ички юзалар пардози майдони каби ўлчамларни ҳам аниқлаш мумкин. Ҳисобланадиган бинонинг ташқи кўриниши қанчалик мураккаб бўлса ушбу формулалардан фойдаланиш самараси шунча юқори бўлади.

Бирламчи катталик - ташқи деворлар ўқи бўйича қурилиш майдонини С ҳарфи билан белгилаймиз. Томнинг горизонтал прекцияси C_4 майдонини

аниқлаш талаб этилади. С₄ Сдан узунлиги ўқ бўйича периметр Рга ва эни том навесидан а₄ ўқгача масофага teng бўлган тасмага катта, бундан,

$$C_4 = C + P \times a_4$$

Лекин томнинг бурчакларида олинган тасманинг майдонига кирмаган, Р периметр чегарасидан ташқаридаги 4 та а₄хада₄ квадратлар бор. Ушбу квадратларни қўшамиз ва қўйидаги формула ҳосил бўлади:

$$C_4 = C + (P + 4a_4)a_4$$


Том ёпма майдони С₅ қўйидагига teng бўлади

$$C_5 = C_4 * K_y,$$

Бу ерда, K_y - нишаблик коэффициента ва ушбу формула орқали аниқланади,

$$K_y = \frac{\sqrt{a^2 + b^2}}{a}$$

а ва b белгилари расмда келтирилган:



3.3. Том нишаби схемаси

Намуна сифатида юқорида келтирилган формулалар орқали 5 қаватлик бинонинг баъзи ишлари хажмини ҳисоблаймиз. (3.4 расм)

1) ўқлар бўйича ташқи девор периметри:

$$P = (37,2 + 12,8) \times 2 = 100\text{m}$$

2) ушбу деворларнинг ички юза бўйича периметри:

$$P_2 = P - 8a_1 = 100 - 8 \times 0,2 = 98,4\text{m}$$

3) ташқи девор ўқи бўйича беш карра қурилиш майдони:

$$C = 37,2 \times 12,8 = 476,16 \text{ м}^2$$

4) ички деворлар узунлиги $L=78,8$ м, шу жумладан:

- каналных

$$L_3 = 6,0 \times 3 = 18,0 \text{ м}$$

- зина катаклари


$$L_2 = 6,0 \times 4 = 24,0 \text{ м}$$

- ўрта деворлар

$$L_1 = 35,8 \text{ м}$$

5) пландаги деворлар майдони:

$$T = 18,0 \times 0,40 + 60,8 \times 0,38 = 30,3 \text{ м}^2$$



3.4 Намунашын майдони

6) ёруғлиқдаги зина катаклари майдони:

$$A_L = 6,0 \times 2,8 \times 2 = 33,6 \text{ м}^2$$

Бир маротаба Р ва С бирламчи катталикларини кетма кет аниқланган натижалардан фойдаланилган ҳолда ҳисоблаб топилса, қўшимча ҳисобларсиз, содда формулалар ёрдамида, етарли аниқликда бир қатор ишлар ва конструкциялар хажмларини аниқлаш мумкин бўлади. Бино тузилиши мураккаблашгани сари унинг хажми ҳам ортиб боради ва формуладан фойдаланиш натижаси эффективлиги ошади.

4-амалий: Энг мақбул ва энг самарали фойдаланиш таҳлили

Объектнинг жорий нархлардаги бошланғич баҳоси амалдаги “Объектларни қуриш қийматини шартномавий жорий нархларда белгилаш тартиби тўғрисида” Вақтинчалик Низомга, ҳамда ШНК 4.01.16-09га мувофиқ буюртмачилар ёки уларнинг топшириғига қўра лойиҳа ёки ихтисослашган ташкилот томонидан прогноз жорий нархлар ва ресурслар тарифлари учун харажатлар калькуляциясига асосланган ресурс методи ёрдамида ҳисобланади.

Қурилиш баҳосини шартномавий жорий нархда аниқлаш мақсадига қўра 3 усулда аниқланади:

1. Буюртмачи томонидан қурилишнинг бошланғич баҳосини жорий нархда аниқлаш.
2. Пудратчи ташкилотларининг (таклиф этилган нарх) танлов савдосида қатнашиш учун, қурилиш баҳосини жорий нархда аниқлаш.
3. Пудратчи ташкилотларни танлов савдоси ўтказмасдан қурилиш баҳосини жорий нархда аниқлаш.

"Ресурс усули"ни қўллашда физик кўрсаткичлардаги:

- асбоб-ускуналар номлари ва миқдори;
- норматив меҳнат сарфи;
- машина ва механизмлардан фойдаланиш харажатлари;
- қурилиш материаллари, буюмлар ва конструкциялар номлари ва миқдори;
- бошқа харажатлар ва сарфлар аниқланади.

"Ресурс усули" бўйича объектнинг жорий нархлардаги қиймати қуийдаги формула бўйича аниқланади:

$$C = (C_0 + C_m + C_{3p} + C_{3m} + P_p + P_z + C_p) \times K_P,$$

Бунда:

Со - асбоб-ускуналарга, мебель ва инвентарга харажатлар;

См - қурилиш материаллари, буюмлар ва конструкцияларга харажатлар;

Сзп - ижтимоий сүгуртага ажратмалар ҳисобга олинган ҳолда асосий иш ҳақига харажатлар;

Сэм - машина ва механизмлардан фойдаланиш харажатлари;

Пп - бошқа харажатлар ва пудратчининг харажатлари;

Пз - бошқа харажатлар ва буюртмачининг харажатлари;

Ср - объектлар қурилишини сүфурта қилиш харажатлари;

Кр - навбатдаги йилда қурилишда нарх ўсишининг прогнозлаштирилаётган индексидан келиб чиқиб аниқланадиган таваккалчилик коэффициенти.

Қурилиш материаллари, маҳсулотлари, конструкциялари, ускуналар, мебель ва инвентарь учун сарфланадиган харажатлар транспорт, тайёрлашомборда сақлаш харажатлари ва импорт материаллар, ускуна, мебель ва инвентарь учун қонунчиликда белгиланган божхона тўловларини қўшиб ҳисобланган ишлаб чиқарувчи (етказиб берувчи) корхоналарнинг нархлари қўлланилиб лойиҳа спецификацияларига мувофиқ тарзда тузилган ресурс рўйхатларга асосланиб ёки мазкур ҳудудда шаклланган нархлар мониторинги асосида тузиладиган маълумотлар банки бўйича аниқланади.

Турли қурилиш материаллари, маҳсулотлари, конструкциялари, ускуналари, мебель ва инвентарнинг ўртacha нархи ишлаб чиқарувчи заводларнинг улгуржи нархи, қурилиш материаллари биржа ва ярмаркаларидаги нархлар, қурилиш материалларини етказиб берувчи ташкилотларнинг нархлари, Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш қўмитаси томонидан чоп этиладиган қурилиш материаллари учун жорий нархлар каталогида келтирилган нархлар асосида аниқланиши мумкин.

Иш ҳақи учун сарфланадиган харажатлар объект қурилишининг норматив меҳнат сарфини 1 киши-соат кўрсаткичининг жорий нархига (сўм)

ва ижтимоий сугуртага ажратиладиган тўловларни ҳисобга олевчи коэффициентга кўпайтириш йўли билан қуидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$C_{зп} = T \times C_{ч} \times K_{сс}$$

бу ерда:

T – объект қурилишининг норматив меҳнат сарфи, ресурс сметаси бўйича аниқланади, киши-соат;

C_ч – ишчиларнинг бир соат учун ўртacha иш ҳақи, объектнинг дастлабки баҳосини аниқлашда, минтақа бўйича қурувчиларнинг ўртacha ойлик иш ҳақининг миқдори асосида ҳисобланади;

K_{сс} – ижтимоий сугуртага ажратиладиган тўловлар миқдорини ҳисобга олевчи коэффициент.

Бир соат учун ўртacha иш ҳақи қуидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$C_{ч} = Z_{мс} : \Phi$$

бу ерда:

Z_{мс} – аввалги 12 ой учун статистика маълумотлари асосида аниқланган қурувчиларнинг минтақа бўйича ўртacha ойлик иш ҳақи, сўм/ой;

Φ – Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг маълумотлари бўйича ишчи вақтининг соатда берилган ўртacha ойлик фонди.

Объект қурилишининг дастлабки нархини аниқлашда машина ва механизmlар эксплуатацияси учун жорий нархларда сарфланадиган харажатлар қуидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$C_{эм} = Эм \times Ц_{пр},$$

бу ерда:

Эм – машина ва механизmlар эксплуатациясининг соатларда берилган ҳажми;

Цпр – машина ва механизмлар эксплуатациясининг соат/сўм даги жорий нархлари.

Вақтингчалик бино ва иншоотларга сарфланган харажатлар, қишки мавсумдаги нархларнинг ўсиши ШНҚ 4.09-06 “Вақтингчалик бинолар ва иншоотларнинг смета харажатлари нормалари” ва ШНҚ 4.07-06 “Киш пайтида бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари сарфига қўшимча смета нормалари тўплами” асосида аниқланади.

Объектнинг дастлабки баҳосини белгилашда бошқа харажатларнинг нархини қўйидаги формула бўйича қурилиш-монтаж ишларининг нархига нисбатан фоизларда қабул қилиш тавсия қилинади:

$$Пn = (Cm + Cзп + Cэм + Cn) \times Y,$$

бу ерда:

C_m – қурилиш материаллари, маҳсулотлари ва конструкциялари учун сарфланган харажатлар;

C_{зп} – ижтимоий сугурта учун тўловлар билан бирга ҳисобланган асосий иш ҳақи учун сарфланган харажатлар;

C_{эм} – машина ва механизмлар эксплуатацияси учун сарфланган харажатлар;

C_п – ишлаб чиқаришга оид бошқа харажатлар;

Y – пудратчи “бошқа харажатлари”нинг қурилиш-монтаж ишларининг нархига нисбатан солиштирма кўрсаткичи.

Объектнинг дастлабки баҳосини аниқлашда минтақа ва фаолият турлари бўйича бошқа харажатларнинг солиштирма кўрсаткичи пудратчи ташкилотларининг “5-С Шакл” бўйича тузиладиган ҳисботлари асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган ишлар, маҳсулотлар ва хизматлар учун сарфланган харажатларнинг асосий кўрсаткичлари” статистика бюллетени бўйича қабул қилиниши мумкин.

Объектнинг дастлабки нархи аниқланишида қурилишни сугурталаш учун сарфланадиган харажатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 20.12.1999й. 532-сонли “давлат маблағлари ва давлат томонидан кафолатланган кредитлар ҳисобига қурилаётган обьектлар курилишга оид таваккаларини мажбурий сугурталаш түғрисида” қарорига мувофиқ аниқланади.

Мажбурий сугурталаш бўйича охириги тарифлар сугурта суммасининг 0,4% ни ташкил қиласди (объектнинг тўлиқ нархидан 80%)

$$C_p = (C_o + C_m + C_{3n} + C_{3m} + C_n + P_n) \times 0,8 \times 0,4\%,$$

бу ерда:

C_o – транспорт ва тайёрлаш-омборда сақлаш харажатлари билан бирга ҳисобланган ускуна, мебель ва инвентарь учун сарфланадиган харажатлар;

C_m - транспорт ва тайёрлаш-омборда сақлаш харажатлари билан бирга ҳисобланган қурилиш материаллари, маҳсулотлари ва конструкциялари учун сарфланадиган харажатлар;

C_{3n} – ижтимоий сугурта тўловлари билан бирга ҳисобланадиган асосий иш ҳақи учун сарфланадиган харажатлар;

C_{3m} – машина ва механизмлар эксплуатациясига сарфланадиган харажатлар (машинистларнинг иш ҳақлари билан бирга ҳисобланади);

C_n – ишлаб чиқаришга оид бошқа харажатлар;

P_n – пудратчининг бошқа харажатлари.

Таваккалчилик коэффициенти навбатдаги йилда қурилишдаги нархлар ўсишини прогнозлаш индексидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

Таваккалчилик коэффициенти ҳар бир алоҳида обьект қурилишининг баҳосини шакллантирувчи компонентлар нархларининг ўсишини прогнозлаштирилган индексидан келиб чиқсан ҳолда ҳисобланиб аниқланади.

6.2.Танлов савдоларида қатнашиши учун пудратчи ташкилотлари томонидан қурилиш баҳосини жорий нархларда аниқлаш

Танлов савдоларида қатнашиши учун пудратчи ташкилот томонидан объект қурилишининг жорий нархлардаги баҳосини (келгусида – таклиф этилган нарх) аниқлаш бўйича асосий принциплар ва хусусиятлар келтирилган.

Таклиф этилган нарх (оферта) – бу танлов савдоси шартларига мувофиқ тарзда талабгор (пудратчи) томонидан бажариладиган ишлар (хизматлар)нинг нархи. Таклиф этилган нарх танлов ҳужжатлари (ресурс смета) асосида, жорий нархларда, танлов шартларига мувофиқ ҳисоблаб чиқилади.

Жорий нархлардаги таклиф этилган нархларни талабгорнинг ўзи мустақил ёки унинг буюртмасига кўра қўйидаги ташкилотлар ҳисоблаши мумкин:

- лойиха институти;

-иҳтисослашган инжиринг ёки консалтинг компаниялар, Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш қўмитасининг капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотлар ва нархларни шакллантириш маркази.

Иҳтисослашган инжиринг ёки консалтинг компаниялар, Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш қўмитасининг капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотлар ва нархларни шакллантириш маркази томонидан ҳисобланган объект қурилишининг нархи тавсия тариқасида бўлади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун таклиф этилган нарх сифатида тавсия қилинган нархларни қабул қилиш тўғрисидаги қарорни пудратчи (талабгор) қабул қиласи.

Талабгор томонидан жорий нархларда “ресурс усули”да таклиф этилган нарх 4-бобнинг 4.5. моддасида келтирилган формула ёрдамида аниқланади.

Таклиф этилган нархни ҳисоблаш жараёни қўйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

Қурилиш материаллари (маҳсулотлар, конструкциялар, ускуналар, мебель ва инвентарь) жорий нархлари транспорт харажатлари, тайёрлашомборда сақлаш, божхона тўловлар ва сотиб олиш ва объектга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар билан бирга қўшиб ҳисобланган ишлаб чиқарувчилар (импорт қилувчилар)нинг нархларидан ташкил топган минтақавий бозорда шаклланган нархлар асосида талабгор томонидан белгиланади.

“Фойдаланишга тайёр ҳолдаги объект” қурилишида ускуна, мебель ва инвентарь учун таклиф этилаётган нархлар таркибига уларни сотиб олиш, етказиб бериш, сақлаш, монтаж қилиш, созланиши учун сарфланган харажатлар ҳамда нафақа, йўл ва мактаб таълими фондларига ўтказиладиган тўловлар ҳам киритилади.

Талабгорлар материал ресурсларнинг нархлари тўғрисидаги маълумотларни бевосита қурилиш материалларни етказиб берувчи ташкилотлардан, шунингдек қурилиш материалларининг биржа ва ярмаркаларининг бюллетенларидан, Давархитектқурилиш қўмитасининг капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотлар ва нархларни шакллантириш маркази томонидан чоп этилувчи каталоглардан олишлари мумкин.

Транспорт харажатларини Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш қўмитасининг 06.05.2004й. 31-сонли буйруги билан тасдиқланган “Қурилиш учун юкларни ташишнинг жорий нархларини аниқлаш бўйича услубий тавсиялар” асосида аниқлаш тавсия этилади.

Тайёрлаш-омборда сақлаш харажатларини пудрат ташкилотининг сарфлаган харажатлари асосида аниқлаш тавсия этилади.

Иш ҳақи бўйича харажатларни аниқлашда, талабгор (пудратчи) томонидан киши/соат бўйича нарх аввалги 12 ой давомида ўртача ойлик иш ҳақининг шаклланган микдоридан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

Пудратчи таклиф этган нархни ҳисоблашда қурилиш машиналари ва механизмларидан фойдаланишда маш/соат жорий нархини Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш қўмитасининг 06.05.2004 й. 31-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Қурилиш машиналари ва механизмларидан фойдаланишда ҳисобланган жорий нархларни аниқлаш бўйича услубий тавсиялар” асосида аниқлаш тавсия этилади.

Пудратчининг “бошқа харажатлари”нинг микдори (даражаси)ни аниқлаш мувофиқ муддат (аввалги 12 (ўн икки) ой) учун қабул қилинган кўрсаткичлар базиси асосида пудрат ташкилотининг амалдаги баланс кўрсаткичларига асосланган молиявий натижалари 2-шакл бўйича, корхона харажатлари 5-С шакл бўйича, меҳнат харажатлари 1-Т шакл бўйича, ҳисбот 1-МБ (микрофирма ва кичик корхоналар учун) бўйича ва ҳисбот кўрсаткичларининг таҳлили асосида қуидаги формуалар ёрдамида амалга оширилади пудратчининг “бошқа харажатлари” % даги даражаси:

$$Y = (Pn/Cpr) \times 100$$

бу ерда:

У – пудратчининг бошқа харажатларининг мувофиқ базис давр давомида қурилиш, монтаж, таъмирлаш, ишга тушириш-созлаш ишларининг ишлаб чиқариш таннархига нисбатан фоизда берилган даражаси (катталиги), бунда “фойдаланишга тайёр ҳолдаги” обьектлар нархини аниқлашда ҳисобга олинган пудратчи томонидан сотиб олинган ва монтаж қилинган ускуналарнинг нархи чиқариб ташланади.

Pn – мувофиқ базис давр учун қабул қилинган пудратчининг бошқа харажатлари (нарх кўрсаткичи), харажатлар рўйхати ва Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш қўмитасининг 28.12.2007й. 129-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Объектлар қурилишини шартномавий жорий нархлардаги баҳосини ҳисоблашда буюртмачи ва пудратчининг “бошқа харажатлари”ни аниқлаш бўйича услубий тавсиялар”нинг №1, №2 ва №3 иловаларида келтирилган тартибга асосланган ҳолда ҳисобланади.

Спр – мувофиқ базис давр давомида бажарилган қурилиш, монтаж, таъмиrlаш, ишга тушириш ишларининг ишлаб чиқариш таннархи, бунда бунда “фойдаланишга тайёр ҳолдаги” обьектлар нархини аниқлашда ҳисобга олинган пудратчи томонидан сотиб олинган ва монтаж қилинган ускуналарнинг нархи чиқариб ташланади.

Тўғридан–тўғри харажатларда ҳисобга олинмаган ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар пудратчининг амалдаги харажатлари ва ҚТЛ кўрсаткичларига (муваққат бино ва иншоотлар, қишки мавсумда нархларнинг ўсиши, ишчиларни ташиш, қурилишнинг вахта усули ва ш.к) мос равишда аниқланади.

Пудратчи (талабгор) таклиф этилган нархдаги “бошқа харажатлар” таркибида таклиф этилган ишларни бажариш эвазига олинадиган иқтисодий асосланган фойдани ҳам ҳисобга олади.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

Кейс №1: Бино ва иншоотлар ишончлилиги.

**Умрбоқийлик, хизмат муддат, қолдиқ хизмат муддати,
конструкцияларнинг ишдан чиқмаслик эҳтимоли.**

I. Педагогик аннотация.

Модул номи: “Бино ва иншоотларни техник ҳолатини баҳолаш”.

Мавзу: Модуль мақсади ва вазифалари. Ишончлилик, умрбоқийлик, хизмат муддати турлари.

